

МАҲМУД ЙЎЛДОШЕВ

**ЖАЖЖИ
ДАҲОЛАР
ТАРБИЯСИ**

**«ТАФАККУР» нашриёти
Тошкент – 2011**

63.3(5Ў)6

Й96

Йўлдошев, Маҳмуд

Жажжи даҳолар тарбияси/М.Йўлдошев; –Т.: Tafakkur,
2011. – 112 б.

63.3(5Ў)6

Психолог, педагог мутахассис олимнинг ушбу рисола-сида иктидорли, талантли, алоҳида хусусиятларга эга бўлган болалар, уларни қандай қилиб бошқа болалардан ажратиш ва тарбиялаш борасида фикр юритилади. Асар болалар тарбия-сининг турли қирраларига эътибор қаратишга бағишланган бўлиб, у кичик-кичик ҳаётий лавҳаларда ёритилади. Рисола билан танишган ҳар бир ота-она ўзи учун албатта фойдали маълумотлар олишига ишонамиз.

ISBN 978-9943-372-41-2

© Маҳмуд Йўлдошев, 2011
©«ТАФАККУР», 2011

ИҚТИДОР ВА УНИ ЎСТИРИШ ЙЎЛЛАРИ ТЎҒРИСИДАГИ РИСОЛА

Ушбу китоб бевосита ҳаётий эҳтиёж талаблари асосида дунёга келган. Ихтисослигига кўра психолог олим бўлган муаллиф таълим-тарбия муаммолари ҳақида олдинлари ҳам бир қатор мақола ва рисолалар ёзган. Мазкур китобда эса унинг бетакрор ўзига хосликка эга иқтидорли болаларни тарбиялаш йўллари борасидаги ўйлари ифода этилган.

Ҳар бир ота-она ҳам ўз боласининг оламга машҳур одам бўлиб етишишини истайди. Лекин бунга ҳамиша ҳам эришиб бўлмайди. Одам табиатининг хилма-хиллиги, унинг ақлий-жисмоний имкониятлари турфалиги барчани кизиқтиради. Бир пайтда, бир жойда, ҳатто, бир оилада туғилгани ҳолда одамларнинг иқтидори ҳам, тақдири ҳам тамомила бошқа-бошқа бўлиши кишиларни ўйлантиради. Агар иқтидорлиликнинг сабаблари аниқланиб, таланти ёшларни тарбиялашнинг илмий-ташқилий тизими яратилса, жамият тараққиётини ўта тезлашиб кетиши кўпчиликка маълум. Маҳмуд Йўлдошев ўз китобида боланинг илк кунларидан эътиборан уни «даҳо»ликка тайёрлашнинг амалий йўллари тўғрисида фикр юритади.

Илмий манбаларнинг далолат беришига қараганда, кейинги икки юз йиллик давомида Кунботишда даҳолар яратиш йўллари топишга катта эътибор қаратиб келинмоқда. Амалиётчилик йўлида ҳеч нарсадан қайтмайдиган, унча-мунча маънавий тўсиқларни писанд қилмайдиган кунботишликлар катта интеллектуал қобилиятга эга даҳо шахсларни дунёга келтиришнинг анвойи йўллари излай бошладилар. Чунончи, даҳолик ирсий хусусиятга эга бўлиши мумкин деган мўлжалда даҳоларнинг эрлик уруғлари олиниб, улардан даҳо бола кўрмоқчи бўлган аёлларни уруғлантиришгача боришди. Аммо натижа улар кутганларидай бўлмади.

Гитлер ва Сталин ўтган асрнинг 30-40- йилларида даҳо яратишни мамлакат миқёсида йўлга қўйишга уриниб

кўргандилар. XX асрнинг 80- йилларига келиб эса, ҳатто, катта иқтидорга эга эркаклар уруғининг биобанклари ҳам ташкил қилинди. Лекин айтарли самарага эришилмади.

Катта иқтидор эгаларига хос хусусиятларнинг бир хил эмаслиги муаммони ҳал қилишдаги асосий тўсиқлардан эди. Даҳоларнинг айримлари болалиқдан ҳаммадан ажралиб турган, мақсад йўлидан чалғимайдиган, интизомли, меҳнаткаш бўлсалар, баъзилари ўзларининг танбаллиги, интизомсизлиги, тартибларга амал қилмаслиги билан ажралиб туришган.

Олимлар орасида даҳолик кучли иқтидор ва тинимсиз меҳнат натижасидир, деб тушунтирадиганлар кўпчиликни ташкил қилади. Аммо бу қараш тарафдорлари дангасалиқда ном қозониб, мактабда зўрға «уч» баҳоларга ўқиган Эйнштейн, Черчилл, Гегель, Пьер Кюри, Норберт Винер, Чарли Чаплин каби даҳоларнинг ўз соҳаларида қандай қилиб юксак натижаларга эришганлигини изоҳлай олмайдилар.

Даҳолик сабабини инсон миясининг ҳажми ва оғирлигидан қидирган олимлар ҳам бўлди. Улар эришган натижалар ҳам бу ҳодисага тайинли аниқлик киритолмади. Агар соғлом одам миясининг ўртача оғирлиги 1375 грамм бўлса, оламга машҳур даҳо Эйнштейн миясининг салмоғи 1230 граммнигина ташкил этиб, ўртача оғирликдан ҳам анча кам эди. Айни вақтда, рус ёзувчиси И. Тургеневнинг бош мия оғирлиги 2012 грамм бўлиб, ўртача кўрсаткичдан жуда юқори эди.

Ушбу китоб муаллифи даҳо шахсларнинг туғилиш вақти билан ҳам қизиқиб кўрган. Унинг аниқлашича, даҳоларнинг кўпчилиги феврал, апрел, май, июн, ойларида дунёга келган экан. Бунинг сабабини М. Йўлдошев уларнинг туғилиш пайтида қуёш, ой ва ернинг ҳолати ва яна бошқа турли омиллар билан боғлаган муаллифлардан фарқли равишда, ҳомиланинг пайдо бўлиш даври билан боғлашга уринади. Лекин у ўз қарашига қарши турадиган қизиқ бир парадокс ҳолатга ҳам урғу беради. Ахир даҳолар туғилган ой, кун ва дақиқаларда ер юзиде яна минглаб болалар ҳам дунёга келган бўлади. Аммо нега

улар даҳо даражасига чиқолмайдилар. Муаллиф аини шу нуқтадан бошлаб инсон камолотида таълим-тарбиянинг ўрни бекиёс эканини изохлашга, оила муҳитида таълим-тарбияни ташкил этиш йўллари борасида илмий кузатишларини баён этишга эътибор қаратади.

Маҳмуд Йўлдошев китобида иқтидор, талант, даҳолик ва одамда бу сифатларни шакллантириш масаласига комплекс ёндашиш тарафдори эканини кўрсатади. У инсон иқтидори шаклланишида авлоддан авлодга ирсий йўл билан ўтадиган наслий сифатлар ҳам, миянинг физиологик ўзига хосликлари ҳам, таълим-тарбия ҳам, меҳнаткашлик ва интизом ҳам аҳамият касб этишини қайд этади. Ҳамда даҳоликни шакллантиришга доир юмушлар бола ҳали дунёга келмай туриб бошланиши кераклигини таъкидлайди. У бўлажак даҳоларни қай йўсинда тарбиялашни тил айланмайдиган мушкул илмий атамаларсиз содда ва тушунарли тарзда тушунтиришга уринади.

Муаллиф ўз шахси ва ҳаётини яратаётган ҳар бир инсон ўзининг меҳнатсеварлиги, ички интизومي, тартиби, фикрлашдаги изчиллиги туфайли берилган табиий-жисмоний имкониятларидан тўлиқ фойдаланиши ҳам, аксинча, фойдаланилмаган мавжуд имкониятлар бутунлай сўниб кетиши ҳам мумкинлигини ишонарли кўрсатиб беради. У ҳар бир ота-она ўз фарзандларидаги Тангри томонидан берилган имкониятларни уйғотиши ва ривожлантиришга бурчли эканига урғу беради.

Муаллиф асар ва унинг бўлимлари номининг ўқувчи эътиборини тортадиган ҳамда қизиқарли бўлишига диққат қаратган. Шунингдек, ўз қарашларини қизиқарли ҳаётий мисоллар ёрдамида асослашга уринган. Тушунарли тилда, самимий ёзилган ушбу асар даҳо болаларни тарбиялашга астойдил киришган ота-оналарга қўл келадиган битик бўлишига умид қиламиз.

Қозокбой Йўлдош,
*Педагогика фанлари доктори,
профессор*

ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШИ ЎЗГАРИШИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ЎЗГАРИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИ

Ҳар бир давлатнинг тараққий этишида, унинг ўз эртасини белгилашида таълим тизимида давлат микёсидаги энг муҳим вазифалардан бири деб қараш, унинг яқин ва узоқ келажагини тараққийёт билан таъминлайдиган омиллардан бири бўлиб хизмат қилади. Ушбу омилдан унумдор фойдаланишнинг шартларидан бири, давлат тараққийёт босқичининг таълим йўналиши билан мос олиб борилишида. Давлатнинг тараққийёт босқичи ўзгариши билан ушбу давлатда таълим ҳам тараққийётга мослаштирилиб ўзлаштирилиши шарт.

Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярмида Япония таълим борасида жаҳонда энг илғор ўринларга кўтарилди. Вақти-вақти билан ЮНЕСКО томонидан мажбурий бошланғич ва ўрта таълим ёшлари орасида ўтказилиб туриладиган тест синовлари орқали бу натижалар халқаро микёсда тасдиқланиб туради. Шунга қарамасдан Японияда ўтган аср 90 йилларнинг охирида таълим тизимининг янги, тўртинчи босқичи давлат тараққийётига таълимни мослаштириш реформаси бошлаб юборилди.

Япон мутахассисларининг эътирофига кўра асосан ўтган асрнинг 80 йилларидан бу реформага киришилган. Бу йилларда мамлакатда жиддий тараққийёт ўзгаришлари юз берган ва мамлакатда иқтисодий ўзгаришлар маънавий мутаносибликни талаб қила бошлаган. Бу ўз ўрнида мактаб, оиладаги бола тарбияси, таълим тизимида жиддий белги бериб, айти шу йилларда болаларнинг мактабларда хулқий ўзгаришлари кузатилган. Болалар бу даврда асабийлашиб гуруҳ-гуруҳ бўлиб уришишга, ўқитувчиларга гап қайтаришга, ҳатто ота-оналарини ҳам ҳақорат қилишга бориб қолишган. Мактаб, тарбия йўналишидаги бу қутилмаган ҳодисалар анъанавий шарқ тарбияси йўналишида бўлган япон тарбия тизимини, ушбу тизимда фаолият кўрсатаётган мутахассисларни ташвишли ҳолатга олиб келган.

Ҳолатни кузатган мутахассислар масаланинг моҳиятини таҳлил қилишган ва эътироф этишганки, мамлакатдаги тараққиёт талаблари ёшлар елкасига оғир, болаларга мос келмайдиган муаммолар олиб келганлиги аниқланган.

Билим олиш ҳамма халқлар орасидаги каби Японияда ҳам доимо ўта муҳим саналган, аммо урушдан кейинги йилларда ёшлар зиммасига шунчалик катта юклар ортилган эканки, саксонинчи йилларга келиб масала муаммога айланиб кетганини кўпчилик мутахассислар ҳам сезмай қолишган. Масаланинг моҳияти, ота-оналар болани замон талабларига мослаштириш учун қандай қилиб бўлмасин ўқишнинг навбатдаги юқори босқичига куч билан бўлса ҳам мумкин бўлган ва мумкин бўлмаган усулларда (асосан) оналарнинг етаклаб ўтишлари билан боғлиқ бўлганлиги аниқланган. Навбатдаги поғонага қайси бир сабабларга кўра эришолмаган бола моддий ва маънавий қийноқларга солинган, уни мажбур қилишдан тўхташмаган, натижада бола ё онага кўл кўтарган ёки ўз жонига қасд қила бошлаган. Бу ҳақда эълон қилинган маълумотларга қаралганда айнан мана шу сабабларга кўра 1988 йили Японияда 170 бола ўз жонига қасд қилган экан.

Масаланинг ҳал этилишида катта ўрин тутган тадбирлардан бири - ўрта маълумот олишнинг охириги босқичи бўлмиш 10-12 синфлардаги имтиҳонлар бекор қилиниб, кўпчилик болалар учун етишмаётган бу синфлар сони кўпайтирилган, олий таълимни хоҳловчиларга етарлича хусусий институтлар очилиб конкурс муаммоси асосан бартараф қилинган. Шу сабабли Японияда давлат институтларига конкурс ҳали ҳамон бир ўринга бир, бир ярим талабгорни ташкил қилар экан.

Японияда мактаблар асосан уч йўналишда фаолият кўрсатишади. Давлат мактаблари, оммавий мактаблар ва хусусий мактаблар тартибида иш олиб боради.

Давлат ва хусусий мактаблар тушунарли бўлгани учун икки оғиз сўз оммавий мактаблар ҳақида. Улар ҳам солиқ тўловчилар маблағига юритилади, аммо уларга муниципалитет ёки префектура раҳбарлик қилади, шунинг учун давлат мактаб ва институтлари Японияда жуда озчиликни

ташкил қилади. Балки шунинг учун бўлса керак, мактаб ва ўқув юртлари учун маориф вазирлиги фақат тавсиялар ишлаб чиқаради, албатта улар инкор қилинмайди, шу билан бирга улар айнан тавсиялигича инобатга олинади холос.

Япония таълим тизимининг янги тартибга ўтиши аслида 1868 йилдаги Майдзи инқилоби билан боғлиқ. Инқилоб натижаларидан кейин япон жамияти кўрадики, мамлакат, миллат янги иқтисодий муносабатга ўтди ва жамиятнинг эндиги тараққиёти талабларини эски таълим тизими билан қондириб бўлмайди. Шу боис мамлакатда ўша йиллари таълим тизимида катта ташкилий ишлар олиб борилди. 1871 йил илк бор маориф вазирлиги ташкил қилинади ва 1877 йили Токио университетига асос солинади. Айни шу даврда японлар дунёдаги таълим тизимларини ўрганиб чиқиб ундаги энг янги йўналишларни ўзларига сингдиришга киришадилар ва бу йўналишда Америка, Франция, асосан Европа таълим тизимлари асос қилиб олинади.

Маълумки, собиқ советлар тузуми инқирозга учраб тугатилганидан кейин бизнинг жамият ҳам янги иқтисодий муносабатга ўтди, ҳаётимизга бозор иқтисодиёти кириб келди. Демак, жамиятимизнинг асосларидан бири бўлмиш таълим тизими ҳам ўзгариши керак эди. Шу ўринда Президент И.А. Каримовнинг бир сўзини келтириш мумкин: “Таълим ва тарбия тизимини ўзгартирмасдан туриб, одамлар онгини, демакки, уларнинг турмуш тарзини ҳам тубдан ўзгартириш мумкин эмас”. (И. Каримов “Ватан ва халқ мангу қолади” Т. 2010. 102б.)

Ушбу муҳим фикр мамлакатимиз таълим тизимини амалда қайта қуришга катта таъсир қилганининг исботи сифатида айтиш мумкинки, айнан таълим тизимини тубдан ўзгартириш мақсадида бу йўналишда мустақиллик йилларида муҳим аҳамиятга эга қарорлар давлатимиз томонидан қабул қилинди, жамиятимиз ўз ҳаётидаги ва мамлакат таълим тизимидаги бу ўзгаришларни қабул қилиб, ўз ҳаётий тажрибасига жорий қилиб борди, ҳаёт синовларидан ўтказиб, керакли ўзгаришларни киритди ва таълим тизимини такомиллаштириб бормоқда.

Шу билан бир вақтнинг ўзида жамиятимиз, халқимиз, қолаверса эртанги ҳаётга қадам қўйиб кириб келаётган ёш авлод орасида келажакнинг қандай бўлиши ва бу келажакка боришда унинг пойдевори ва асосини қуришда маълум маънода янада жиддийроқ ўйлаб кўрилиши зарурати ҳали ҳамон сезилиб келмоқда. Миллатнинг ёшлари тўғрисида қайғурурар эканмиз, таълим тизимидаги ўзгаришлар давом этдирилиши билан бир вақтнинг ўзида ҳали таълим ва тарбия соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар ўз навбатини кутиб турибди дейишимиз лозим. Ваҳоланки, таълим тизимидаги катта ўзгаришлардан кейин ҳам ўз ечимини кутиб келаётган муаммоларни ҳал қилмай туриб жамиятдаги муаммоларни ҳал қилиб бўлмаслиги тушуниб етилмоқда. Бу масала ўз ўрнида бизнинг нафақат ички, балки ташқи, тарихий сабабларга кўра Ўзбекистондан ташқарида яшаётган ўзбеклар учун ҳам жиддий аҳамиятга эга эканлиги сезилмоқда.

Шу ўринда Марказий Осиё ва қолаверса умумтуркий халқлар орасида энг катталаридан бири бўлганимиз учун қардош халқлар орасида яшаб ва истиқомат қилиб келаётган ўзбеклар, уларнинг ёшлари ва бу ёшларнинг келажакига ҳам айнан бизнинг таълим тизимимиз ва ундаги ютуқ ва камчиликлар жиддий таъсир қилишини инobatга олишимиз зарурга ўхшайди. Демак, улар тўғрисида ҳам қайғуришимиз, уларга бизнинг юртимизга келиб хусусий ва японларникига ўхшаш оммавий ёки шунга ўхшаш мактабларда билим олишларига шароит яратиб беришимиз, бизнинг таълим тизимидаги муваффақиятларни улар билан баҳам кўришимиз, ўқитувчи кадрлар, дарсликлар орқали ёрдам беришимиз зарурати сезилмоқда.

Биз илмда, айниқса ёшларга илм беришда янги велосипед ихтиро қилмасдан, дунёдаги мавжуд гигантлар тажрибасига таяниб илм ва адабиётда бошқаларга етиб олмас эканмиз, улардан ўтиб кетиш эмас уларга етиб олишни ҳам орзу қилолмаслигимиз аниқ бир аксиома.

Бошқаларга етиб олишни орзу қилар эканмиз айни шу “бошқалар” сўзи бизга таянч бўлиб хизмат қилиши лозим. Яъни, бошқалар дедикми, таълим борасида улар нима-

ларга эришди, қайси йўллардан боришди ва боришаяпти, бизнинг ютуқ ва камчиликларимиз нимада, яъни, энг аввало биз киммиз деган савол туради. Шундай экан бугунги кундаги тилимиз, мактабда ўзбек тилининг ўргатилиши, ёшлар ва ўқитувчилар тили, тилнинг бугунги кундаги аҳволини жиддий таҳлил қилишимиз лозим.

Маълумки, фан, техника, умуман янгилик қаерда пайдо бўлар экан шу ернинг тили, тил бойлиги, қилинган ихтиролар, янгиликлар орқали бошқа миллат ва тилларга кириб келади. Тилимизга янгиликларнинг кириб келишига қаршилик қилмасдан шу билан бир пайтнинг ўзида тилимизнинг асл имкониятларини ҳам қайта ўрганиб, собиқ тузум даврида эскилик сифатида орқага сурилган сўзларимизни тиклаш, бизга мажбуран тиқиштирилган сўзлардан бир қадар тозаланиб, қайта тикланиши лозим бўлган ўзбек тилининг катта луғавий қатламини амалиётга киритишимиз лозим. Бу ўринда тилимизда бор бўлган, ҳозирги кунда бизга янгиликдай бўлиб кўринган янгиликларни берувчи сўз, сўз бирикмалари ва шунга ўхшашларни қайтадан амалиётга киритиб кўркмасдан тиклашимиз керак. Бу ўз ўрнида ёшларимизда миллий туйғунинг янгича қирраларда шаклланишига олиб келиши билан бир пайтнинг ўзида энг аввало миллий ғурур ва қолаверса фаннинг ривожига туртки бўлади.

Компьютер сўзи ва унинг имкониятларини ўзлаштириш билан бир пайтнинг ўзида, собиқ тузум даврида амалиётдан чиқарилиб юборилган, биргина мисол қилиб айтганда байтар, байтарлик каби сўзларнинг тикланиши ёмон натижа бермайди. Фақат юртидан, ватанидан, миллати ва тилидан ғурурланган шахсларгина миллий менталитетимиз ва бизнинг янгиликларимизни бизники сифатида бошқаларга етказа олади. Шундагина бугунги кунда етишиб келаётган иқтидорли ёшларимиз миллий ғурурини мажбуран йўқотиб ўз ихтироларини бошқа тилда ёзишга мажбур бўлган кечаги авлод каби аросатда қолиб кетмайди.

Бундай билимларга асос ва пойдевор эса оиладан, мактабгача тарбия ва таълим масканларидан, бошланғич, ўрта,

ўрта махсус таълим муассасаларидан, олий таълим тизимидан бошланиб инсоннинг бутун умри давомида ўқиши, билим олиб бориши билан боғлиқ бўлиб қолаверади. Демак, тарбия ва таълимнинг энг асосий вазифаси: оила, боғча, мактаб, лицей ва коллеж, институт ёки университет ёшларга бутун умр шундай билим олишни ўргатсинки, ҳар бир ўқувчига у ўз манфаатини ҳар доим, ҳамма жойда ҳимоя қилишига имкон берсин, кундан кунга унинг моддий ва маънавий ўсишига хизмат қилсин.

Бунинг учун умумтаълим мактаблари, уларнинг турлари, айтайлик, давлат мактаблари, японларникидай ёки бошқа бир турдаги оммавий мактаблар, хусусий мактаблар ва уларга ёндашиш назариясини, уларга бўлган муносабатни ватанимизнинг бугунги иқтисодий ва маънавий юксалиш босқичидан келиб чиққан ҳолда қайта қараб чиқиш вақти келди.

Бугунги бозор иқтисодиёти асосларидан келиб чиқиб тараққиётнинг назарий жиҳатига ёндашар эканмиз, бевосита ота-боболаримизнинг беш қўл баробар эмас, деб қолдирган ақидалари ёдга тушади. Чунки ХХI асрда болалар туғилганда ҳаммаси бир имкониятга эга бўлади, янги туғилган боланинг мияси тоза доска, унга хоҳлаган нарсани ёзиш мумкин, ошпаздан давлат бошлиғи чиқиши аниқ, деган советларнинг ўтган асрда қолдирган ғализ назариясидан ва асосан мана шу ғализ назарияга асослаб қурилган советлар таълим тизими, педагогик назариялари ва бу назариялардаги дидактик кусурлардан, асоратлардан бутунлай қутулиб олишимиз лозим.

Инсонлар ирсий нотенгликка эга бўлиб қолаверишини ХХI асрда қайтадан исботлаб ўтиришнинг ўзи аниқ аксиомани схоластик муаммога айлантириб, қайта велосипед ихтиро қилиш эканлигини қанча тез тушуниб етсак ўз эртанги кунимизга, миллатимизга, унинг ёшларига шунчалик тез ёрдам қилган бўламиз. Сабаби, биз яшаётган аср интеллектуал бойликлар, маълумот бойликлари асрига айланиб бўлган. Кимки бу асрни мана шундай сезмас ва уни мана шундай қабул қилмас экан ушбу бойликларга тиш тирноғи билан интилмас экан, бундай шахс, миллат ва

халқ жаҳон тараққиётидан четда қолиб кетади ва бундай халқнинг вакиллари бутун ҳаёти давомида кенг маънода ўз потенциал имкониятларини ишлата олмасдан илғорлар қаторида эмас, қоқлар сафида қолиб, балки тобе яшашга маҳкум бўладилар.

Бугунги кунда ўз мактабларимиз ва улардаги таълим даражасидан қониқмасдан болаларини ташқарига, бошқа давлатларга ўқишга юбораётган ота-оналарни тушунса бўлади. Чунки четда ўқиш ҳар доим ҳам, бу асосан дунё билимлари даражасига тезроқ чиқиш йўлларида бири бўлиб келган. Ўтмишдаги буюк боболаримизнинг узоқ-узоқларда шарку ғарбда илм ўрганганларини эслайлик. Ҳадислардаги илм излаб ҳатто Хитойга ҳам бориш кераклиги таъкидланганлиги бунга мисол бўла олади.

Демак, бу ўринда бугунги ота-оналарнинг ҳам ўз фарзандлари учун қайси давлат ва ундаги қайси мактабларни танлаб ўқишга юбораётганлари бир томондан олқишга арзигулик иш. Аммо бу ўринда уларнинг қайси мамлакат ва қайси мактабларни нима учун танлаётганлари катта эътиборни талаб қилади.

Ваҳоланки, чет элларда таълим ҳам ўз ўрнида бизнеснинг бир тури саналади ва шундай қабул қилиниб мактабларнинг рейтинглари ҳар йили матбуотда эълон қилиниб турилади. Демак, мактаб танлаш масаласи ушбу рейтингларни ўрганиш орқали бир қадар осонлашуви мумкин. Аммо мамлакат ва йўналиш танлаш ҳар ҳолда доимо сиз ва сизнинг фарзандингиз гарданида қолаверади.

Шу билан бирга мамлакат ва мактаб танлаганингиздан кейин асосий муаммо бошланади. Чунки кўпгина мамлакатлардаги рейтинг баланд мактаблар сизнинг пул тўлашингиз ва бошқа хоҳишларингизга унчалик ҳам қарамайди, ўзлари тест уюштириб иқтидорли, талантли ёшларни йиғиб олишга ҳаракат қилади. Сизда шундай имкониятлар бор экан, демак, сиз дунёнинг мана-ман деган мактабларига болаларингизни жойлаштиришингиз мумкин. Бу деган сўз, келгусида сизнинг фарзандингиз Оксфорд ёки Кембридж (бу ўринда нима учун Тошкент ёки

Самарқанд университетлари эмас деган савол туғилади) университетига абитуриентликка етиб боради.

Чет эл мактаблари ва улар ҳақида кўп маълумотлар келтириш мумкин. Масалан, инглизларнинг мактаблари асосан болаларни камтарлик, шукроналик, кийинчиликларга чидамлик (аскетлик) руҳида тарбияласа, швейцария мактаблари бироз бундан фарқ қилади. Уларда бугунги дунёвий билимлар, замон таъсири анча етарли даражада берилади.

Инглиз мактабларида таълим дунёвий талаблар даражасида бўлиши билан бир вақтнинг ўзида тарбия ўқувчига Англия будунлари руҳини бериш билан мазмунланади. Швейцария мактабларида амалиёт эса тарбияда интернационализм аниқроғи космополитизм руҳида олиб борилади. Швейцарияликлар, шу жумладан бошқа ғарб давлатлари ҳам ҳар доим таълим беришни асосан бизнес деб тушунар экан, улар биз тайёрлаган шахс ҳар қандай давлатда, жамиятда, мамлакатда ҳам сингишиб кетиши керак, деб қарашади.

Ўқитиш бадалига келсак, одатда бир ўқувчига сарф харажат Англияда 60 000 бўлса Швейцарияда 50 000, бошланғич синфлар учун 30-35 минглар атрофида бўлиб, бу маблағ кўпчилик давлатлардан келаётган хорижлик отаналарни унчалик чўчитмайди.

Инглиз мактабларининг чет элликларга мўлжалланмаганларида ташқаридан келганлар нисбати бор йўғи 5-7, жуда кўпи билан 10 фоиздан ошмайди. Чет элликларга мўлжалланган мактабларда эса маҳаллий аҳоли вакиллари 10 фоизгача бўлади.

Чет эл мактаблари танланадиган бўлса Швейцария мактаблари анча қулайлиги билан ажралиб туради. Уларда болалар сони 50 ва 100 дан ошмайди. Натижада ҳар бир болага ўқитувчи ва тарбиячилар томонидан диққат-эътибор кўп бўлади. Шу жойда яна бир айтиб ўтиладиган масала шундаки, инглизларда ҳар ҳолда ягона мактаб дастурлари ва шунга ўхшашлар мавжуд бўлса, Швейцария мактабларида ягона дастурнинг ўзи йўқ, деса бўлади.

Швейцария мактабларида предметларнинг кўплиги асосан боланинг ҳар томонлама тараққий қилинишига қаратилган бўлиб, ўз ўрнида инглиз йўналиши, инглиз-америка, олмон, француз ва италян йўналишларида таълим бериш кўринишларини учратиш мумкин.

Бугунги кун жаҳон тараққиётига назар ташлар экан-миз бу кузатиш шуни кўрсатмоқдаки, тараққиёт асосан уч йўналишга бориб тақалмоқда. Биринчидан; юқори технология ва ҳамма давлатларнинг бунга интилиши. Иккинчи йўналиш; жамиятнинг бутун тармоқ ва жиҳатларини маълумотлаштириш, бир сўз билан айтганда асримиз маълумот асрига айланиб бормоқда ва ниҳоят учинчи йўналиш; жаҳоннинг байналминаллашиб бораётганини кўриш мумкин. Қайси халқ ва миллат жаҳоннинг қайси бурчагида яшашидан қатъий назар уларнинг динлари, маданиятлари, кадриятлари ва бошқа умуминсоний кўрсаткичлари ҳамма давлат ва миллатлар мулкига айланиб бораётганини кўра-миз.

Жаҳон мамлакатларининг олий таълим тажрибаси, қолаверса умуман мактаб таълим тизими ҳам жаҳонда маълумотлар кўплигидан бир қадар бўғилиб бораётганини, ёшлар зиммасига кўпчилик ҳолларда уларга кейинчалик умуман керак бўлмайдиган фан ва маълумотларнинг тикиштирилаётганини кўра-миз ва шунинг учун ҳозирги кунда олий таълимнинг ёшларга илм беришда майда-майда йўналишларга кириб бораётганини кузатиш мумкин.

Маълумотлар кўплиги, дастурларнинг турли-туманлиги қанчалик бўлмасин, қанчалик янги педагогик технологиялар ўйлаб топилмасин, бугунги кунда жаҳон тажрибасида ўқитувчисиз билим олиш йўллари ва усуллари жуда кўп бўлишига қарамасдан, жаҳон ва ўз тарихимиз шуни кўрсатаптики, ўқитувчи шахси ҳали ҳамон алоҳида моҳиятга эга бўлиб қолаверади-ганга ўхшайди. Демак, мактабга ўқитувчи бўлиб етарли ҳаёт тажрибасига эга шахслар кириб келиши шарт. Бу эса ўз ўрнида педагогик институт ва педагогик университетларга кирувчилар орасида танловнинг алоҳида жиддий таҳлил қилинишини олди-мизга қўймоқда.

Ушбуларни инобатга олар эканмиз, бугунги кунда мактабларимиз, уларнинг турлари, хилма хиллиги, бозор иқтисодиёти шароитида таълим тизимимизнинг янада тақомиллашуви, маълумотлашиб бораётган даврда мактабларимизнинг ёшларга маълумотларни тизимли ва етарли бериши, бу борада етук ва баркамол авлод тарбияси билан шуғулланаётган педагог шахсининг мукамаллиги, институт ва университетларни битириб келаётган ёш педагог мутахассисларнинг замон талабига жавоб бериши ва психологик жиҳатдан олганда етук шахслар бўлиши бизнинг келажак ва келажак авлодимиз бўлмиш ёшларимиз тарбиясида тутадиган ўрнини унутмаслигимиз керак. Биз ушбу талабларга қанчалик тез жавоб берар эканмиз ва олдимизда турган муаммоларни қанчалик тезроқ ҳал қилар эканмиз, шунчалик дунё тараққиётига, дунё тараққиёти даражасида иш олиб бораётган давлатлар қаторига тезроқ чиқиб оламиз.

Ҳар бир муаммонинг ҳал бўлиши ушбу муаммони кўриш ва уни таҳлил қилишдан бошланади. Бугунги кунда таълим тизимимиздаги ютуқлар ва унинг олдида турган муаммолар ҳақида гап юритар эканмиз, демак, биз уларни кўриб келаяпмиз, таҳлил қилишимиз эса ушбу муаммоларни ҳал қилишимиз яқинлигидан дарак беради.

ОНАЛИК РУҲИ

Икки ёшнинг қандай учрашиб ёки қандай қилиб учраштирилиб турмуш қургани ҳақида узоқ гапириш мумкин дир. Аммо уларнинг эндиги ҳаёти шу икки ёшнинг ижтимоий атрофига алоқадор бўғинлар келтириб чиқаришига эътиборни кучайтириш лозимлигини кўпчилигимиз эътибордан қочирамиз. Фикримиз уларда атроф-муҳитга бўлган алоқаларининг ўсишини тасдиқлар экан, демак ушбу ижтимоий янгиликка бу икки ёшнинг руҳий тайёрлиги ёки тайёр эмаслиги ҳақида бўлиши алоҳида аҳамият касб этади. Бу икки ёш ушбу жамиятда яшаш учун қандай тарбия топган, уларнинг ўз оилаларида олган тарбиялари эндиги кунда уларнинг бирга тинч-тотув яшашларини таъ-

мин қила оладими, бошқаларга ноқулайликлар келтириб чиқармайдими? Айниқса уларнинг ўз оилаларида олган тарбиялари бугунги кунда уларнинг бирга турмуш фаолиятида бир-бирларини тушунишига шарт-шароит яратадими. Масаланинг энг нозик томони ҳам шундаки, яъни оиладаги тарбия ёшларга оилавий тарбия бера оладими.

Биринчи ўринда бу иккала шахс, янги оила вакиллари, кечаги келин-куёвлар уларнинг келин-куёвликдан кейинги келиб чиқадиган ички ўзгаришларига, яъни келиннинг она бўлишига, куёвнинг ота бўлишига руҳан тайёрланиб, тарбияланганми, деган савол юзага келади. Она табиат ўз ирсий ваколатини бу икки инсоннинг руҳига жойлаштиргани аниқ. Аммо, биз ҳаммамиз оламни янгидан очамиз ва шунинг учун бу ирсий руҳиятни ўзлаштириб олиш албатта ҳар кимда амалда ҳар хил кечади. Оламни янгидан очишга ва атрофдагилар билан бирга яшашга эса инсон ўз оиласида тарбия олади, кўникмалар орттириб, тажрибаларга эга бўлиб боради. Ушбу оилавий тарбия мукамал ва энг бўлмаганда яхшигина берилмаса инсон умрбод оилавий бахтсизликка учрайди. Бу деган гап, Л. Толстой тили билан айтганда “Оилада бахтсиз киши умуман бахтли бўлолмайди” деганидир.

Врачлар, физиологлар бўлғуси она табиатида ҳомиладорликнинг бошланиши билан унинг вужудида жиддий ўзгариш кечишини айтишади. Айтайлик, мана шу ўзгаришни она оилада ўз кизалоғига тарбиявий насихатлар билан сингдира олганми?

Ҳа, бу даврда инсоннинг, айниқса онанинг руҳида бўлиб ўтадиган ўзгаришларни оналар, қолаверса руҳшунос мутахассислар жиддий тушунтириб бериши мумкин ва бўлғуси онани улар зарур йўналишларда оналикка тайёрлашлари лозим. Бўлғуси ёш оналар албатта поликлиникаларда назоратдан ўтиб туришади, лекин кўпчилик тараққий қилган давлатларда ташкил қилинган оналикка тайёрлаш психологик тарбиявий курсларига ёшларимизда эҳтиёж бошқаларга нисбатан кўпроқ бўлса ҳам бизда улар ҳали унчалик кенг тарқалмаган, ҳаттоки умуман йўқ десак ҳам бўлади. Ваҳоланки, Европада ўргача турмуш қуриш 26-27,

Америкада 28-29 ёшни ташкил қилган бир пайтда бизда ёшлар эрта турмуш қуришади.

Тўлиқ оилада ўсиб ёнида ака-укаси, опа-сингиллари бўлган қизалоқлар ёшлигидан оналикка яхши тайёрланган бўлишади. Улардаги болага нисбатан муносабат ҳаётлари давомида шаклланиб боргани учун улар илк ҳомиладорлик пайтиданоқ бўлғуси оналик ҳиссини ўз руҳларига тез сингдиришади. Бундан кам фарзандлик оилада ўсган ёшлар мустасно, албатта.

Бу ўринда, ҳаётимизда кам учраса ҳам, алоҳида айтиб ўтиладиган бир муҳим ҳодиса, баъзи ҳоллардаги ҳомиладорликнинг мажбуран тўхтатилиш воқеалари. Бу ҳолат бўлғуси оналар руҳида жуда катта, ҳатто ўчмас из қолдиради ва иложи борича биринчи ҳомиладорликни узмасликка ҳаракат қилиш лозимлигини кўрсатади.

Бўлғуси она шахсининг биргина физиологик ўзгаришлари, айтишлик ҳомиладор аёлнинг қони салкам 20 фоизга кўпайиши лозим. Нафас олиш жараёни ўзгариши билан унинг кислород истеъмол қилиши жиддий ортади. Қундалик озик-овқат истеъмоли ҳажм ва таркибий жиҳатдан жиддий ўзгариши, витаминларга бойлиги ортиши лозим бўлади. Қарабсизки, шахсдаги бу моддий ўзгаришлар унинг руҳий томонига жиддий таъсир қилмай қолмайди. Демак, ёшларимиз руҳига бу маълумот ва бўлғуси ўзгаришларни ким ва қачон, қайси билим ва тарбия масканлари киритиши лозим.

Агар биз бу вақтда шахсда кечадиган руҳий ўзгаришларга тўхталадиган бўлсак улар бўлғуси онанинг айнан ижтимоий ва руҳий томонлари билан ўта боғлиқлигини кўрамиз. Кечагина юрган қизалоқ келин бўлди, ижтимоий жиҳатдан жамиятда бошқача роль бажара бошлади, қарабсизки бугун у ушбу жамиятда энг эътиборли ва мўътабар ном - оналикни қабул қилмоқчи. Бу ҳолат ўз ўрнида унинг руҳий оламига таъсир қилиб боради. Шунинг учун қарияларимиз ҳомиладор аёлнинг ўз ўринда нозикликлари ва инжиқликларига алоҳида эътибор бериб ёшлар руҳига сингдириб боришган. Уларни ёлғиз қолдиришмаган, оғир нарсаларни кўтаришдан тий-

ган, қоронғуда ташқарига чиқиш ва бошқа шунга ўхшаш хавфлардан асрашга ҳаракат қилишган.

Ёш ҳомиладор аёлни койишмаган, оғир ишларга буюришмаган, ёлғиз қолдиришмаган, уларнинг истакларини бошқаларга бажаришни буюришган. Бу ўринда айниқса уларнинг моддий ва маънавий озиқларига эътибор қаратилиб истаган овқатлари ва тилакларини муҳайё қилишни тайинлашган.

Шу ўринда аслини олганда оналик ҳисси қизалоқ шахсига қачон жо бўла бошлайди деган фикр қизиқтириши мумкин.

Психологлар бу ўринда ёшларга оналик руҳини ота-она ўз тажрибасида уларнинг туғилган пайтидан бошлаб сингдиришларини айтишади. Чақалоққа исм қўйишнинг ўзи, яъни ўғил болага ўғил бола исмини ва қиз болага қиз бола исмини қўйишнинг ўзи уларни ушбу исмга ўргатиш ва бу исм орқали бола руҳига қизлик ёки ўғиллик руҳини сингдириш бошланиши бунга яққол мисолдир.

Ҳаммамизнинг ёдимизда оиладаги илк тарбия белгиларидан бири бу ўғил болаларга оилада кўғирчоқ ўйнашни тавсия қилмаслик. Агарда бола кўшни қизлар билан кўғирчоқ ўйнай бошласа буни оиладагилар албатта сезишади ва бундан қайтаришади. Мана шунинг ўзи болага жинс руҳини сингдириш тарбиясидир.

Қарабсизки, шунчалик мунтазам ва сурункали жинсий тарбияга қарамасдан кўпчилик ҳолларда ёшлар оналикка тайёр бўлишмайди ва бу ҳолат айниқса улар ҳомиладор бўлганларида кўрина бошлайди. Масалан, ҳомиладорлик пайтида баъзи аёлларнинг йиғловчан бўлиб қолишлари аслида унинг ушбу кундаги бирон камчилигидан эмас, унинг ёшлигида кечган қандайдир камчилик, оналикка тайёргарликнинг бирон нуқсони эканлигини кўрсатиши мумкин. Маълум йўналишдаги овқатларни талаб қилиши эса ушбу бўлғуси она жисмида унинг туғиладиган боласига бирон кимёвий элементнинг етишмаслигини кўрсатади албатта.

Бўлғуси онанинг руҳидаги ўзгаришлар синчковлик билан кузатилиб ва ўз ўрнида пухта тайёрланган пси-

холог маслаҳати билан онага тушунтирилиб, унга шу йўналишдаги ёрдамга айланиши лозим.

Ушбу психолог маслаҳатлари қанчалик ўз вақтида берилган бўлса улар шунчалик бўлғуси фарзанд соғлиги ва унинг руҳий баркамоллигига ижобий таъсир қилади. Шундай экан, бўлғуси оналарга психолог маслаҳатларини ташкил қилиш фойдадан холи бўлмайди. Бундай психологик хизматларнинг катта шаҳарларда ташкил топаётганликлари албатта ижобий ҳолдир. Ахир, оналиккагина эмас, ҳатто бўлғуси онани туғиш жараёнига психологик жиҳатдан тайёрлашнинг ўзи ушбу инсонга ва унинг бўлғуси фарзандига қанчалик катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи ортикча.

Психолог мутахассислар кўп учратадиган муаммолардан бири бу ёшларимизнинг ўз танаси, жисми, руҳиятини яхши билмасликлари. Яна бир катта муаммолардан бири бу ёшларнинг жинслараро муомала санъатидан кам хабардорликлари. Ўз ўрнида ҳомиладор аёлнинг ва ҳомиладор аёл билан бошқаларнинг муомала санъати бошқалар билан бўлган муомала санъатидан анча фарқ қилишини кўпчиликнинг билмаслиги. Бу эса ўз ўрнида ёш эр ва бўлғуси онанинг ўзаро муомаласи психолог назоратидан ўтиши кераклигига олиб келади. Кечагина севдим-севишган бўлиб юрган ёш келин-куёв келин ҳомиладор бўлганидан кейин бутунлай уларнинг ўзаро муомалалари бузилаётганига сабаб излаб тополмай қолишган ҳоллар бўлади. Бу уларнинг бир-бирларини севмай қолди дегани эмас, руҳшунос назари билан қараганда фақатгина бўлғуси она табиатида кечаётган ўзгаришлар билан боғлиқлигини ёш куёвга батафсил тушунтириш билан силлиқ яхши йўлга тушиб кетадиган ҳолдир.

Бундай психологик ёрдамлар айниқса оилаларида баъзи муаммолар бор ёшларга нисбатан кўрсатилганда уларни тушқунликдан, хафақонликдан, умидсизликдан ва бошқа шунга ўхшаш нохуш кайфиятлардан асрайди ва боланинг соғлом туғилишига олиб келади. Соғлом бола эса жамиятимизнинг бойлиги ва миллатимиз келажаги билан боғлиқ катта ижтимоий омилдир.

ТАРБИЯНИНГ ИБТИДОСИ

Ҳар бир шахс оилада туғилиб ижтимоий ҳаётга мана шу ўз қошоноси орқали кириб борар экан, демак шахснинг тарбия ибтидоси деб унинг ҳомила пайти ва туғилганидан атроф муҳитини камраб олган, уни мана шу ҳаётга олиб келган оиласи ва ота-онасини айтиш жоиздир. Бўлғуси боланинг ота-онаси ўз ўрнида ўз ота-онасидан қандай тарбия олган бўлса, қисман, баъзан тўлиқ ҳолда ёшлигида кўрган-кечирганларини ўз боласига ҳаётий тажриба сифатида олиб ўтади. Қарабсизки, бу жараён узлуксиз давом этиб, одамзод ҳаётий тажрибасида борган сари сайқалланиб, борган сари мукаммалланиб, аммо ҳар биримизнинг умр тажрибамизда янгиланиб бораверади. Қизиғи шундаки, оиладаги бола тарбияси доимо кам деганда икки оила (она томон, ота томон) ҳаётий тажрибаси асосида қарор топади. Бундан албатта, жамиятда қабул қилинмаган, ҳаётда истисно сифатида учраб турадиган ёлғиз аёлнинг бола тарбиялаш ҳолати мустаснодир.

Шунинг учун ҳам нотўлиқ оилада бола тарбияси муаммосига кейинроқ алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Бир мутафаккирнинг сўзларини сал мавзуимизга мослаштириброқ айтадиган бўлсак, фақат муҳаббат бор жойдагина гўзал фарзандлар туғилиб, комил инсонлар вояга етади. Яъни, бола тарбиясининг тамал тоши ва асл пойдевори ота-она ва уларнинг ўзаро муносабатида бўлади.

Муҳаббат ва розилик билан қурилган оилада бўлғуси фарзанд учун у ҳали онанинг қорнида эканлигидаёқ алоҳида руҳий қулай ҳолат вужудга келади.

Ҳомиладорликнинг бир неча ҳафтаси ўтиши билан бўлғуси фарзанд онанинг ҳис-ҳаяжони жисми-танига бўлган ташқи таъсирларга акс-садо бера бошлайди. Бўлғуси онанинг қаттиқ кўрқиши, жиддий ҳис-ҳаяжонга берилиши ёки оғир юк кўтариши ва бошқа шунга ўхшаш салбий ва ижобий таъсирлар орқали ҳомиланинг нормал кечиши ёки узилишини кўпчилик билади. Бу ўринда биз таҳлил қилмоқчи бўлган томон онанинг кўққисдан бўлган

каттик ҳиссий таасуротига бўлғуси фарзанднинг реакци-
яси.

Она руҳиятига кескин руҳий таъсир ўтказилганда унинг жисми-танаси бирданига катта миқдорда адрена-
лин ва бошқа моддалар ишлаб чиққанда ҳали ҳатто она
қон томирларига ҳам тўлиқ мослашиб улгурмаган бўлғуси
зурриётга ўтади.

Қарабсизки, у буларни қабул қилолмайди, натижада ё
ҳомила узилади, ёки бўлғуси зурриёт бирор бир жисмо-
ний ёки руҳий нотўқисликка учрайди.

Айнан мана шуларни ҳисобга олиб барча халқларда
ҳам ҳомиладор аёлга муомала алоҳида тусга киради.
Уларнинг истаган овқатлари мужассам қилинади, ёлғиз
юриши, қоронғуда қолиши, оғир юк кўтариши ва умуман
она жисмига салбий таъсир қилувчи ҳолатлардан улар
сақлаб асралади.

Медицина тарихи тўплаган ва руҳшуносликнинг охир-
ги даврларда эришган ютуқлари шуни кўрсатмоқдаки, она-
нинг ҳомилалик жараёни қанчалик осойишта, ҳам мод-
дий ва маънавий талаблар таъминланган бўлса, бўлғуси
фарзанд шунчалик руҳан ва жисман соғлом туғилади. Де-
мак, фарзанд тарбияси она ҳомиладорлик пайтидаёқ бош-
ланиб изчиллик билан давом этади.

Бу фикрни янада тўлиқроқ очиш учун Америкалик
руҳшунос олимларнинг ўтган асрнинг 70 йилларида
ҳомиладор аёллар билан ўтказган тажрибалари, кузатиш-
лари ва уларнинг натижаларини келтириш мумкин. Олим-
ларнинг кузатишлари шуни кўрсатган эдики, ҳомиладор
аёл оилада руҳий жиҳатдан танг ҳолатга тушиб қолса
фарзанд асабий, асабий касалликларга чалинган ва бошқа
камчиликлар билан туғилар экан. Ушбу кузатиш ва таж-
рибалар шуни кўрсатган эдики, болага ҳомила пайтидаёқ
турли тарбиявий таъсир ўтказиш мумкинлиги исботлан-
ди.

Жумладан, бола ҳомила пайтидаёқ ташқи товушлар-
га муносабат билдирар экан. Буни аниқлаган олимлар бир
қанча ҳомиладор аёлларнинг болаларига мусиқий таъсир
ўтказиб кузатишади. Натижа кутгандан ҳам юқори бўлиб,

болаларнинг у ёки бу мусиқага мойиллиги ортганлиги тасдиқланади.

Ушбу хулосалар ўзимизда қадимдан маълум бўлган ақидани, яъни бир ота-она донишманднинг олдига бола туғилганида келиб тарбияни қачон бошлайлик, деб сўраганларида, бир йил кечга қолибсиз, деган жавобни олганларини эслатади.

Ўтмиш ва бугуннинг ҳаётий тажрибасини умумлаштириб шуни айтиш мумкинки, бола тарбияси ота-онанинг илиқ муомаласи, улар орасидаги муҳаббат ришталаридан бошланиб ҳомила аён бўлганидан амалий жараёнга киради.

АЗИЗ МЕҲМОННИНГ БУЗИЛГАН КОМФОРТИ

Тарбия топмаган одамларнинг ҳатти-ҳаракатини кўриб дунё ўзи бақириш-чақиришдан иборатми, деб кўясан, киши. Жамият ва табиатда яшаш қонун қоидаларидан ҳали хабардор бўлмаган, бир сўз билан айтганда ҳали тарбия кўрмаганлигидан балки чақалоқ ҳам шунинг учун дунёга бақириб кириб келадими? Шундай бўлса керак. Ана энди бу инсонни шахсга айлантиргунча, уни жамиятнинг қонун-қоидаларига ўргатгунча, унинг ён атрофидагилар, онаси, отаси қанчалар меҳнат сингдиришади. Одатда бола тарбияси қачон бошланади деганда жуда кўплаб ривоятлар, фикр ва мулоҳазалар келтирилади. Ҳаммаси ҳам тўғри. Фақат бир нарсага эътибор беришимиз лозимки, бола тарбияси унинг таълимидан, унга табиат, жамият, умуман олганда олам ҳақида билим беришдан, кейинчалик эса мана шу илмлар асосида унинг шахсини ҳаётга йўналтиришдан, шу йўналишга тарбиялашдан бошланади.

Туғилган чақалокни ҳали у ён атрофга мослашмаганлигини инобатга олиб дарҳол унга комфорт ҳолат ташкил қилишга уринамиз. Бу бизнинг чақалокқа биринчи сабоғимиз бўлиб, она қорнидаги қулайликлар энди йўқ, сизни фақат биздаги имкониятлардан фойдаланиб иссиқроқ ўраб қўйишимиз мумкин деганимиз.

У бунга кўнади, кўнмасдан иложи ҳам йўқ. Энди унга исм кўямиз. Қарабсизки, у ҳали бирон сўзни билмаса ҳам биз унинг исмини айтиб чакираверамиз ва бу товушларга ўргатиб унинг исми айтилганда бизга қарайдиган қиламиз. Исмини унга ўргатдик ва исми айтилганда бизга қараши кераклигини тарбия омили сифатида унинг онгига сингдирдик. Таълим ва тарбия бошланди.

Юқорида айтганимиздек, боланинг онгига биринчи ўринда билимларни сингдирамиз ва бу билимлар негизида уни тарбиялай бошлаймиз. Шу ўринда биз катталар чақалоқнинг тарбиявий имкониятлари ҳақида кам маълумотга эга эканлигимизни кўпчилигимиз билмаймиз. Энг оддий мисол келтирмоқчиман. Боланинг ҳали бу пайтда ташқи товушларга унинг эшитиш аъзолари мосланмаганлигини биламизми? Билмаймиз. Шундай экан боланинг олдида қаттиқ гапирмаслик лозим. Унинг атрофида ҳаво мўътадил бўлиши, кўзларига ўта ёрқин нурлар тушмаслиги ва шунга ўхшаш минглаб катталар инobatга олиши зарур ҳолатлар борки, бу талаблар бажарилмаганда чақалоқнинг йиғлаши табиий ҳол эканлигини тушуниш керак. Психологлар тили билан айтганда бола ўз ён-атрофи билан фақат йиғи ва сезги органлари орқали мулоқотда бўлишини унутманг.

Бола тарбиясида энг катта хатоларимиздан бири шундан иборатки, биз болани ҳали ҳеч нарса билмайди деб қабул қиламиз. Ваҳоланки, бола ҳатто она қорнидаги пайтидаёқ ташқи дунёга алоқадор, ундан таъсир олиб ўзгариб боришининг аллақачон тасдиқланганида. Шундай экан, бола туғилгандан кейин оиладаги ҳар бир товуш, ҳар бир сўз унинг онгига сингиб боришини унутмаслик лозим. Дунё олимлари аллақачон чақалоқнинг оиладаги товушлар частоталарини ҳам ўзига сингдириб боришини тасдиқлашди. Демак, бизнинг ўсиб келаётган болаларимиз айнан мана шунинг учун у Андижонда туғилса “аши-ни”, Жиззахда туғилса “жўқни”, Тошкентда эса “воттиси”, Наманганнинг “лутти”сини чақалоқлигиданок ўрганиб боришини унутмаслигимиз керак. Унинг олдида қандай ўзимизни тутсак, қандай бир-биримиз билан мулоқотда

бўлсак у кейинчалик шундайлигича бизга ўз ўрганган билимларини қайтаради. Шунинг учун ҳам ўтмиш боболаримиз тарбия оиладан бошланади дейишади.

Биз тарбиячилар ота-оналарга тарбиянинг турли сирлари билан бир вақтнинг ўзида уларнинг энг оддий талабларидан бири бўлган, бола олдида сўзларни бузиб гапирмаслик лозимлигини такрорлашдан толмаймиз, яъни ёш боланинг олдида бирон сўз ҳам бузиб айтилмаслиги лозим. Лекин кўплаб оналар болалари билан гаплашишда тилларини тўшаб “кевотти, кетвотти, оёчасини усатсин, мана ҳози беламаман” дейишларни давом этдиради. Қарабсизки, бола ўз онгига мана бу бузуқ сўзларни ёзиб боради ва сал кейинроқ ўз тилини шакллантираётганда маълум маънода кийинчиликларга учрайди.

Бу даврдаги яна бир тарбиявий салбий таъсирлардан бири бу болани тартибсиз овқатлантириш бўлади. Туғилгандан то бир ёшгача болани овқатлантириш тизими жиддий ўзгариб боради ва бу режим бир ойлик ва уч ойлик, кейинчалик бир ёшдаги болани овқатлантириш тартибига сира ҳам тўғри келмайди. Аммо айнан мана шу даврда бола овқатланиш тартибига ўргатилади. Шу даврда тартибсиз овқатланган бола кейинчалик ҳам тартибсиз овқатланишга ва бу тартибсиз овқатланиш орқасидан умуман бошқа тартибсизликларга ҳам мойил бўлади.

Ҳаётга, жамиятга эндигина кириб келаётган болага бизнинг ҳар бир таъсиримиз унинг ҳаётий тажрибаси сифатида жуда катта аҳамиятга эга эканлигини биз кўпинча эътибордан қочирамиз. Кейинчалик бола гапиришни бошлагандан кейин биз унга “буни ол, буни олма”, деб гапиришимиз мумкин. Аммо ҳали гапиришни билмаган бола олдида қилмаслигимиз лозим бўлган ҳаракатлар, товушлардан ўзимизни тийишимиз лозимлигини кўпчилигимиз билмаймиз, билганларимиз унутамиз.

Ваҳоланки, болага айнан мана шу чақалоқ пайтида биз унинг иссиқ кийиниши, қаттиқ товушларга эътиборсизлиги, тартибсиз овқатланишларни ўргатсак ва бошқа шунга ўхшаш минглаб кўникмаларни унинг руҳига жойлаштириб улгурсак, кейинчалик бизнинг бирон айтган ёки

буюрган ишларимизга у эътироз билдирса “буни қаердан ўрганди”, деб ўзимиз ҳайрон бўламиз.

Тарбиячилар орасида кўплаб тортишувларга сабаб бўлган муаммолардан бири бу болани қайси пайтдан бошлаб бешикка солиш. Бу муаммони, мунозарали муаммони четлаб ўтмоқчи эдим, лекин нимага четлаб ўтмоқчи бўлганимнинг сабабинигина айтиб кетишга қарор қилдим, холос. Масала болани қачон бешикка солишда эмас, умуман бешикка солиш масаласида бўлиши керак. Бу масалада физиолог, этнограф ва бошқалар яна ҳам ўз фикрларини айтар, фақат психолог сифатида болани бешикка солишга, умуман боланинг бешикда қаттиқ боғланган ҳолатда ётишига тубдан қаршиман. Ёшлигида боғланиб катта бўлган бола руҳида тобелик, имконсизлик ва бошқа шунга ўхшаш эрк тушунчаси билан боғлиқ руҳий кўникмаларнинг салбий оқибати қолишини таъкидлаб ўтаман, холос.

Чақалоқ ва унинг тарбияси билан боғлиқ яна бир ҳолат борки, буни ҳам четлаб ўтиб бўлмайди. Бу ҳам бўлса бола йиғиси. Одатда бу масалага физиологлар кўпроқ тўхталади. Масаланинг психологик томони шундаки, бола йиғисини оналарнинг кўпчилиги асабий ҳолда қабул қилишади. Умуман олганда бола йиғлаши керак, унинг бу пайтдаги йиғиси сиз учун боланинг катталар билан мулоқоти сифатида қабул қилинса масала тезроқ ойдинлашади. Бу деган сўз бола тинмай ва кўп йиғласин дегани бўлмаслиги керак. Боланинг беозор озроқ йиғиси ва унинг бирон жойи оғриётгандаги йиғиси бир-биридан жуда катта фарқ қилади ва буни ҳар бир она яхши билади. Демак мана шу беозор йиғини оналар тўғри қабул қилишлари зарур. Тарбиявий жиҳатдан олганда боланинг мана шу беозор йиғисига монанд муомалада бўлиш ва бу йиғини тушуниш ва унга тезда жавоб топиб болани тинчлантириш аслида оналик санъатигина бўлиб қолмай сизнинг болангиз билан мулоқотингиз маданияти сифатида қабул қилинади. Сиз болангизнинг чақалоқлик пайтидаги беозор йиғисини ўзингиз учун энг ёқимли симфония сифатида қабул қилишга ўрганинг.

Тарбиявий жиҳатдан олганда энг муҳим ва мукам-мал бўлган эмизикли давр бола ва она учун алоҳида бир синов даври ҳам ҳисобланади. Мана шу даврда бола аввал ўтиришни, кейинчалик туришни ва ниҳоят юришни ўрганади. Бу пайтда катталарнинг бола билан қандай гаплашиши, унга қандай муомалада бўлиши ва нималарни ўргатиши кўплаб китобларда келтирилишига қарамасдан бу даврнинг ниҳоятда муҳимлигини кўпчилик катталар унутишади. Бола ўзи учун оиладагиларнинг товуш тембрларини, оилавий ва маҳаллий шеваларгача айнан мана шу даврда ўзига сингдиришини унутмаслик керак.

Маълумки, 1, 1,5 ойлик бола товушларга реакция билдиради, ёрқин, рангдор нарсаларни кўзи билан кузата бошлайди. Демак, она бу ҳолатдан фойдаланган ҳолда унга яхши муомалада бўлиш билан бир пайтнинг ўзида унга рангдор нарсаларни кўрсата бошлаши, рангларни алмаштириб унинг кўзларида ҳаракатни кузатиши лозим. Бу билан болага нафақат рангларни, қолаверса болани ҳаракатга ўргатаётганингизни унутманг.

6, 8 ойлардан бошлаб болангиз ўтиришни, кулишни, баъзи товушларга ўз муносабатини билдиришни бошлар экан, албатта бу пайтга келиб у алоҳида бўғинли товушларни такрорлай бошлайди. Мана шу пайтдан бошлаб сизнинг болангиз алоҳида сўзларни айтишга киришганини унутмаслигингиз керак. Илгари баъзи сўзларни бузиб унинг олдида айтган бўлсангиз ҳам энди бирон сўзни унинг олдида бузиб айтмасликка ҳаракат қилишингиз керак. Сиз учун болангизга сўз, тил, гаплашиш ва умуман мулоқот маданиятини сингдириш пайти бошлангани унинг сиз айтган баъзи сўз ёки бўғинларни такрорлаши бунга далилдир.

Ахир, яна салгина вақтда тиши чиқиши, болангизнинг бир ёшга яқинлашиши билан унинг сиз билан бевосита мулоқотга киришганига, дада, ойи, она, ота деган сўзларни айта бошлаганига гувоҳ бўласиз. Бу пайт оналикнинг энг гўзал пайтигина бўлмасдан болаликнинг ҳам энг гўзал, ота-она учун болага тарбиявий жиҳатдан олганда хоҳлаган нарсани сингдириш ва бола учун эса дунёда-

ги сўз ва бошқа бойликларни ўз мурғак жисмига тўплаш даври ҳисобланади. Ота-она энг биринчи тарбиячи сифатида буни ҳеч ҳам унутишга ҳақлари йўқ. Чунки онадан туғилиб ўз комфортини йўқотиб улгурган боламизга ҳаёт комфортларини ўргатишимиз унга тарбия беришимиздан бошланади.

УШЛАНГ, ЙИҚИЛИБ КЕТАДИ

(Илк қадамлар)

Кўз олдимдан ўғилларимнинг бир ёшдан икки ёшга-ча бўлган ҳаётлари ўтмоқда. Уларнинг илк қадамларидан қанчалик қувониб, қанчалик ташвиш тортганларим, ҳали оталик тажрибасизликларим орқали қилган хатоларим, мана бугун қай йўсинда натижа берганларини ва бераётганлигини кўриб ҳайрон қолмоқдаман ва шу ўринда бугунги неварамнинг илк қадамларини кўриб унга йиқилай деса ҳам ёрдамга шошмаётганимни кўриб ўғилларим менга “ушланг йиқилиб кетади”, деганларида ўз овозимни эшитишим қизикда. Менинг ҳаёт ва тарбиячилик тажрибамнинг органлиги ва ўғилларимнинг бугунги кунда эндигина тарбиячилик тажрибалари бошланаётганидан бу ҳаётий тажриба янада қизиқ ва завқли кўринмоқда. Улар ҳам ҳаётнинг мингйиллик ИНСОН тарбиясидаги тажрибасини такрорлаётганларини кўриб бир пайтлари ўзим ёзган “Мен болам деганда болам дер болам” сатрларим ёдимга тушаяпти.

Илк қадамлар давридаги бола тарбияси психологиясига келсак, албатта бола тарбиясидаги психологиядан кўра кўпроқ катталар психологияси ҳақида ёзишга тўғри келади. Ахир, бу даврдаги бола психологияси асосан ўриндан туриш, атрофдаги уни қизиқтириб қолган бирон нарсага етиб олиш, ушлаб кўриш, оғизга солиш, ғижимлаш ва бошқа айнан мана шу ёшдаги бола имкониятларидангина фойдаланиб бу дунёни кашф қилишдан иборат бўлиб, улар аслида асосан мутахассисларни қизиқтиради холос. Имкониятларга келсак, улар ҳали шу даражада торки, борлари

ҳам унинг ўзига аниқ бир маълумлиги билан сезилмайди, билинмайди. Масалан, бола ўз олдидан юмалаб ўтган юмшоқ коптокнинг на юмалоқлигини, на у нимага юмалаб кетганини билмайди. Ушламоқчи бўлиб унинг орқасидан қувай деса ўрнидан баъзўр туради. Ўрнидан туриб уни ушлаб кўрайин деса, туриш ва юриш қийин, турай деган пайт эса ён атрофдагилар “ушланг, йиқилиб кетади”, дейишадида унга коптокни ўзлари олиб беришади ёки унинг диққатини у билмаган бошқа бир нарсага қаратиб коптокни ушлаб кўриш, уни билиш, идрок қилиш имкониятидан, яъни дунёни ўзига сингдириш тажрибасидан маҳрум қилишади.

Бу пайтдаги болаликнинг яхши томонларидан бири шундаки, ён атрофда айтилган сўзлар унинг хотирасига тинимсиз ёзилишида. Аммо бу сўзларнинг неча фоизи унинг қуввайи ҳофизасида сал кейинроқ фаоллашади, тикланади, бу ҳали унга маълум эмас. Аммо бу сўзларнинг бола хотирасида фаоллашувига унинг атрофидаги катталар бевосита алоқадор ва масъул эканлиги эса унинг тарбиясига алоқадор энг зарур омиллардан бири саналишини биз катталар кўп ҳам билавермаймиз. Бола биз ушлаб турган ва ҳозиргина унинг олдидан юмалаб ўтган коптокнинг на юмшоқлигини, на думалоқлигини, на унинг рангию ва бошқа айнан мана шу коптокка тегишли маълумотларни билмаслигини унутамиз. Коптокнинг коптоклигини биз катталар биламиз. Ахир, бола онасининг қорнида коптокни кўрмаганини ёдимиздан чиқармайлик. Унга мана шу копток бўлади, деб бақариш ҳам керак эмас ва шу билан бир пайтнинг ўзида бу коптокнинг коптоклигини ва унга тегишли маълумотларни болага ўргатиб бориш таълим жиҳатидан зарурлиги, сал кейинроқ эса бу коптокни катталарга қараб ёки синадиган чойнак пиёлага қараб отиш мумкин эмаслигини ўргатиб бориш эса бизнинг тарбия йўналишидаги вазифамиз эканлигини унутмайлик. Таълим ҳам, тарбия ҳам айнан мана шу қадамлардан аллақачон бошланиб кетганини тушуниш лозим.

Оналар, умуман катталар боланинг бир ёшдан икки ёшгача бўлган даврида ҳали унинг ёш болалигига, гапира

олмаслигига қарамасдан унинг олдида тинмасдан гапиришлари, у билан тўлиқ мулоқотда бўлишлари зарур ва бу тарбия жараёнига киради. Шунинг учун бу жараён тинимсиз давом этиши керак.

Биз юқорида айтганимиздек бола бу пайтда бирон сўзни айтолмаса ҳам, секин-секин бир ёшдан кейинги даврда икки ёшгача унинг луғавий бойлиги ортиб боришини катталар инобатга олиб, айниқса у ўз хотирасига ҳамма нарсани “ёзиб”, “муҳрлаб” боришини, ҳатто сизнинг товушингиз тембрини, овозингиз оҳангини ҳам ўзига кўчиришини унутмаслигингиз керак.

Психологик жиҳатдан олганда бу ҳам болалар ва катталар учун жуда муҳим ҳолат. Шунинг унутмаслик керакки, болангиз айнан мана шу даврдан бошлаб сизнинг, оилангиздагиларнинг товуш ва одатларини, гапириш ва бошқа инсон хусусиятларига алоқадор маълумотларни ўзига сингдириб боради.

Демак, сиз болангизни алоҳида тадбир билан тарбиялайман, демасдан унинг атрофида тинимсиз тарбиявий жараён кетаётганини ёдингизда тутинг. Шундагина унинг тарбиясида кечикмаган ва тарбиялаб боришни унутмаган бўласиз.

Бир ёшдан икки ёшгача бўлган боланинг луғавий бойлиги атрофдагиларнинг у билан қанчалик фаол ишлаганлигига қараб 60 – 100 сўз атрофида бўлади. Бу жойда биз бекорга, атрофдагиларнинг қанчалик фаоллигига қараб, деб ёзмаймиз. Сабаби, болангиз билан сиз кам гаплашган бўлсангиз, унинг гапира бошлаганида гапиришига, айниқса ўз лугат бойлигидан жумла тузишига ёрдам бермаган бўлсангиз унинг луғавий бойлиги пастлигича қолиб кетади ва бу борада ўз фарзанди билан жиддий ишлаган оилаларда ўсаётган боланинг луғавий бойлиги анча биз кўрсатиб ўтган сонлардан юқори бўлиши ҳам мумкин.

Яна бир болалар хусусиятига тааллуқли психологик томон шундаки, айнан мана шу даврдан бошлаб сиз сезадиган даражада қиз бола ва ўғил бола жинсий жиҳатдан фарқига қараб ўсишда ва психологик таъсир ва таъсирланиш борасида фарқ қилиб боради. Бу ҳолатга биз мумкин

қадар алоҳида эътибор бериб ўз ўрнида батафсилроқ ёри-тиб боришга ҳаракат қиламиз. Оддий икки мисол келтириб ўтайлик. Физиологик жиҳатдан олганда қиз болалар бу даврда анча ҳаракатчан, психологик ўсиш жиҳатини олганда эса уларнинг луғавий бойлиги ҳам ўғил болалар-ниқига қараганда бирмунча илгарилаб кетганини кўриш мумкин. Демак, ҳар қандай ота-она ўзининг қизи ёки ўғлининг ўсишига, унинг қайси жинсдалигига алоҳида эътибор беришлари зарур.

Одатда амалда эътибор берилади, лекин бу пайтда қиз болага ўғил болага қараганда амалий фаолият янада кучлироқ бўлиши лозимлиги кўздан қочирилади. Қиз боланинг ўсиши физиологик жиҳатдан тезроқ, тезкорроқ экан, демак унинг тарбияси, уни ўргатиш, тарбиялаш ҳам тезлашган бўлиши керакку ахир. Бу ҳолат ўз-ўзидан маълумдай бўлганлиги билан ота оналарнинг эътиборидан қочган бўлади кўп ҳолларда.

Ушбу жойда умумий бола тарбиясига оид назарий жиҳатдан анча муҳим бўлган бир масалага озроқ тўхталиб ўтиш лозим. Бу ҳам бўлса боланинг ўсиш жараёнига биологик, яъни ирсий ва ижтимоий таъсирлар кучи масаласида.

Бутун тарбия тарихи давомида илғор Ғарб ва ўзимизнинг Шарқ олимлари биологик, яъни ирсий омилнинг асосий эканлигини унутмаслик кераклигини таъкидлаб келишди. Аммо тарихимизнинг қисқа ва анча фожеали даври бўлмиш советлар даврида ирсий омил четга сурилиб, бола тарбиясида ижтимоий омил биринчи ўринга кўтарилди ва бу моддиончиларнинг кейинчалик асосий шиорларидан бири бўлмиш “бола қалби тоза доска, унга хоҳлаган нарсани ёзиш мумкин”га айланиб, охир оқибатга келиб бу хулоса кучайиб, натижада ҳатто “ҳар қандай ошпаз ҳам давлатни бошқариши мумкин”гача бориб етди.

Ҳар бир бола ирсий жиҳатдан олганда Тангри томонидан тенг яратилмаганлигини инкор қилмаслик кераклиги унутилди. Бу асосан моддиончиларнинг масалани бўрттириб қарашлари натижасида ва ушбу ҳолатни уларнинг ўз сиёсий хоҳишлари билан боғлаганлиги натижаси-

да юзага келди, десак бўлади. Аслини олганда уларнинг ҳам ҳаракатларида жон бор эди. Ахир, жуда аниқ кўришиб турган ҳолатлардан ташқари ҳолларда болаларнинг имкониятлари ва бир биридан фарқи ўта катта бўлибгина қолмай, ваҳоланки, биз ҳар биримиз ўз ақлий имкониятларимизнинг атиги 8-10 фоизидангина фойдаланамиз, табиатнинг бу бизга берилган буюк имконияти амалда умуман фойдаланилмай қолиб келмоқда.

Демак, биз бола тарбиясида, унинг ирсий имкониятларинигина бўрттириб кўрсатмасдан, юқорида айтилган 10 фоизигина ишлатиладиган буюк имкониятни кенгайтиришга ҳаракат қилишимиз ва айнан мана шу моддиюнчилар рўқач қилган ижтимоий омилдан кенг фойдаланишимиз лозим.

Бу ҳолатга ёрқин мисол қилиб бола тарбиясидаги ҳар хил оилада ўсган болаларнинг ҳар хил маълумот тўплаб катта бўлишини ҳамма кўрганлигини айтиш мумкин. Ирсий имконият жиҳатидан бир хил имкониятга эга бўлган болалар ижтимоий муҳитнинг катта фарқи натижасида бири гўёки катта имкониятларга эгадай, кейинчалик ақллидай кўринсада, бошқаси айнан мана шу ижтимоий имкониятнинг, зарур шарт-шароитга эга бўлмаган ижтимоий муҳитнинг етишмаганлигидан ва натижада ўз ақлий имкониятини уйғота олмаганлиги билан гўёки ақли пастдай кўриниши мумкин.

Шундай экан, биз ўз боламизни психологларнинг фикрига таянган ҳолда унинг имкониятларини уйғотишга қаратсак, бу ҳолат туғилгандан 3-4 ёшгача ўта муҳим давр эканлигини унутмасак, демак, биз ўз боламизнинг ирсий имконияти саналмиш ўша 8-10 фоиз қуввайи-хофизасидан фойдаланиш йўллари очиб берган бўламиз. Болангизга айна мана шу пайтда бериладиган таълим ўз вақтида берилмай қолса кейинчалик бунинг ўрнини тўлдириш ўта қийин кечишини унутманг. Унинг хотирасига минглаб керакли ва сиз ҳатто кераксиз деб ўйлаган маълумотларни жойлашни ортиқча бир ҳаракат деб ўйламанг, эски ибора билан айтганда тарбияда кечикманг. Сиз кераксиз деб ўйлаган маълумотларнинг қайси унга керак, қайси бири

унга керак эмаслигини унинг ўзи ажратиб олади. Масалан, болангизни “қўлингни торт, пиёладаги чой иссиқ” деб кўрқитманг. Унинг қўли куйишига ҳам йўл қўйманг ва шу билан бир пайтнинг ўзида пиёланинг иссиқлигини унинг ўзи ўз ҳаётий тажрибаси сифатида ўзлаштириб олишига ёрдам беринг. Ахир у ҳали айнан мана шу иссиқ сўзини, унинг бола ҳаётига хавfli эканлигини ҳам билмайдику. Умуман болага бу даврда қанчалик кўпроқ эркинлик берсангиз у кейинчалик шунча эркин бўлиб ўсганлигига амин бўласиз. Эркинлик руҳини ўз хусусиятига сингдирган бола бутун умри давомида ўз ота-онасидан бу эркинлик учун миннатдор яшаб ўтади.

АҚЛИЙ ЎСИШДА ЭНГ ФАОЛ ДАВР

Болалик, бу ёркин давр ва тушунчанинг қачон бизнинг орқамизда қолишини биламизми?

Бутун умримиз давомида унинг орқамиздан эргашиб юришига қарамасдан орзумизга айланадиган бу ҳиссиёт қачон орқамизда қолар экан. Биринчи кичкириқданми, биринчи сўзданми, биринчи қадамданми....

Менимча, болалик боланинг катталарга “бу нима?”, деб берган биринчи саволидан орқада қолса керак. Чунки мана шу биринчи савол энди унинг онгли ҳаётга кириб келганлигини, ўзи учун ҳали ўзи билмаган нарсани сўраб олишидан бошланаяпти. Ушбу савол ва у орқали олинган ушбу тушунча унинг мурғак қалбига жойлашди ва у бу саволни иккинчи бермайди ва шу саволга алоқадор бир фикрни унга бирор соатдан кейин айтсангиз “биламан”, деган тушунчани унинг ҳаракатларида кўрасиз ёки овоз чиқариб бу жавобни айтганини эшитасиз. Мана шу биргина “биламан” унинг болаликни босиб ўтганлигини кўрсатмайдими. Энди у, унинг ўзи, шахсан билади. Билим, инсон учун энг улуғ ғурурлардан бири.

Унинг болалиги, энг бўлмаганда мана шу тушунча ва мана шу саволда жойлашган жамиятдаги ушбу белги орқали унинг орқасида, болалигида энди абадий қолди. Бола бу нарсани энди билади. Айтайлик у сиздан “бу

нима”, деб қайчини сўради. Қайчининг нимага кераклигини билмаслиги мумкин. Аммо у қайчи сўзини абадий ёдига сингдирди.

Шундай экан, педагогикадан ва психологиядан узоқроқ бўлган кишиларга янгиликдай туюлиши мумкин бу давр айнан боланинг 2 ва 4 ёшлари орасида кечишини унутманг. Бола мана шу даврда энг кўп савол берувчи бўлади ва унинг луғат бойлиги ҳам (маълумки ҳар бир сўз, луғат бойлиги сифатида бир тушунчани ўзида етаклайди, бола қалбига жо қилади) мана шу даврда энг кўп ўсиши билан белгиланади. Бола дунёни мана шу даврдагидан интенсив, тезлашган ҳолда бошқа ҳеч қачон ўрганмайди. Унинг мурғак кўнглига, тушунчасига, онгига бу даврда ҳар куни ҳар соат юзлаб, минглаб сўзлар ва шу сўзлар орқасида турган тушунчалар кириб боради ва бу ҳам камлик қилгандай у мана шу даврда атрофдагиларга тинмай савол беради. Ўзи ўрганиб улгурган сўзларни тушунчага айлантиради. Сўзларнинг кўпчилиги бола учун ҳали сўз сифатида унинг онгидан жой олади ва уларни бола ўзи амалда фаол ишлатганидан кейингина унинг ўзи англаган тушунчага айланади. Шунинг учун ҳам бола бизга маълум бўлган тушунчаларни ҳали сўз сифатидагина керак ва керак бўлмаган жойларда ишлатишга ҳаракат қилади, янги сўзлар яратади ва шу тажрибаларидан кейингина уларни сўздан тушунчага айлантириб ўз қалбида, онгида сақлаб қолади.

Бир куни шундай бўлди, неварам билан биз санаторийда дам олар эдик, бувисига булоқдан ҳар куни минерал сув олиб келардик. Бунинг учун хонамизда бўлган каттагина бутилкани ёки баклажкани ишлатардик. Шундай кунларнинг бирида неварамга идишни олиб келинг десам, “Ҳозир олиб келаман бутилижкани”, деб чопиб кетди. Чопиб кетаётган жойида шартта тўхтаб кулиб юборди. Бу пайтда мен ҳам унинг орқасидан қараб кулиб турар эдим. Чунки у икки сўздан бир сўз ясаб бутилка ва баклажкани “бутилижка”, деб атаган эди.

Болаларнинг шундай қизиқ ижодкорлик хусусиятларига яна бир мисол келтираман. Бир куни неварам иккаламиз бир ишни мўлжаллаб турганда, “вақт оз қолипти,

соатга қаранг”, деганимда у вақт соатнинг ичида бўлади экан, деган тушунчани ўз тафаккурига жойлаган бўлса керак, икки кундан кейин яна бир сабаб билан неварам олдида “вақт кетаяпти, тез бўлинг”, деганимда у кетгани йўқ ана, соатга қаранг, деди. Мен кулишдан ўзимни баъзўр тўхтатиб қолдим. Чунки бу сўздан кулсам уни уялтириб қўйган бўлардим. Секин тушунтирдим, вақт соатнинг ичида бўлмайди, у куннинг кеч бўлиши, қоронғи тушиши каби нарсаларда билинади ва буни соатлар ўлчаб боради, деб тушунтирдим. Тўғри, бу тушунчаларнинг бир қисмини неварам ҳали тўлиқ тушуниб етмагандир, бу менинг тушунтиришдаги нўноқлигим билан боғлиқ. Аммо бир нарсадан аминманки, у бир қадар тушунди ва яна бирор ўзига нотаниш нарса ва тушунчага тўғри келса мендан албатта сўрайди. Мана бу менинг айна шу вазиятдан олган тарбиячилик ютуғим.

Болаларнинг сўз ихтирочилиги ҳайратга соларли даражада бўлиши мумкин. Аммо улар баъзангина бузиб гапиришларига қарамасдан кўпинча негадир грамматик ихтиролар қилмайди. Америкалик лингвист олим Н. Хомский айтганидай улар грамматикани туғма равишда ихтиро қилади ва шунинг учун ҳам уларнинг болалик даврида турли тилларни бирваракайига ўрганиши осон кечади.

Мана, боланинг сўз ихтирочилигига яна бир мисол. Одатда биз ароқ сўзини араб тилидан кириб келган тер, тер томчиси билан боғлаб ҳатто ароқни араблар ихтиро қилган дейишга ҳам бориб етамиз. Яқинда неварам билан сайр қилиб юрган эдик, бир танишимиз бизга келиб қўшилдида у неварамга ялтоқлик қилиб яхши кўрганидан ўпиб қўймоқчи бўлди. Шунда неварам уни ўзидан итариб “оғзингиздан ирикнинг ҳиди келаяпти” деди. Мен ўзимча ўйлаб қолдим, мана янги, аслида эски сўз, ирик, ириган, ачиган нарсадан тайёрланган ароқ сўзининг асл келиб чиқишига мисол. Қаранг, ароқ сўзи аслида тердан эмас, ириган, сасиган нарсадан тайёрланган маҳсулот эканлигига исбот.

Боланинг билмаганларини сўрашларидан бездириб қўймаслик ва унинг ихтирочилигига кенг йўл очиб бе-

риш мақсадида бу борада педагог сифатида бизнинг маслаҳатимиз, боланинг мана шу даврдаги саволларини жавобсиз қолдирманг, унинг ўсишига, жамият ва ҳаётга фаол кириб келишига ёрдам қўлингизни аяманг. Бола ўз эркинлиги сўндирилмаслигини сезиб турсагина савол беришдан тўхтамайди. Бир марта сўндирилган эркинлик, бола томонидан иккинчи савол бермасликка олиб келиши мумкинлигини унутмаслик керак. Буюк Навоийнинг “Билмагани сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим” ибораси аслида болаларга қараб айтилганми, деб қоласан киши. Болангизнинг ўзига-ўзи золим бўлиб қолишини хохламасангиз керак ахир.

Ёдингизда бўлсин, бу даврда боланинг бир-икки саволи жавобсиз қолса унинг онг ўсиши жиддий сусаяди, ўз саволига бир-икки мартаба жавоб ололмаган бола бошқа савол бермай кўяди. Бола учун бу даврдаги бундай йўқотиш бутун ҳаёт давридаги йўқотишлардан устун туради ва унга жуда қимматга тушиб кетади.

Айни шу даврда боланинг онгли равишда шахсий шаклланиш жараёни жиддий кучайган бўлади, яъни у ўз шахсий фаолиятига керакли тушунча ва сўзларни ўзи тушунган ҳолда амалиётга киритиб келмоқда. Демак, бу даврда болани унинг хоҳишига қарамасдан турли ишлар ва амалларга мажбурлаш ўта хавфли тадбирдир. Кўпинча ота-оналар айни шу даврда болани турли хилдаги ўқиш ва машқларга мажбурлаб олиб боришади. Тўғри, бу даврда болани кўплаб ўқиш ва машғулотлар билан машғул қилиш керак, аммо уни мажбурлаш мумкин эмас. Мажбурлаш ва ихтиёрий ўрганишни ташкил қилишнинг фарқига бориш зарур. Мажбурлаб тарбияласангиз келажакда итоаткор, ташаббуссиз, ғайир, зарур ҳолатда қўполлик қилувчи шахс оласиз. Боланинг ўрганиш ва билишга иштиёқини ихтиёрий танлашга ўргатсангиз жамиятнинг фаол, ташаббускор, эркин руҳдаги шахсини етиштирган бўласиз. Бу борада менинг фикримга қаршилар албатта чиқади. Бу табиий ҳол. Аммо бу даврда болага маълум топшириқ, амал ва бошқа фаолиятни ихтиёрий қабул қилдиришдан мажбурлаш кучайган, кучая бошлаган бўлса кейинчалик боланинг

руҳидаги тобеликни кўпроқ сезиш мумкин. Тобелик руҳи эса бизнинг болаларимизда керагидан ортиқчалигини айтиб ўтиш ёки бу ҳақда алоҳида таъкидлашнинг зарурати йўқ.

Болалар ҳаётий фаолияти билан боғлиқ бир тушунча атрофида фикр юритайлик. Бу ҳам бўлса 3 – 4 ёшли болаларнинг неча соат ухлаши муаммоси. Одатда медиклар, физиологлар, психиатр ва психологлар бу даврда бола 14 соатдан 11 соатгача ухлашини айтиши мумкин. Ҳар бир болада бу кўрсаткич бир, бир ярим соат фарқ қилиши мумкин. Умуман олганда бу норма абсолют кўрсаткич эмаслигини ҳамма тушунади. Лекин сизнинг ўз болангиз қанча ухлайди деган савол туғилиши билан муаммо бошланади. Бировнинг боласи кўп ухласа, бошқа киши боласини ухлатолмаслиқдан нолийди.

Бу жойда психолог маслаҳати жуда оддий кўриниши мумкин. Яъни, сизнинг болангиз интеллектуал ўсиш борасида яхши, нормадан юқорироқ фаолиятда бўлса у албатта кам ухлайди. Агар сизнинг болангиз ақлий ўсиш жиҳатидан нормадан орқада, орқароқда қолаётган бўлса у албатта кўпроқ ухлайди, деб жавоб бериш мумкин. Шунга қарамасдан ҳам алоҳида таъкидлаб ўтамазмики, ҳар бир кишининг ухлаш меъёри ва даври ўта индивидуал тусда бўлишини унутмаслик керак.

Бу ҳулоса шуни кўрсатадики, иккала ҳолатда ҳам, бола кўп ухласада ҳам ва у кам ухласа ҳам болани психолог маслаҳатидан ўтказиш лозим. Албатта ақлий жиҳатдан яхши ўсаётган болага нисбатан унинг ота-онаси бу йўналишда бош қотириб ҳам ўтирмайди, улар ўз болаларини янада кўпроқ билимлар билан бойитиш билан боғлиқ ташвишларда бўлишади. Аммо боласи кўп ухлайдиган ота-она тезликда боласини психологга кўрсатиши лозим. Бу ҳолда улар нафақат боланинг уйқуси, қолаверса унинг ақлий жиҳатдан ўсиш даражаси орқароқда эканлиги ҳақида ҳам керакли маслаҳатларни олади. Бу эса ўз ўрнида ўта зарур ва ўз вақтида олинган маслаҳат бўлади. Чунки бу пайтда ютқазилган имкониятни бола ҳаётида кейинчалик тиклаб бўлмайди.

Ота-оналар томонидан ўз боласига кўплаб маълумотлар берилаётган болалар одатда билимли, яхши ўсаётгандай бўлиб кўриниши турган гап. Аммо маълумотларнинг кўплиги ҳам бола соғлигига салбий таъсир қилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Бундай ҳолларда боланинг асаблари зўриқади ва болада асабий касалликларнинг белгилари кўрина бошлайди. Демак, бу ҳолда ҳам болани психолог кўригидан ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Боланинг билимларга, ўз атрофини ўрганишга энг қулай ва унумли бўлган бу даврда болангизга кўпроқ нарсани ўргатишдан ўзингизни тортманг, унинг берган ҳар бир саволига эринмасдан жавоб беринг, натижасини у катта бўлганида сезасиз. Сизнинг болангизга берган энг катта бойлигингиз, унинг ўз атрофини тинмай ўрганиш иштиёқини сингдирганингиз бўлади. Бу иштиёқни сўндирманг.

БОЛАНИ МАКТАБГА ТАЙЁРЛАШ КЕРАКМИ?

Болалиқдан ширин дунё йўқ. Биз ҳаммамиз ким, қаерда ва қачон бўлмайдик, албатта мана шу болалиқни, ўзимизнинг кадрдон даргоҳимизни, отамиз, онамиз, азиз оиламиз муҳитини эслаб юрамиз. Бу бизнинг биринчи ва буюк, абадий мактабимиз. Ўқувчилик мана шу мактабдан бошланиб, бутун умр бошқа жойларда олинган сабоқлар мана шу жойда олинган сабоқларга солиштириб идрок қилиниши давом этади.

Бу мактабга инсон боласи ўқувчи сифатида алоҳида тайёрланиб келмайди, у кийимсиз, билимсиз, ўзининг фақат мана шу оила сулоласидан олган ирсий бойликлари билангина ушбу оилага кириб келади. Бу мактабда бўладиган ўқитувчиликка тайёрланиши мумкин ва тайёрланиш керак ҳам. Яъни ота, она ва оиланинг бошқа аъзолари ўз боласига, яқин кишисига ана шу мактабда дарс беришга тайёр бўлиши лозим. Бу мактабда дарс бериш учун олий ўқув юртларида кўп ҳолларда ўқиш шарт эмас, ҳаёт мактабидан сабоқ олиб ўз илмингизни бойитиб борсангиз кифоя. Чунки ҳаёт мактабида бизга бутун-атроф ўқитувчилик

қилади. Оиланинг супургисидан тортиб унинг энг улуг қадриятларидан то еттинчи сулоласидаги бобосигача биз ўқувчиларга дарс беради, муаллимлик қилади.

Қизиғи шундаки, бу мактабда дарс соатлаб ўтилмайди. ўқийман деган кишига дарс узлуксиз давом этаверади ва айни шу ҳолатдан ўқитувчилар, яъни боланинг атрофидагилар доимо хабардор бўлмоғи ва дарснинг узлуксизлигини кўздан қочирмаслиги даркор. Азиз оталар, оналар, ўғлингизни, қизингизни кузатаётганда, унинг уйқусига кўзингиз тушганда, бирор ишни унга буюраётганда, умуман бутун ҳаётингиз давомида сиз болангизга сабоқ бераётганингизни унутманг. Ахир боланинг оддийгина уйқусини кузатиш бу оддий иш эмас. У сиз кузатган пайтда юзтубан ётган бўлса болангиз ё ёмон ётиб қолган ёки бирон нарсадан хафа ҳолда уйқуга кетган бўлиши мумкин.

Эҳтиёт бўлинг, бу мактабда фарзандингиз ўз ўқувчингиз сифатида нафақат сизнинг айтганингизни, ваҳоланки, қилганингизни, товушингизни, ҳаракатингизни, қилиқларингизни, умуман барча, барча фаолиятингизни ўзига сабоқ, деб билади ва уларни ўз жисми ва ақлига жо қилади. Шундай экан, болангиз, ўқувчингиз олдида энг обрўли муаллим сифатида доимо эҳтиёт бўлишингизни яна бир бора таъкидлаб ўтмоқчиман. Ахир, бу мактабда такрорлаш дарслари кўзда тутилмаган, қоралама нусхалар бу жойда бўлмайди. Ҳаёт бир марта берилганидай бу мактабдаги ҳар бир дарс ҳам бир бора, бир мартагина ўтилади холос. Демак, бу мактабда дарслар бир мартагина ўтилишига ўқувчингизни ўргатишингиз, шунга уни тайёрлашингиз шарт.

Ҳаёт мактабининг кўпгина қонун ва қонуниятлари борки, буларни билиб қўйган яхши. Масалан, болангизга турли тилларни ўргатишингиз айни уч-тўрт ёшларда ўта қулай кечади. Уч-тўрт ёшларгача болангиз ўз миллий, оилавий тилини ва унинг қонун-қоидаларини қалбига синдириб улгурган бўлади. Мана энди унга бошқа, иккинчи ва учинчи тилларнинг сўз бойлигини бериб боришингиз мумкин. Бу тилларнинг грамматик қоидаларини бола алоҳида ўрганиб ўтириши шарт бўлмаган ҳолда ўзлаштириб, ўз

тили қоидаларини билгандай билиб боришларини чет эл олимлари, жумладан Н. Хомский ва бошқа лингвист ҳамда психолог мутахассислар назарий жиҳатдан таъкидлаб ўтишган.

Шундай экан, болага алоҳида бирор чет тили грамматикасини ўрганиш дарсларини ташкил қилиб ўтириш ва бу борада бош қотириш шарт эмас. Сиз болангизни мактаб ва мактаб дарсларига эмас, умуман мактаб фаолиятига тайёрлайсиз. Бу ўз ўрнида болани мактабга тайёрлаш тушунчасига жиддий маъно киритади. Шунинг учун ҳам чет эл олимларининг бу йўналишдаги назарий ва амалий ишларини кузатар эканмиз, биз уларнинг айни мана шу йўналишда бораётганини кўрамиз. Масалан, америкалик психолог олим Джералдина Чейпи ҳам бу йўналишда ёзган китобини болани мактабга тайёрлаш, деб атамасдан “Мактабга тайёрлик” деб атайд.

Масаланинг моҳияти шундаки, болани мактабга тайёрлаш дегани бу болани мактабга борганда ўрганиладиган сон, ҳарфлар, фанлардаги билимларни ўргатишдан бошламаслик, аммо бола мактабга бориб у ерда ўргатиладиган фанларни мантиқан англашга тайёр бўлиши кўзда тутилиши кераклиги таъкидланади.

Боланинг мантиқ фаолияти ошишига ушбу бола билан унинг атрофидагиларнинг қанчалик кўп мулоқотда бўлиши энг катта таъсир қилувчи омил саналишини психологлар аллақачон айтиб улгуришган. Аммо буни кўпчилик ота-оналар унутишади.

Ўз боласи билан қайси она, қолаверса ота ва боланинг атрофидагилар қанчалик кўп гаплашса, мулоқотда бўлишса ушбу боланинг тезроқ тили чиқиши, унинг бошқа болаларга қараганда амалий фаолиятга шунчалик тезроқ киришиб кетиши амалда кўп кузатилган ва бу ҳақда кўп ёзилган.

Боланинг мактаб фаолиятига тайёрлигини оширишда ҳам айни мана шу усул, яъни бола билан кўпроқ мулоқотда бўлиш ва болага эртанги кунда мактабда керак бўладиган йўналишдаги муаммо ва фанлар ҳақида суҳбатлашиш, бу суҳбатлар давомида боланинг ўзига қўйилган, юзага кел-

ган масалалар юзасидан жавоб топишни, мантиқли фикр юритишни ўргатиш асосий омилга айланиши керак.

Маълумки, ёш болалар 2 ёшдан тўрт ёшгача тил қоидаларини кўплаб ҳолатларда бузиб, баъзан ўзлари қоидалар ясаб гапиришади. Аммо бу ҳолат 4 ёшдан ошган сайин 5 ёшларда умуман тўхтабди. Улар тилларида грамматик хатоларга йўл қўйишмай қўяди. Бу деган сўз, болаларнинг миясида мантиқий фикрлаш фаолияти ўсганлигини кўрсатади. Ҳар бир ота-она боланинг бу ўзгаришини тез илғаб олган ҳолда у билан суҳбат ва мулоқотнинг жиддийлик ва малака даражасини ошириши, бола билан бўладиган мулоқот омилкорлигини кўтариши зарур. Айниқса баъзи ота-оналар сингари у билан “сю,сю”, “фи, фи” қилиб ўтирмаслик, боланинг бузиб айтган сўз ва ибораларини такрорламаслик керак ва унинг олдида катталар ҳам бузуқ тил, яъни ноадабий нормаларни қўлламамасликлари ва бузуқ ибораларни ишлатмасликлари лозим. Айни мана шу тадбирнинг ўзи болани мактабга, мактабда ўргатиладиган фанларни мантиқан қабул қилишга ўргатиш поғоналаридан бири саналади.

Агар эътибор берилса, тўрт ёшли ёки беш ёшли болалар ўзларидан кичкина бўлган болалар билан бўладиган суҳбатларда оддий, айти шу кичкина болага тушунарли ибораларда гаплашадилар ва шу бир пайтнинг ўзида катталар билан гаплаша бошлаганларида гўё катталардай жиддий жумлалар, мураккаб ибораларни ишлатиб сўзлашади.

Беш ёшлардан бошлаб болалар нафақат ўйинчоқларини бир турларга, бир хил тоифаларга алоҳида гуруҳлашларга қодир бўлишади, қолаверса айти шу пайтлардан бошлаб улар ўз фикрлаш қобилиятларида ҳам мана шу гуруҳлаш ва тоифалашларга қобиллигини кўрсата олишади. Бу деган сўз боланинг ақлий ўсиш даражаси ўта ошганлигини кўрсатади ва мана бу пайтга келиб болани мактаб фаолиятига тайёрлаш жиддий поғонага кирганлигини ота-оналар сезиши ва бола билан энди оддий ўйинларнигина эмас, жиддий, мураккаб ўйинлар, фаолиятлар бошлаши лозимлиги бола тарбиясида кун тартибига ўтади. Аммо унутмас-

лик керакки болада бу пайтда ҳам ҳали абстракт фикрлаш анча паст бўлади, яъни бирон нарсани санаш керак бўлса у тезроқ бармоқлари ёки нарсаларнинг ёрдамига интилади.

Илгари болангиз билан фақат ўйинчоқ футбол ўйнаган бўлсангиз, энди унга маълум мураккабликдаги топишмоқларни, лабиринтли ўйинчоқлардаги ечимларни топишларни топширишингиз мумкин ва ўз назоратингиз остида болага уларни ечишга ўргатишингиз керак. Акс ҳолда бирданига бир неча мана шундай қийин топшириқларни берсангиз ва уни болангиз ечолмаса, бола бутунлай қийинчиликлардан кўрқиб бошқа мураккаброк ишлардан бош тортишга ўрганиб қолади. Боланинг, қолаверса, кейинчалик катталарнинг ҳам ўз ҳаётлари давомида қийин ишлардан қочишга ўрганиши, қийинроқ ишдан бош тортишга одатланиб қолишлари айни мана шу даврдан бошланишини кўздан қочирманг.

Юқорида айтилган фикрларга энг оддий мисоллар келтирадиган бўлсак, айтайлик она ўз боласи билан ошхонада идиш товоқларни ювмоқда. Уч ёшдаги бола бу пайтда онасига ёрдам бераётган бўлса у тарелкани қошиқнинг устига қўйиши, ювилган қошиқни ювилмагани билан аралаштириши мумкин. Аммо тўрт ёшли бола бундай ҳолатга йўл қўймайди. Беш ёшли бола маълум маънода идиш-товоқларнинг бутунлай ўз тартибини билади ва уларни керакли йўналишда гуруҳлай олади. Лекин бу ёшдаги болани мана шу идиш-товоқларни ювиб қўйишга мажбурлангангиз, албатта у бошлаши мумкин, аммо бу ишни у тўлиқ бажара олмаётганини кўрган заҳотиёқ бу ишни ташлаб қочишга ҳаракат қилади ва иккинчи бор бу болага бу ишни мажбурлашингиз қийин. Мажбурлай бошласангиз энди уни қийин ишдан қочишга ўргатган бўласиз.

Болаларда бу пайтда ҳаёт тажрибалари ўта кам бўлганлигидан уларни ҳар хил юмушларга ўргатиш ўта қалтис вазиятда бўлади. Уларнинг кучи, маҳорати, билими, тажрибаси, ақлий ва жисмоний имкониятлари етадиган ишлар буюрилганда улар ижобий тажриба орттириб боришса, бу имкониятлар етишмаган, етишмайдиган ишлар буюрилганда улар ўзлари учун салбий сабоқ олишади-

да амалий ишлардан қочиб қутулиш йўллари излашларга ўрганишади. Бу эса бола ҳаётий тажрибасида кейинчалик тузатиб бўлмас қусурга айланиши мумкин.

Болани мактаб фаолиятига тайёрлаш ҳам айни мана шу қусур хулққа айланмайдиган даражаларда, чегараларда, имконият ва натижаларда олиб борилиши керак.

КИБОРЛАР ТАРБИЯЛАШИМИЗ КЕРАКМИ?

Бола тарбияси қачон ва қаердан бошланади деганда ҳаммамиз оиладан бошланади деб айтамузу, аммо ушбу оилада ҳар бир ота-она ўз боласини ким қилиб тарбияламоқчи, деган саволга на ушбу ота-оналар, на атрофдагилар кўпинча аниқ бир жавоб беролмайди. Ваҳоланки, оиладаги тарбиянинг асоси мана шу саволлардан бошланиши керак. Психологиянинг асосий қоидаларидан бири ҳам шундаки, ақлли жонзотда мақсадсиз фаолият содир этилмайди. Демак, оиладаги фарзанднинг ким бўлиб этилиши шу оила аъзоларининг ўз олдига қўйган аниқ савол ва мақсадларидан бошланиши лозим. Шундай экан биз ўз фарзандимизни жамиятнинг энг илғор кишиси қилиб тарбиялашимизга нималар етишмайди ва нима бизга халақит беради.

Ёритмоқчи бўлган муаммони ҳаёлимда пишириб юрган пайтимда менга ўта таниш бўлган, оддийгина тушунча, ёшлигимдан маълум маънода руҳимга оилада сингдирилган, аслида яхши маънода, ижобий хусуиятга эга бўлган, аммо советлар тарбиясида у салбий оҳанг олган кибор (араб тилидан бизга кириб келган катталар, улуғ кишилар маъносини берувчи сўз), аристократ (юнон тилидан яхшилар, аристо ва кратос ҳукмронлиги, яъни яхшилар ҳукмронлиги) сўзлари эди.

Яхши маънодаги бу тушунчаларни халқимизнинг онгидан чиқарилишига уринганлар томонидан маълум натижаларга эришилганлиги туфайли бизнинг онгимизга улар ёмон сўз ва ёмон тушунча бўлиб кириб қолганлигини босиб ўтиш, уларнинг асл яхши маъноларини қайтариш

ва шу йўл билан жамиятимизга, айниқса кириб келаётган ёш авлодимиз вакилларининг рухларига ушбу киборлик, аристократлик кўникма ва тушунчаларини киритишга ҳисса қўшишни кўзда тутган эдим.

Биз психологлар, айниқса этнопсихологлар учун илгаридан шахс хусусиятидаги баъзи тарбия белгилари орқали ҳар бир шахснинг жамиятдаги қайси табақадан эканлигини, ундаги тарбия таъсирида сингган белгилари орқали аниқлаш масаласи ҳам амалий, ҳам назарий аҳамиятга эгадир. Ахир шахснинг биргина жамоат жойда, масалан ресторанда пичоқ-вилкани қандай ушлашиданок ёки одамлар орасида ўзини қандай тутишига қараб уни жамиятнинг қайси табақадан эканлигини, унинг ўз оиласида қандай ахлоқий тарбия олганлигини аниқлаб олса бўлади.

Бундай тарбия белгилари бизда қадимдан бўлган. Масалан, қаршидан келаётган бир гуруҳ одамларга қандай салом беришнинг ўзи ёки бу гуруҳга ўзни қандай тутиб яқинлашув гуруҳ аъзолари ва яқинлашаётган кишининг кимлигини кўрсатиб турган. Бу йўналишдаги мисолларни айниқса “Қобуснома”дан кўплаб келтирса бўлади.

Шахс хулқидаги илгари арзимас кўринган кўпгина ахлоқий ва одоб нормалари, яъни киборлик, аристократик белгилари ҳозирги кунга келиб бизнинг жамиятимизда ҳам жиддий аҳамият касб қилаётганини кўриб турибмиз. Ҳа, бу бизнинг бугунги кунимизда янгиликдай туюлаяпти. Аслини олганда яхши тарбия белгилари ҳеч қачон эскирмаган. Ғарб ва жаҳоннинг тараққий қилган мамлакатларида доимо яхши тарбия соҳиблари қадрланиб келинган ва ҳозирги кунда ҳам бирон корхонага бирон кишини ишга олмоқчи бўлганларида унинг одоб, ахлоқига катта эътибор қаратилади. Чунки яхши тарбия топган киши ғарбда ишга келганидан ўз танишидан, ойлик маошинг қанча, деб сўрамайди ва у кейинчалик албатта жамоа йиғилишида бировга қараб маоши ёки бошқа бирон сабаб билан ноўй, ноўрин савол билан мурожаат қилмайди.

Психологларнинг ўтказадиган кўпгина сўровларида кишининг ахлоқий нормаларга эътибори ва унинг хусусиятидаги бу кўринишлар, унинг кийиниши, жамиятда ўзини

тутиш тарзи ва шунга ўхшаш одоб ва ахлоқ нормалари шахснинг ижтимоий ўсишида, хизмат карьерасида амалий ёрдам берадими, деган саволларига 80-90 фоиз респондентлар ижобий жавоб беришади. Шундай экан, юқорида қўйилган саволга фақат ижобий жавоб берган ҳолда биз ёшларимизни киборлар, аристократлар қилиб тарбиялашимиз керак, деб бу борада амалий ишларга ўтиш вақти келганлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз.

Ғарб мамлакатларида бу йўналишда олиб борилган амалий машғулотларга келадиган бўлсак, айтайлик, кўпчиликка маълум ва машҳур Д. Карнегининг машғулоти, Олмон олими Уве Феннер ва бошқа мутахассисларнинг бизнес фаоллари учун ташкил қилинган амалий семинарлари катта шуҳрат қозонган. Айтайлик У. Феннер семинарида сизга соатлаб фақатгина саломлашиш ёки хайрлашишни ўргатиши мумкин.

Хизмат доирасидаги ҳамкасблар билан бўладиган беозор суҳбат, иш юзасида олиб борилган музокаралар ва айниқса бу музокаралардан кейин бўлғуси яхшигина ҳамкорлик олдидан амалий фаолият сифатида бирон ресторанда ташкил қилинган меҳмондорчилик ва бу меҳмондорчиликда томонларнинг бир-бирини қузатишлари қанчалик аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтиш шарт бўлмаса керак. Ахир сизнинг ушбу меҳмондорчиликда ўзингизни тутишингизга қараб ҳозиргина катта амалий ишлар юзасидан сиз билан фикрлашган ҳамкорингиз маълум хулосалар чиқариши мумкинлигини унутманг. Шахсий хулқингиздаги бир неча нуқсонлар ушбу меҳмондорчиликда намоён бўлиб қолса, айтайлик ортиқча спиртли ичимликлар ичишингизни қузатган бўлғуси ҳамкорингиз бу музокаралар “давомидан” кейин шартнома тузишга қайтиб келмаслиги мумкин.

Демак, фақат ушбу мисолларнинг ўзигина ёшларимиз хулқига киборлик унсурларини, ғарбча қилиб айтганда аристократлик хусусиятларини кенг маънода сингдириш вақти етиб келганини кўрсатади.

Яхши одат ва кўникмалар ҳар бир шахсга нафақат ишда, қолаверса оилада, оддий ҳаётий жараёнларда ҳам

ўта зарур. Улар сизнинг қадрингизни, обрўингизни ошириб боради, бошқалар олдида сизга хурматни оширади.

Тараққий қилган мамлакатларда учрайдиган психологик муаммолардан бири бу ёлғизлик. Кишининг атрофда қанчалик одамлар кўп бўлишига қарамасдан ўзини ёлғиз сезиши. Бу ўринда қадим юнон файласуфи Диогенни эслайсан киши. Ёзишларига қараганда бир куни Диоген куппа-кундуз чироқ кўтариб кўчада кетаётган экан. Ҳайрон бўлган ҳамюртларидан бири сўрапти, жаноб Диоген нима учун куппа-кундуз чироқ кўтариб кетаяпсиз, деганда Диоген “Одам излаб кетаяпман”, деган экан. Кўриниб туриптики, Диоген ўзига лойиқ ҳамсухбат, ҳамфикр киши излаб кетаётгани шундай ҳам кўриниб турипти.

Кўпгина ҳолларда биз жамиятда ўзини ёлғизсираган кишиларни негадир унчалик ёқтирмаймиз, ҳатто баъзи ҳолларда уларни оғир, кибор, қораси босади, кўпга қўшилмайди ва шунга ўхшаш салбий ва ижобий сўзлар билан бирда оқласак бирда қоралагандай қараймиз. Оғир одам, деб бундай кишиларни ҳар ким билан ҳам суҳбат қуравермаслигини айтишимиз мумкин. Кибор, деган ҳолда у кишига бизнинг унга нисбатан қилган қилиқларимизнинг ёқмаганлиги ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ахир, биз советлар даврининг одамлари, “ҳамма бир”, деб тарбия топганмиз. Бугунги кунда ҳали кўпчилигимиз ижтимоий тарбиямиз унчалик замон талабларига мос келиб, яъни жойига тушиб улгурмаган, ҳамма нарсани ўз бойлигимиз билан ўлчаб келаётган кишилармиз.

Аммо буюк бобокалонимиз Форобийнинг фикрича одамлар орасидаги даража ва мақом маданий жамиятда ҳам табиий (жисмоний ва руҳий) ва иродавий (руҳий, илмий ва тарбиявий) жиҳатларга эга бўлиши табиий ҳолдир. Форобий фикрича, одамлар даража бўйича тенг эмас ва уларнинг тенг ҳуқуққа эга эмаслиги улар тийнатида келиб чиқадиган ва Оллоҳ томонидан белгиланган табиий ҳодисадир.

Энди баъзи ҳолларда бундай кишиларга қараб “қораси босади” иборасига келсак, қора сўзи аслида туркий асл маъносига қараб катта тушунчасини беради. Қора денгиз-

ни биз тим қоралиги учун қора демаслигимизни эслайлик, бу аслида катта денгиз ҳам деганимиз. Ўзбек тилидаги яна бир фразеологик иборада “қора терга тушиш” айтилади, яъни катта тер тўкиш. Бу ҳолда ҳам гап жуда катта тер тўкиш, англанаяпти. Демак, қора сўзи ҳам кибор, катта маъносида келаяпти. Бундай одамларнинг ҳаммаси ҳам биз ўйлаганча оддий, фақат жисмонан катта ёки кўпол кишилар эмас, маълум маънодаги киборлар, ўзини тарбиясида нуқсонлар бор кишилардан сал олиб қочадиган яхши маънодаги киборлардан бўлиши мумкин. Айни шулар кўпинча ўзларини жамиятда, айниқса советлар жамиятида ўта ёлғиз сезишар эди. Бугунга келиб бундай кишиларимиз жамиятимизда сезиларли даражада кўпайиб бораёпти. Уларнинг кўпчилиги ўз бойликлари билан мақтанишмайди, ўзларини камтарона тутишади ва жамиятда ўзларига маданий, билим, тарбия борасида етарли даражадаги суҳбатдошлар тополмаган пайтларида ёлғизлик сезишади.

Мана бундай ўзини жамиятда ёлғизсираб юрган кишилар, албатта, ўз атрофида “дўстларим кўп”, деб мақтанишмайди. Аслида тўғриси ҳам шу, кишининг ҳамфикр дўстлари кўп бўлиши жуда қийин ҳол. Жамиятимизда, умуман қадим-қадимда ҳам жамиятда ҳамфикр дўст кам бўлган ва кам бўлади. Бундай кишилар доимо одам кўпу гаплашишга киши тополмайсан, деб яшаб келишган. Аммо улар ҳар доим ким билан қандай гаплашишни биллади, шу билан бирга бу деган сўз ахир бундай одамлар соатлаб ҳар бир тўғри келган киши билан лақиллашиб туради, дегани эмаслигини тушунишимиз керак. Айниқса бу ўринда Алишер Навоийнинг мана бу қаторлари ўз ўрнида бўлар эди:

*“Мени мен истаган ўз суҳбатига аржуманд этмас,
Мени истар кишининг суҳбатин кўнглум писанд этмас.”*

Киборлик борасида фикр юритиб, масаланинг тарихий томонига бир назар ташлайдиган бўлсак, боболаримизнинг қадим-қадимдан зиёлилиги, киборлиги, қолаверса

ўша Оврупо тили билан айтганда аристократлигини кўрсатувчи биргина мисол келтириб ўтмоқчиман. Бу ҳам бўлса қадимий турк битикларидан бизга етиб келган Иданфирсининг сарҳадларимизга бостириб келган ҳатто душманларга ҳам ўта сиполик билан, қолаверса тушунган кишига кибор оҳангларда, улар бизнинг аجدодларимизни кўрқоқликда айблаганларида, “бизнинг кимлигимизни билмоқчи бўлсанг боболаримизнинг қабрларини топтаб кўрчи, агар шундай қилсанг бизнинг жавобимиз мана бундай бўлади”, деб, бир қуш, бир сичқон, бир бақа ва беш ўқ жўнатишганини эслайлик. Мана бу бизнинг қонимиздаги қадимий асл киборлик намуналаридан бири.

Билмадим, кимга қандай, менга кибор, аристократ, мулоқот сирларидан тўлиқ хабардор, маълум маънодаги “ҳамма бирдай” тушунчасидаги советлар тарбиясидан қутулган кишилар ва улар билан суҳбатлашиш жуда ёқади.

Қизиғи шундаки, бу талаб ва иштиёқ фақат мендагина эмас, кўпчиликда ҳам уйғониб келаяпти. Энди биз ўз фарзандларимизни фақатгина олий ўқув юртларида билим олишгагина қаратмай уларнинг юқори тарбия намуналаридан ҳам хабардор бўлиш тарафдорига айланаяпмиз. Икки институтга кириб ўқиш мумкин бўлиб турган бир пайтда ўша институтларнинг қайбири обрўлироқ ва уларнинг бераётган дипломларининг кадр-қимматларини суриштирадиган бўлдик.

Кўпчилик суҳбатларда баъзан ёшлар ва уларнинг тарбияси ҳақида сўз кетадида, бугунги ёшлар, деб баъзилар ҳозирги ёшларимиздан нолий бошлайди. Аслини олганда бу нолишлар тарбия йўналиши учун янгилик эмас. Бундан икки минг йил илгари файласуф Сукрот ҳам ёшлар борасида ана шундай нолишларнинг ўта катта намунасини қолдириб кетган. У шундай ёзади “Ҳозирги ёшлар бойликка ўрганиб қолган. Улар катталарни хурмат қилмайди, бообрўларни ёқтиришмайди, ёмон хулқлари билан ажралиб туради, ота-оналари билан можаро қилишади, овқатда очкўзлик қилиб, ўқитувчиларга азоб беради”, деган.

Жамиятимиз табақалашиб бораётган бир пайтда биз ёшлар орасида икки йўналишни очиқ-ойдин кўраяпмиз.

Бири юқорида айтилгандай яқиндагина жамиятимизда учрайдиган ўртамиёначаликдан ҳам тубанлашиб бораётган бўлса, бу албатта яхши эмас, бошқалари, асосан кўпчилик секин-аста ўз тилларига эътибор беришдан бошлаб яхши маънода киборлик намуналарини ўз шахсий хусусиятларига сингдириб бораяпти. Бундай ёшларимизнинг тилида ўз қишлоғи-ю оиласининг лаҳжасини, вилоятининг шева намуналарини кам учратаёпмиз. Шунинг ўзи ўсиб келаётган авлодимиз ўз келажагини яратишида тўғри йўлдан бораётганини кўрсатади.

Энди масаланинг асосий томонларидан бири, қандай қилиб ёшларимизнинг кўпчилигини мана шу киборлик, аристократлик руҳида тарбиялаш муаммоси. Бу йўналишда мен ўз тарбияга бағишланган мақолаларимда такрорлаб келадиган бир фикр шундаки, биз советлар тарбиявий фалсафасидан, унинг назарий ва айниқса амалий намуналаридан воз кечишимиз кераклиги. Булардан бири, қадим-қадимдан одамзод томонидан инobatга олиниб келинаётган ва бугунги кундаги илмий ютуқлар билан тасдиқланаётган ирсий белги, одамларнинг Тангри томонидан баравар қилиб яратилмаганлигини тан олиш. Шундагина биз тарбияга бағишланган буюк китобларимиз Авестодан бошлаб, Қобусномагача, Муҳаммад Солиҳнинг “Адабул Солиҳин” асаридан, А. Авлонийнинг “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобигача, Абушийнинг “Туркий қавмлар тарихи” ёки турк ҳоконликларига бағишланган китобларидан тортиб “Жавоҳирул ҳикоят”гача ва бошқа минглаб тарих ва тарбияга бағишланган китобларимизни тўғри тушуна бошлаймиз.

Бу борада “Қутадғу билик”, “Қобуснома”, “Адабул Солиҳин” ва бошқа манбаларни қайтадан кашф қилишимиз бугунги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолганга ўхшайди. Акс ҳолда биз Евроиттифокқа ўхшаб бирикиш, туркий халқларнинг тарихдан йиғиб келган маънавий бойликларини уларнинг ҳаммасига бойлик сифатида етказиш йўлидан эмас, биз бир-биримиздан узоқлашишга қараб юз тутамиз. Масалан, усмонли турклардаги “гунойдин” ва қозоқ ва ўзбеклардаги “ойналайн” бир-бирини

маънавий жиҳатдан тўлдиришини кўрмаслик маънавий жоҳилликдан бошқа нарса эмас, деб ўйлайман. Дардлар ичида жоҳилликдан оғирроқ дард йўқлигини боболаримиз бекорга айтишмаган.

Чуқур ўйлаб кўрмасанг ўта тўғридай кўринадиган “биз ҳаммамиз халқдан чиққанмиз” ибораси бизни қаёқларга олиб бормади. Кечагина бизнинг елкамизда бўлган жамиятда энг ёмон кўрилган табақа бу зиёлилар эди. Рус тилида уларни “вшивая интеллигенция”, “бит босган зиёлилар” дейишиб, кўчада шляпа кийган кишини кўришганда баъзилар ундан кўркса, бошқаси “О, қара, шляпа ҳам кийиб олипти олифта”, деб мазах қилар эди. Галстук тақишганига қараб баъзи ўша ўрталар “маданият иштонбоғини ҳам тақипсизда”, дейишдан тоймас ва уларнинг энг топган гапи, “биз оддий одамлар, гапнинг дангалини айтамиз кўямиз”, ибораси бўлар эди. Улар ҳар бир дангал гапнинг ҳам ҳар замон, ҳар жойда, ҳамманинг олдида ҳам айтилиши одобдан эмаслигини қайдан билсин.

Бу тушунча ва ибораларда, уларнинг тагида ётган одат ва кўникмаларда психологларнинг тили билан айтилганда ўзганинг шахсини хурмат қилмаслик, педагогик тил билан айтганда тарбиянинг етишмаслиги ётар эди. Бугунги кунда бу камчиликлар ёшларимиз орасида, жамиятимизда табиий ҳолда кун тартибига кўчиб ўз ечимини талаб қиляпти. Демак бизнинг психологлар ва тарбиячиларимиз бу талабни қондирмаслар экан улар жамиятнинг ўзи томонидан бошқа йўллар билан, албатта катта қийинчилик ва узоқ вақтда, катта меҳнат эвазига қондирилади. Яъни ёшларимиз эртанги кунда дунёнинг энг-энг олий ўқув юртларида таълим олиб бизнинг жамиятимизга ўша биз юқорида айтган киборлар бўлиб, аммо бизнинг ўзимизнинг мингйиллик урф ва одатларимизни эмас, ўзлари ижтимоийлашиб улгурган жамиятнинг киборлик унсурларини ўзларига сингдириб қайтишни бошлашади.

Бугунги кунда хоҳлаймизми йўқми, жамиятимизда юқори табақа тушунчаси бор, бу табиий ҳол ва бу тушунча кундан- кунга катта кучга эга бўлиб бораверади. Бу табақа вакили бўлиш учун эса кўпчилик ўйлагандай фақатгина

катта мол мулк эгаси бўлиш етишмайди. Баъзилар ўша катта бойлик эгаси бўлган ҳолда ўз вақтларини маишатхоналарда ўтказишга киришади ва ўша маишатхоналарда уларнинг баъзилари бир кун бўлмаса бир кун “Ҳой гаплашайин десанг одам тополмайсан киши”, деган оҳларни қилишади. Чунки уларнинг орасида ҳам овқат ейишнинг ўзи биргина физиологик эҳтиёжни қондириш бўлибгина қолмасдан у бир француз мутафаккирининг айтганидай, алоҳида санъат эканлигини тушуниб етадиганлари чиқади. Чунки у ишхонага кийиб борадиган кийимнинг ошхонага кийиб борадиган кийимдан жиддий фарқ қилишини, атрофдагилар эса ошхонага ишхонадаги кийимлари билан келганидан, уларнинг эса ўз ватандошлари эканлигидан виждонан қийналади. Чунки у кечаги “вшивий”, битбосган зиёлилик босқичидан киборлик босқичига ўтапти.

Зиёлиликнинг ўзи қанчалик қийин юк, қолаверса оғир меҳнат ва у қанчалик билим талаб қилишини биргина мисолда айтиб ўтиш мумкин. Биргина ўзимдан мисол, ушбу мақолани ёзиш пайтида йигирма-ўттиз китобни қўлга қайта олишимга тўғри келди. Айни ҳолда интернетдан қанчалаб маълумотларга аниқлик киритганимни айтмасам ҳам бўлади ва шу мақолани ёзишгача етиб келган давримда умрим бўйи қилган меҳнатларим бунинг ҳаммасига пойдеворлиги-чи. Бу деган сўз мендаги бугунги ўз билимларим ҳамон бир томондан камлигини кўрсатса, илм излашнинг охири йўқ, мақоламдаги баъзи ибораларнинг, фикрларнинг кимларгадир ёқмаслиги менинг ҳали мақола ёзиш ва фикр билдиришда киборларча ўз билганларимни бошқаларга силлиқ етказа олмаслигимдадир. Такомиллашувнинг ҳам охири йўқ, айтилганидай бир кам дунё.

Шундай экан, кибор, аристократ одамлар юқорида айтилгандай ва баъзиларнинг бундай кишиларни оғир, “катта”, “қораси босади”, ҳатто советлар давридагидай кибор, аристократ дейилган тушунчаларда эмас, аксинча уларни енгил, оддий, фикри тиниқ, теран, суҳбатлашсанг ҳузур қиласан деган ибораларда қабул қилиниши керак.

Бахтли ҳодиса, ўтган асрнинг етмишинчи йиллари мен мириқиб суҳбат қиладиган кишилардан бири ҳам айнан

мана шундай кишилардан эди. У киши советларнинг ҳеч қандай институтларини тамом қилмаган бўлса ҳам бир неча фан номзодларига маслаҳатчилик қилган, билимдон киши бўлиб, исми Мулло Мамаризо, деган киши бўлар эди. Бизнинг ота авлодимиз вакилларида бўлиб менинг билимим ва тарбиямга катта таъсир қилган киши сифатида, жойи жаннатдан бўлсин, доимо эслайман.

Ҳамма маданият ва маънавиятларнинг, айниқса ўша биз фикр юритаётган киборлик, аристократликнинг асосий қисмини мулоқот маданияти ташкил қилади чоғи. Бу ўринда ўша “ҳамма” билан суҳбатлаша олиш санъатидан, маҳоратидан киборлик бошланса керак.

Олий табақадаги суҳбат деганда бизнинг хаёлимизга катта лавозимдаги кишилар суҳбати келмаслиги керак. Уларнинг кўпчилиги билан на сиёсат ва на ҳаёт тўғрисида суҳбат қуролмайсиз. (Сиёсатдан бошласангиз “юқори”дан кўрқади, ҳаётдан бошласангиз, “сен ким бўлибсан”, дегандай ўзини катта олган тарзда муомалада бўлади.) улар билан ҳатто оврупонинг бу йўналишда айтадиган об-ҳаво ҳақидаги суҳбатини ҳам бошлай олмайсиз. Улар дарҳол мен Гидромет марказга телефон қилдим, ҳаво яхши бўлади, деб бошлаган суҳбатингизни шартта узади. Сиз яна мулзам бўлган ҳолда булар билан нима ҳақда гаплашсам экан, деган хаёлдан чиқолмайсиз.

Аммо психолог сифатида айтишим мумкин, камтарлик ҳам маълум маънодаги касаллик. Бизнинг ёшларимиз руҳидан бу камчилик ҳам катта куч билан қувиб чиқарилиши керак. Ҳозиргина тилга олинган олий мақомдаги суҳбатда сиз суҳбатни давом этдириб туриш мақсадида бирон мавзуни бошласангиз ёнингизда ўтирган ўша “камтар” сиз қийинчилик билан бошлаган суҳбатингиз мавзусини давом этдирмаса ёки ёнингизда ўтирган мансабдор Гидрометдан гапириб мавзуни узса иккала вариантнинг ҳам номақбуллиги кўриниб қолади. Бундай мажлис пайтида уларнинг бирига “Ҳой, сен суҳбатга фақат овқат ейишга келдингми, деб, иккинчисига эса “оғайни сиз мажлисда эмассиз, ходимингиз лўқма ташлаганда қайтаргандай мени жеркияпсиз”, дегинг келади.

Олий табақали мажлисларда ҳатто оддий суҳбатларда ҳам тилга олинмайдиган мавзулар ҳақида бизнинг боболар “Қобуснома”, “Қутадғу билик” ва шунга ўхшаш китобларда жуда яхши айтиб кетишган. Бундай мажлисларда тилга олинмайдиган мавзулар жумласига пул, бойлик, кишининг сиёсий қарашлари, диний эътиқоди ва энг тилга олинмайдиганларидан бири бу мажлис қатнашчиларининг дардлари, касалликлар ҳақида гап юритилмаслигидир.

Бундай суҳбатларда пул, бойлик ҳақида суҳбатлашишнинг ўзи ёмон одат саналган тақдирда пул, бойлиги билан ўтирганлар орасида мағрурланиш нима эканлигига баҳо берилмаса ҳам бўлади.

Суҳбат қатнашчилари сиёсий қарашларининг бундай йиғилишларда муҳокама қилинмаслиги, бу йўналишдаги суҳбат бошланмаслиги кераклиги шуни кўрсатадики, суҳбат қатнашчилари йиғинни ўзлари билмаган ҳолда бузиб қўйишлари мумкин.

Диний эътиқод эса шахснинг энг нозик ички тушунчаларидан бири саналгани учун бу борада мажлис аҳли орасида ҳеч қачон очик-ойдин муҳокама кўтарилиши мумкин эмас. Биз кимнинг қандай дин ва қандай эътиқоди ҳақида муҳокама юрита олмаймиз, бу шахснинг ички дунёси. Жаҳоннинг буюк мутафаккирларидан бири бўлмиш олмон шоири Гётедай инсон, масалан, “Билимли кишида ҳеч қандай динга эҳтиёж бўлмайди”, деб ўтиб кетган.

Шундай экан, киборликнинг аниқ белгиларидан бири бу мажлис аҳли бошлаган мавзунинг ўзингиз билган доирада давом этдириб туриш ва ҳеч қачон “фалон китобни ўқиганмисиз”, агар мабодо суҳбатдошингиз ўқимаган бўлса “шуни ҳам ўқимаганмисиз”, деб уни ноқулай аҳволга солмаслик. Демак, киборликнинг энг юксак белгиларидан бири бу бошқалар обрўсига путур етказмаслик, уларнинг хижолат бўлишига сабаб бўлмаслик.

Мен ўз фарзандининг ниҳоятда тарбияли, ниҳоятда билимдон, бир сўз билан айтганда кибор, аристократ бўлишини хоҳламаган ота ва онани билмайман. Бу деган сўз, ўз фарзандимизнинг шундай киши бўлиб етишишига қандай қилиб эришишимизда. Бунинг учун эса оиладан

бошлаб ва бугундан бошлаб яхши одатларнинг улар руҳи ва шахсиятига сингдириб борилишини бошлашимизда.

Оиладан, мактабдан, жамиятдан, институтлар ва бошқа тарбия ўчоқларидан, бир сўз билан айтганда қаердан бўлмасин олинган яхши одатлар ва билимларни шахс амалда, биринчи ўринда оилада қўллай бошлаши зарур. Шундагина у олий табақали мажлисдагина эмас, оддий йиғилишда, ҳатто оиласида ҳам бирон нарсани бехосдан тўкканни эмас, ҳатто ўша нарсанинг тўкилганини ҳам “сезмайди” ва сезиб қолган тақдирда ҳам “тўкиб қўйдингизми”, деб айтмаса ҳам ноқулай аҳволга тушиб турган кишини бошқа бирон ҳаракат ёки сўзи билан мулзам қилмайди.

Чунки киборлик, аристократликнинг энг юксак намуналаридан бири юқорида айтганимиздай, бошқаларни ноқулай аҳволга солмасликдир ёки бирон ноқулай аҳвол вужудга келганда иложи борича бундай аҳволдан бежирим чиқиб кетиш.

Мулоҳазаларимни ёзар эканман, бир воқеа ёдимга тушди. Ёшлиқдан бирга ўсган бир ўртоғим бор. Ўзига яраша, советлар тушунчасини олганда қулоқлар оиласидан чиққан, аслини олганда келиб чиқиш авлодлари ўз вақтида анча ўқимишли бўлиб, бугунги тил билан айтганда зиёлилар авлодидан. Ўз вақтида маълум сабабларга кўра ҳатто институтни ҳам битира олмаган. Аммо ўрта махсус билими бор, туман миқёсида обрўли кишилардан бўлиб келган. Аслини олганда кўпгина институтни битирганлардан ҳам ўқимишлироқ, мулоҳаза ва муомалада бир сўз билан айтганда маълум маънодаги киборлардан.

Бир сафар у Тошкентга келди ва биз иккимиз бирга бир вилоятга саёҳатга чиқдик. Саёҳатимиз давомида вилоятда менинг яна бир танишим билан учрашиб қолдик. Танишим вилоят раҳбарларидан эди, ўзини бошқалардан бир қадар бошқача тутар, кўпчиликка зимдан баҳо бериб муомалада бўлар эди. Учрашувда иккала томонни ҳам бири-биридан хижолат тортмасин деб оддийгина таништирдим. Чунки суҳбатдошлар ўзларини қандай тутишлари ва булар орасида бўлғуси суҳбат мени анча қизиқтирар эди.

Ўйлаганимдай суҳбат яхшигина бошланиб ёшлар, мактаблар, спорт ва бошқа соҳаларда давом этиб турди. Мавзу адабиётга ўтди, суҳбатдошлар бир-биридан унча паст келмас, районлик танишим ўқимишлилиги билан баъзан устун келар ва бундай ҳолатлардан ўта силлик чиқиб кетар эди. Ва ниҳоят суҳбат мавзуси негадир театр ва артистларга ўтганда вилоятлик танишим спектакллар ва артистлардан гап очиб бир спектаклдаги фалон артистнинг ўйини ҳақида анча гап айтди, масала бевосита спектаклга бориб тақалганиданми, район миқёсидан кўп ҳам вилоят ва пойтахтга чиқавермаган танишим фалон артистнинг бевосита ўйини ҳақида унчалик мулоҳаза юритавермаганидан кейин вилоятлик оғайним шумқарашроқ қилдида мавзуни бошқа томонга бурди. Бироздан кейин негадир танишлар орасида турар жой ва иш соҳалари бошланиб вилоятлик танишим райондан келган киши мен билан пойтахтдан келган эмас эканлигини билиб қолгандан кейин ўзини анча бошқача тута бошлади ва бу билан районлик танишимни ноқулай аҳволга солди. Мана сизга асл киборлик ва унинг ноаслрок намуналаридан бири.

Юқоридаги киборлар, аристократлар ҳақидаги мулоҳазаларни ва мана бу бўлиб ўтган воқеа тафсилотларини ёзар эканман, ўзимча ўйлаб қолдим. Асл кибор бўлиб ўсмаган, аммо ўзини аристократлардан санаб юрган одам ҳам вақти келиб бирон ноқулай ва ножўяроқ ҳаракат ва сўзи билан бошқа бировни анча ранжитиб қўйиши мумкин. Бу деган сўз асли шундай бўлар экан, деб ҳолатни ўз йўналишига ташлаб қўйишимиз керакми ёки яшаш тарзимизни, болаларимиз тарбиясини кундан кунга яхшилаш, келажак авлодимизни асл киборлар авлодидан қилиб тарбиялашга бугунданок киришишимиз керакми, деган саволга сўзсиз ижобий жавоб бериб тарихий “менимиз”ни тиклаш деган хулосага келасан киши.

Бундай қарасак бизнинг олдимизда икки йўналишдаги йўл турипти. Биринчиси, маълум, ҳозирги ҳолатдан қониққан ҳолда барчасига русча қилиб айтганда “тупуриб” бошқаларнинг орқаси бўлиб яшаш.

Иккинчиси, бу бундай қараганда қийини, аммо, бошқа йўлни танлашнинг иложининг ўзи йўқ ҳолат, шу йўлдан боришимиз шарт, вазиятни ўз қўлимизга олиб бугунданок ишга киришиш, яъни жаҳон цивилизацияси ютуқларини ўзлаштириб олган халқлар маънавий бойлигини ва ўз тарихимиздаги бойликларни руҳимизга сингдирган ҳолда тезликда ана ўша илгарилаб кетган халқларни қувиб етиш ва керак бўлса ошиб ҳам ўтиш. Бунга бизда тарихий маънавий бойлик, руҳий, ирсий, миллий ва бошқа имкониятлар етарли.

Шундай экан, ким хоҳламайди дейсиз ўз болаларининг ҳақиқий киборлар, аристократлар бўлиб етишишини, ким хоҳламайди дейсиз ҳар бир суҳбатдан маънавий лаззат олишни. Демак, қўл шимариб ишга киришиш қолади холос. Ахир кечагина советлар замонидан кейин қўл телефонлар тарқала бошлаганидан кейин баъзи “киборлар” оддий ўртоқлар йиғинига ҳам келиб кўшилгандан косасининг ёнига қўл телефонини чиқариб кўйишларини бир эслайлик. Улар ўз лавозимларини ўртоқлар йиғилишида ҳам давом этдирар, суҳбатдошлари буни унута бошласа “бироз жим бўлинглар, менга юқоридан кўнғирок бўлаяпти”, деб бирор таниши билан суҳбатни бузишлари ёдимизда.

Суҳбат давомида қўл телефонларда гаплашишни мен кўпинча “Қобуснома”даги “мажлисда ёнингда ўтирганлар билан шивирлашиб гаплашма”, деган маслаҳат билан тенглайман.

Биз мулоқот алоҳида бир санъат эканлигини тан оламиз ва унинг бугунги замонавий кўринишларидан бири бўлмиш телефонда гаплашиш эса ўз ўрнида ниҳоятда шахсининг тарбияси ва киборлигига бориб тақалишини унутамиз. Кибор, аристократ киши билан телефонда гаплашиш ҳам у билан бевосита суҳбатда бўлишдан фарқ қилмайди. Чунки кибор киши телефонда юзи кўринмаяптику, деб кўнглига келган қилиқни телефонда гаплашаётган кишига қилмайди.

Ҳа, телефонда гаплашиш санъати кейинроқ тарқалган мулоқот санъатларидан бири. Аммо у умумий мулоқот санъатидан узилиб чиққан ёки осмондан тушган эмас. Ки-

бор одам билан бевосита гаплашиш ва телефонда гаплашиш аслини олганда унчалик фарқ қилмайди. Мана бу мулоқот нормаларини болаларимизга, ёшларимиз тажрибасига сингдириш эса бугуннинг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Мана шу мулоқотнинг маданий, киборлик нормалари ёшларимизга сингдирилса улар дарс пайти ёки аудиторияда домланинг маърузасини бузиб телефонда гаплашмайди. Бу ўринда болаларга телефон олиб бериш ёки олиб бермаслик масаласи ҳам кўтарилмайди. Ахир телефон фақатгина алоқа ва бошқа коммуникация воситаси холос.

Халқ маданияти, тарбия ва тарбиянинг бир қисми бўлмиш инсон хулқини шакллантириш йўналишидаги абадий мавзулардан бирини, киборлик, аристократлик руҳини ёшларимизда тарбиялаш масаласини бошлаб қўйганимга ўзим ҳам унчалик хурсанд эмасман. Чунки буни кўпчилик ёқтирмаслиги ёки “мана бошқаларга ақл ўргатувчи ҳам топилипти”, дегувчилар чиқиши, энг бўлмаганда бу йўналишда фикрловчи бир неча нусхасининг топилиши турган гап. Аммо шу халқнинг, шу миллатнинг бир оддий вакили сифатида кўнглимдаги бу гапларни айтмасдан туролмадим. Бу билан бирон кишини хафа ёки мулзам қилмоқчи эмасман. Жаҳоннинг энг қадимий халқларидан бири бўлмиш туркийлар ва уларнинг асосий бўғинларидан бири биз ўзбеклар бугунги кундаги жаҳон тамаддунининг юқори поғоналаридан ўрин олишимиз, аслини олганда ўзимизнинг ўрнимизни қайтадан эгаллашимиз зарурлиги ва бунинг вақти келганлиги мени ушбу фикрларни қоғозга туширишга чорлади

ВУНДЕРКИНД, ИНДИГО, ДАҲО БОЛАЛАРНИ ТАРБИЯЛАБ БЎЛАДИМИ?

Табиат қанчалик сирли бўлиши билан бир пайтнинг ўзида ҳар бир ота ва онага уларнинг ўзларига фарзандлари ҳам алоҳида сирли бир олам бўлиб қолаверади. Қизиғи шундаки, ҳар бир ота-она ўз боласини бошқаларнинг болаларидан бошқачарок, бошқаларникига ўхшамаган

ҳолда кўриши ҳам табиий. Ушбу ўхшамаслик боланинг ўз отаси ва онасига ўхшашлигидан бошланиб, бу ота ва онага ўхшаши билан бошқаларга, умуман ҳеч кимга ўхшамаслиги ҳам аниқ.

Демак, бизнинг боламиз бошқаларникидан яхшироқ, ақллироқ ва у албатта бошқача, ҳаммадан устун бўлиши керак деган тушунча, тилак ва истак ҳам уларнинг фикрида бўлавереди ва бу ҳам табиий ҳол.

Ижтимоий жамиятнинг бир бўғини бўлган бу ота ва она ўз фарзандини мана шу ижтимоий жамиятда энг юқори поғоналардан бирини эгаллашини хоҳлаши ҳам уларнинг мана шу ички туйғуси билан боғлиқ истак, Ғаззолий тили билан айтганда шу бола орқали улар ҳаётда, яшашда, ўзлари етишмаган нуқталарга эришиши, абадий тирик қолишда давом этиш иштиёқи билан боғлиқ.

Шундай экан, бизнинг оиламизда туғилган бола бошқаларникидан фарқ қиладими. Ахир инсонлар фарзандлари бир-биридан минг, миллиондан бир унсурлари билангина фарқ қилади. Сиз ўзингизга ўхшаган одамни жаҳондан изласангиз миллиондан, миллиарддан бирида учратишингиз мумкин ёки умуман учратолмаслигингиз эҳтимолга яқинроқ. Демак, жаҳонда энг ақлли ва даҳо, охирги пайтларда яна бир атама билан аталаётган индиго, нилий болалар қаердан пайдо бўлаяпти ва умуман даҳо инсонни табиат берадими ёки уни оилада тарбияласа ҳам бўладими?!

Ҳар дақиқада жаҳонда тахминан 261 бола дунёга келар экан. Бу деган сўз жаҳонда бир суткада 375-376 минг бола туғилади. Шулар орасида айнан сизнинг болангиз даҳо, келажакда жамият ва умуман жаҳонда энг, энг бўлишини хоҳлашингиз жуда камтарлик билан айтганда табиийдир.

Фарзандингиз туғилган пайтида олам юлдузлари қандай айланганлигини мунажжимлар айтиб бериши ёки туғилиши олдидан қандай бўлишини башорат қилиши ҳам мумкин. Аммо ўйлаб кўринг, биз билган даҳолар туғилган пайтларда юлдузлар қандай айланган бўлса, ахир улар туғилаётган пайтда бошқа яна 260 бола ҳам туғилган эдику. Демак, сизнинг фарзандингиз туғилган

пайтда юлдузларнинг қандай айланганлигидан кўра сизнинг оилангизда бу бола туғилганида оилавий муҳит, сизнинг дунёқарашингиз, болангизни ким қилиб тарбиялашдаги оддий ҳаракатларингиз ва бу йўналишда шу бола туғилгандан кейинги, аслида у туғилганга қадар қанчалик сурункали, узлуксиз қилган ҳаракат ва ишларингиз ва айниқса ирсий генофондингиз бу боланинг ким бўлиб етишиши учун кўпроқ амалий аҳамиятга эга эканлиги ёдингизда бўлсин.

Болангизнинг соғлом, ирсий касалликларга чалинмасдан туғилишига сиз ва жуфтингизнинг ирсий ва жисмоний соғлигингиз, муҳаббат билан оила қурганликларингиз, бола туғилишига тайёргарлик пайтида соғлом ҳаёт тарзингиз, дастурхонингизнинг тугаллиги ва тўқислиги қанчалик аҳамиятга эга эканлиги янада каттароқ аҳамиятга эга.

Дунё даҳоларининг туғилиш статистикасига қарасак жуда оддий ҳолатларни кўришимиз мумкин. Уларнинг жуда кўпчилиги ўқиш тугаб, баҳор бошланишида феврал, март, апрел ойларида туғилганлигини кўрамыз. Бунинг аслига қайтадиган бўлсак улар албатта ёз ва куз ойларида ҳомила қилинган. Бу ҳолатга моддиончилар кўзи билан қарайдиган бўлсак бу пайтда ота ва онанинг маълум маънода витаминларга бой махсулотлар билан озикланганлигига эътиборингиз тортилади. Ҳа, бу ҳолатга, буёғи Тангрининг иши, деб ҳам қарашимиз мумкин. Аммо Тангри ҳам ҳаракат қилганингга баракот бераман деганини унутмаслик керак. Ҳозирги медик ва психологлар сизга ўта ночор, носоғлом ва бошқа моддий ва маънавий камчиликларга эга оилада соғлом бола туғилиши жуда қийин масала эканлигини минглаб мисоллар билан тасдиқлаб беради.

Яна бир нарсага эътиборингизни қаратмоқчиман. Албатта, бу статистик келтирилган маълумотлар кўпроқ илгариги замонларга, қадимиятларга кўпроқ тўғри келади. Чунки у пайтларда одамларнинг ҳаёти табиат билан кўпроқ чамбарчас боғлиқ бўлган. Ҳозирги кунда бўлғуси оналар ва оталар ўз озукавий витамин ингредиентлар таъминотида камчиликларни бутун йил давомида кўрмаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Энди, оилада яқинда туғилган иштонсиз даҳолар тарбиясига келадиган бўлсак, улар албатта бошқалардан бироз ўзгачароқлигини сеза бошлайсиз. Улар маълум бир йўналишда ақллироқ, чидамлироқ, барқарор ҳаракат қилувчилар бўлишади. Шу билан бир вақтнинг ўзида биз ўзимиз талаб қилган ишларни бу бўлғуси даҳоларнинг ба-жармаётганлигини кўриб ва бошқа сабабларга кўра айнан мана шу ўжарларни дангасаликда, ялқовликда, ҳатто ақли камликда айблашимиз ҳам мумкин ва кўпинча шундай ҳам бўлади. Мактабда уларнинг кўпчилиги бошқалардан туртки еб, ўқитувчилардан дакки эшитиб юрадиган бўлишади. Маълум маънода уларни тенгқурлари “жинни”, “девона”, “телба” ва бошқа шунга ўхшаш атамалар билан ҳам аташади. Шундай ҳолларда Машраб девонани ёки шоир Убайдийнинг мана бу “Ошиқ эрмастур киши, девона бўлмаса”, қаторларини эслайсан киши.

Бизнинг ҳали-ҳамон секин ўзгараётган тарбия ва таълим тизимимиз ўртамиёналарга қаратилган бўлиб, даҳолар тарбиясига ўрин қолдирмайди. Мактабда сал бошқачароқ фикрловчи болалар тенгқурлари томонидан тезроқ сезилади ва бу ҳолат кўпинча ўқитувчилар назаридан четда қолади. Тенгқурлар эса уларни тез сезишади ва дарҳол улар томонидан мазах қилинади ва қарабсизки бўлғуси даҳолар бир умр ўз фикрларини бошқалар олдида айтмайдиган бўлиб қолишади, уларнинг фақат баъзиларигина кейинчалик ўз фикр йўналишларини каттар бўлганларида ҳам давом этдирадиган ва бирон каттароқ натижага эришадиган бўлишади. Қарабсизки, иқтидорли болалар фоизи янада камайиб ҳозирги дунёвий кўрсаткичга, яъни 4-5 фоизга тушиб қолади. Айни мана шу ҳолнинг ўзи бизнинг болаларимиз орасидан жамият ва фан илғорларининг чиқмаётганидан дарак бермаяптими.

Шундай экан, бўлғуси даҳо, иқтидорли болаларни қандай ёшлигидан, оилада илғаб олиб, улардаги бу иқтидорни ривожлангирса бўладими? Бугунги кунда ҳар бир нарса ва ҳолатни ўлчаса бўлади ва шу маънода олимлар аллақачон ақл ва идрокни, иқтидорни ҳам ўлчаш иложини топишган. Иқтидор, IQ кўрсаткичи 100 ва шу рақам

атрофдагилар нормал кишилар, агарда IQ кўрсаткич 110, 120, 130 ни кўрсатса бу кишилар иқтидорли, талант ва даҳо даражасида дейилади.

Тўғри, тест кўрсаткичларига яхшигина тайёрланса, болангизни тайёрласангиз ва бу орқали юқори натижаларни кўрсатса бўлади. Аммо, иқтидорнинг маълум йўналишдаги юқори кўрсаткичларини ҳамма ҳам ўзлаштириб ололмайди. Айнан мана шу, айтайлик, фаннинг алоҳида йўналишларида бу болаларнинг ёшлигиданок қизиқишлари юқори бўлганлиги, изланишлар олиб борганларини кузатиш мумкин. Уларнинг мияларини доимо ўзлари ўйлаб юрган муаммолари “қичитиб” тинчлик бермай юрганини кўриш мумкин. Бу ўринда биргина мисол. Маълумки, Блез Паскал оилада касалманд, ориққина бола бўлган. Бир куни у 11 ёшида ошхонадан келган қаттиқ жаранглаган овоз эшитади ва кейинчалик бу овозни турли хилдаги нарсалар билан такрорлаб кўради ва қарабсизки бир қанча вақтдан кейин ўша бола товушнинг тўлқин назариясини яратади.

Биз ҳаммамиз бирор тўсикка учраганда унинг ечимини қандай излашимиз билан бошқалардан фарқ қиламиз. Ҳар бир бола ҳам ёшлигидан мана шу фикрлаш тарзи билан бошқа болалардан фарқ қилиб боради ва бу йўналишда уларга қанчалик вақтида ёрдам берилса улар шунчалик тезроқ тўсиқ ва олдига келган муаммоларга мантиқий ечим излашлари билан фарқ қила бошлайди. Бу ўринда мулоқот, овоз чиқариб қилинадиган мулоҳазалар, ўзаро фикр алмашувлар, болага у қизиққан йўналишда маълум тўсиқларни сунъий равишда уюштиришлар ушбу боланинг бу йўналишдаги мантиқий фикрлаш амалиёти учун ниҳоятда катта аҳамият касб қилади. Демак, биринчи ўринда боланинг онаси, бола билан тинмай мулоқотда бўлиши ва онанинг ўз боласини тинмай кузатиши ўта зарур ҳолдир. Нима учун биз атайлаб онани тилга олаяпмиз, ҳаммага тушунарли бўлса керак. Чунки она бола билан отага қараганда жуда кўп вақт бирга бўлади. Энди кузатувчи онанинг болага нисбатан ҳамма айтган ва зарур бўлган

нарсаларини тайёрлаб бериши бу албатта отага боғлиқдир. Шундай экан она болага унинг ёшига қараб кубиклар олиб келинг, деса ота албатта унга велосипед олиб келиши керак эмас. Ота ва она бола тарбиясида бир йўналишда мутаносиб фаолиятда ва фикрлашда бўлгандагина бола тарбияси нуқсонсиз кечади.

Баъзи оилаларда кўпинча бунга ўта зид фикр ва амалларга дуч келасиз. Ота боласини спортчи, боксчи қилиб тарбияламоқчи бўлиб уни стадион ва спорт залларга етакласа, она арзандасини мусиқа мактабларига етаклайди ва натижада ушбу боладан на спортчи ва на мусиқачи етишиб чиқмайди.

Оилада бу иштонсиз даҳоларни тарбиялаш энг осон ва энг қийин юмушлардан бири бўлиб кўпинча ота ва оналар ҳатто бу иш билан алоҳида умуман шуғулланишмайди. Ваҳоланки, ҳарқандай даҳоликнинг тагида улкан ва тинимсиз меҳнат,(бошлаб ота ва она томонидан бола билан ҳамкорликда ва кейинчалик боланинг ўзи томонидан, албатта бу бола мустақил меҳнат қилишга ўргатилсагина) кишининг шахс сифатида ўз устидан ғалабаси ётишини унутмаслик керак.

Болангиз даҳо, талант ва иқтидорли бўлиб етишиши учун нафақат мана шу иш ёқмас арзандангиз, айниқса сизнинг ўзингиз у билан жуда катта меҳнат жараёнини босиб ўтишингиз шарт. Акс ҳолда сизнинг болангиз бошқаларнинг боласидан бирон томони билан фарқ қилмайди. Агар сиз у билан умуман шуғулланмасангиз, қарабсизки, ё бирор дангаса, ёки бирор безори фарзандга эга бўласиз. Бундай бўлишини ҳеч бир ота ва онанинг хоҳламаслигини билган ҳолда айтишимиз мумкинки, ўз фарзандингиз ҳаётда бирон чўққига эришишини хоҳласангиз, фарзандингиз даҳога, талант ва иқтидорли бўлиб сизнинг номингизни ҳам дунёга танитишини хоҳласангиз, буни хоҳлашингизни биламиз. Демак, болангиз билан бирга меҳнат фронти томон олға. Сиз албатта эришасиз, сизнинг болангиз ҳам бўлғуси даҳодир. Бунга сизда хоҳиш ва болангизда бутун имкониятлар бор.

ИҚТИДОР ВА УНИНГ ТАРБИЯСИ

Бизнинг тилимизда онг, ақл, фаросат, иқтидор, қобилият, тушунмоқ, англамоқ уқмоқ ва умуман инсон заковатини билдирувчи сўзлар жуда кўп. Аммо уларнинг қай бири ҳозирги замон психология фанидаги атамаларга тўғри ва тенг келиши, тенглиги ҳақида бизнингча тилчилар психологлар билан биргаликда алоҳида илмий излашнишлар олиб боришлари керак. Биз бугун ушбу мақолада инсон иқтидори ҳақида гап юритар эканмиз, демак бу атамаларнинг қай бири илмий психологиядаги лотин тилидан олинган интеллект – тушуниш, англаш, уқиш каби тушунчаларни берувчи атамадан фойдаланамиз.

Яна бир масала, психологларни жуда кўп йиллар давомида қийнаб келган бир савол, инсон шахсидаги унинг хусусияти бўлмиш ақл, иқтидор, қобилият ва талантни ўлчаб бўладими деган савол бўлади. Бу саволга жавоб беришга жуда кўп олимлар уриниб кўрган ва ишонч билан айтиш мумкинки, унинг тўлиқ ечими ҳалигача топилгани йўқ. Шунга қарамасдан бу уринишларга йигирманчи аср вакили француз ва инглиз олимлари Бине ва Х. Ю. Айзенклар бир қадар аниқлик киритиб кетишди.

Мана XX асрда IQ – русларда интеллект коэффиценти, бизнингча ақл кўрсаткичи тушунчаси жуда кенг қўлланиладиган бўлди.

Биз ёшлар, айниқса болаларга нисбатан “иқтидорли болалар” атамасини кенг ишлатамиз. Бу иборани нимага таяниб шундай деймиз. Одатда бу иборани ўз ёшига нисбатан билими ва кўникмалари жиҳатидан бошқаларга, тенгқурларига қараганда илгарилаб кетган болага, ёшга айтилади. Психологлар боланинг ҳар бир ёшида қандай билимларни билишини аниқлашган, демак мана шу нормани ошириб бажарган болани иқтидорли бола деб аташ мумкин.

Иқтидорли бола атамасини биз умумий қилиб олдик. Чунки фанда бошқа атамалар, жумладан қобилиятли, ақлли, иқтидорли каби бошқа атамалар ҳам кенг ишлатилиб келинади.

Айни мана шу инсон аклини, қобилиятини бир қадар ўлчамга олиш масаласида Айзенкнинг хизмати катта. Айзенкнинг ҳисоби бўйича 70 бирликни кўрсатган киши минимал иқтидорли, ундан ками акли заифлар қаторига кириши айтилади. 180 бирликни кўрсатган киши максимал кўрсаткичга эга бўлиб ўртача кўрсаткич ҳар бир кишида 100-120 бирликда бўлар экан.

Психология фани ва ундаги изланишлар натижасига қараганда 12-13 фоиз болаларда иқтидор кўрсаткичи ўртачадан юқори бўлади. Бу умумий кўрсаткич бўлиб баъзи болаларнинг техник, мусиқий, жисмоний, адабий ва бошқа кўрсаткичлари қўшиб ҳисобланганда 30-32 фоиз болаларда иқтидор кўрсаткичи ўртачадан юқорилигини кўрамыз.

Шахсдаги маълум қобилиятлар, кўникма ва имкониятларнинг фаолиятдаги умумлашиб бошқалардагига қараганда юқорироқ даражада намоён бўлиши иқтидор бўлиб у биринчи ўринда ирсий имкониятлар билан боғлиқ ҳолда соғлом, ижобий ижтимоий муҳитда шаклланади. Бу ўринда ирсий имконият қанчалик катта бўлмасин у маълум ижтимоий муҳитга тушмаса ёки ижтимоий муҳит қанчалик ижобий бўлишига қарамадан шахсда ирсий имконият табиатан берилмаган бўлса, бундай шахсларда юқори иқтидорни кўриш қийин.

Демак, иқтидорли шахсда маълум ирсий имкониятлар табиатан берилган бўлиб унинг ушбу имконияти маълум ижтимоий муҳитда шаклланиши лозим.

Психологларнинг кузатиши шуни кўрсатадики буюк, иқтидорли, талантли инсонларнинг тарихдаги ва жамиятдаги намоёндаларининг ота-оналари, тарбиячилари, уларни шу йўлга бошлаган шахслар талантли бўлишган. Баъзан шундай ҳам бўладик каттагина ирсий имкониятларга эга бўлган бола ота-онасидан эмас баъзан тарбиячисидан, баъзан эса айни ижтимоий муҳит талабидан келиб чиққан ёки шу ижтимоий талабга жавоб берган ҳолда ўзида катта иқтидорни шакллантиради, талантли инсон бўлиб етишади.

Бу ўринда Алишер Навоийнинг оилавий муҳитини ва унинг ёшлигиданоқ кўплаб шеърларни ёддан билиши, Пушкиннинг энагаси Арина Родионовнанинг таъсири ва бошқа мисолларни келтириш мумкин.

Биламизки, табиатан минглаб катта ирсий имконият-ли болаларнинг ижтимоий муҳит йўқлиги натижасида бирон кўзга кўринарли натижаларга эриша олмаганликларини ёки ўзида ирсий имконияти чекланган болаларни баъзи ота-оналарнинг турли мактаб, курслар ва бошқа тўғарақларга етаклаши бирон сезиларли натижа бермаганликларини кўплаб мисоллар билан ёритса бўлади. Аммо юқорида келтирган рақамларимиздан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 65-75 фоиз болалар ҳаётда катта натижалар кўрсатиши мумкинлиги кўринади.

Албатта ота-онанинг ижтимоий мавқеи, билим даражаси ва айниқса бола учун муҳим бўлган ирсий имкониятлари болага таъсир қилмай қолмайди ва буни психологиядаги илмий изланишлар натижаси кўрсатади. Бу ўринда ёш авлод учун ирсий имкониятнинг алоҳида таъкидланишини эътибордан қочирмаслик керак.

Иқтидорли болалар ҳақида гап кетганда кузатувчилар шунини таъкидлайдиларки, уларда соғлиқ, жисмоний ўсиш нормал ва ҳатто яхши бўлади. Ақлий куч-қувват имконияти, ҳаракатчанлик, асаб тизимларининг нормаллиги сезиларли даражада бошқаларга қараганда юқорирок бўлар экан.

Иқтидорли болаларда умумий фаросатчанлик, мослашувчанлик, психик тараққиётининг бошқаларга қараганда устунлиги, ҳаракатчанлик, фаолиятчанлик ва мулоҳазакорликнинг юқорилиги, баъзан ҳатто флегматик кўринишларда ҳам намоён бўлиши мумкин экан.

Шу билан бирга айтиш керакки, иқтидорли бўлиш учун фақатгина мана шу кўрсаткичлар, айниқса биологик, яъни ирсий кўрсаткичгина асосий ролни ўйнайди, деб айтиш мумкин эмас. Иқтидорнинг тўлиқ намоён бўлиши учун албатта маданий, ижобий тарбиявий муҳитнинг шартлиги таъкидланади. Акс ҳолда ирсий имконият маълум маънода бошқа йўналишларга қараб йўл очади ва шахс, айтишлик, спортда, маълум бирор касбда, формал ёки ноформал

гуруҳларда етакчиликда намоён бўлиб асл кутилган натижаларни бермайди.

Иқтидорли шахс ва иқтидорли бўлиб етишиш белгиларига келсак шахснинг билим, билишга қизиқувчанлиги, доимо ўзига ўзи муаммо ва иш топиб уларни ҳал қилиш муаммосида юриши, доимо қандайдир саволларга жавоб қидириб, бошқаларга қараганда кўп китоб ўқиши ва айниқса ақлий фаолиятчанлиги асосий белгилардан бўлиб хизмат қилади. Кўриниб турибтики, шахсдаги бу белгилар ва фаолият биринчи навбатда оилада кўринади ва у ўз имкониятини, фаолият майдонини айнан мана шу оилада топиши шарт. Ёшлигида бундай имкониятларга эга бўлмаган болада кейинчалик иқтидор ва имкониятлар қанчалик кўп ишга солинмасин у қотиб, кечикиб улгурган бўлади.

Иқтидорнинг намоён бўла бошлаганини шахснинг ўз фаолиятини жиддий таҳлил қила бошлаганидан, белгиланган фаолиятни олдиндан режалаштиришларидан, ушбу режаларни кичик-кичик тажрибалар орқали синаб кўришларидан, ўз олдига аниқ мақсадлар қўя бошлаганидан, ҳамма ҳаракатларини мана шу мақсад ва бошланган фаолиятга бўйсундира ола бошлаганидан ва ўз устида доимий ички назорат орқали ўзини кузата билганидан кўриш мумкин.

Бу ҳаракатларнинг ташқи белгилари бўлиб кўп китоб ўқиш, маълум конспектлар, чизгилар, ёзмалар, кўчирмаларнинг юритилиши, ўз ёшига нисбатан тўғри келмайдиган илмий асарлар, илмий асбоблар билан қизиқишлар, илмий йўналишдаги конспектлар тузиш, кўчирмалар, иқтибослар йиғиш ва адабий асарлар ёзишга киришишлар бўлиши мумкин.

Бундай иқтидор имкониятлари кўрина бошлаган болаларни тарбиялаш, уларни янада юқори поғоналарга етаклаш алоҳида катта муаммо бўлиб мана шу муаммонинг ўрта ва бошланғич мактабларда ўз ечимини топмаганлигидан минглаб иқтидор эгалари кейинчалик оддий инсонлар даражасида қолиб кетади.

Масаланинг қийин ва чигал томони шундаки, оилада иқтидор куртаклари кўрина бошлаган болаларни одат-

да ота-оналар турли репетиторларга етаклай бошлашадида улардаги имкониятларини анча ўстиради, иқтидор куртаклари шаклланиб қолади. Бундай болаларни албатта ҳаммага, айниқса ўртамиёна иқтидорли болаларга мўлжалланган умумий бошланғич ва ўрта мактабларга беришадида у ерда улар ўз иқтидорлари етиб улгурган поғонадан илгарилаб кетиш ўрнига ўртача, ҳатто баъзи ҳолларда ўртачадан ҳам пастроқ иқтидорли болалар муҳитида билим олиш вазиятига тушиб қолади. Натижада ўз вақтида олган билим ва имкониятлари билан мақтанишга тушади, бошқалар ҳали уларнинг орқаларидан етолмайди-гандай тасаввурда бўлиб ўз устиларида ишлашни сусайтиради. Қарабсизки, натижада ўсиб келаётган иқтидор энди оддий кўримсиз ҳаммамиёнага айланиб қолади.

Мактаб шароитида ўқитувчилар бундай иқтидорли болалар билан алоҳида ишлашлари лозим. Аммо ўқитувчи нима ҳам қилсин. Ахир у кўп деганда синфдаги ўртамиёна болаларга таяниб дарс ўтади. Аслини олганда синфдаги иқтидори паст болалар синф фаолиятини орқага тортиб асосий вақтни айнан мана шулар олиб кўяди. Идеал ҳолатни оладиган бўлсак ўқитувчи ҳар бир дарсида уч йўналишда дарс ўтиши керакка ўхшайди. Яъни, дарсни аслида иқтидори паст болаларга тушунтириши керак, бу ҳолатни ўртамиёна иқтидорли болалар даражасига кўтарганда дарс сифати анча ўзгариб бунда иқтидори пастроқ болалар энди дарсдаги вазиятни тушунмаётгани аниқ бўла бошлайди. Ўртамиёна болаларга тушунарли бўлиб турган дарс аслида иқтидори юқорирак болалар учун зерикарли бўлиб улгуради. Агар бу ҳолатни ўқитувчи инobatга олган ҳолда иқтидорли болаларга таянган ҳолда дарс ўта бошласа, синфнинг ярми, яъни иқтидори пастроқлар ва ўртамиёналар дарсни умуман тушунмай қолади. Илгарилаб кетган иқтидорли болалар энди ё зерикади ёки ўз имкониятларини йўқотиб улар ҳам ўртамиёналар даражасига аста-секин тушиб кела бошлайди.

Оддий ўқитувчилар тили билан айтганда “иқтидорлар сўлиш” жараёни бошланади.

Бу шароитни қандай қилиб тузатиш ёки иқтидорли болаларни тарбиялашни қандай қилиб яхшилаш масаласига келсак, аслини олганда бу муаммо ҳам жаҳон ҳаётий ва таълим тарбия тажрибасида аллақачон ҳал қилиниб қўйилган масаладир. Чет эл мактаблари, айниқса хусусий мактаблар болаларни синфга қабул қилиш пайтида уларни синовдан ўтказишади, яъни, юқорида биз айтиб ўтган Айзенкнинг IQ ақлўлчагич тестини қўллашади ва маълум коэффициент рақамни синовда ололмаган болани мазкур синфга қабул қилишмайди. Шу билан ҳар бир синф ўқувчиларининг маълум маънодаги ақлий тенглиги белгиланади ва бу ҳолат ўқитувчиларга дарс ўтиш жараёнини осонлаштиради, иқтидорли болаларни илгари етаклаш имконини яратади.

Олий таълим тажрибасида ҳам ўқитувчилар асосан юқори иқтидорли, билимга интилувчиларга суяниб дарс ўтишади ва бу ҳолни биз талабаларнинг кўпчилиги белгиланган марраларни эгаллаб боришида, баъзи иқтидори пастроқ талабаларнинг бир неча йиллаб бир курсда, бир институтда ўқиб юрганлигида кўришимиз мумкин.

Шундай экан биз ҳам ўз таълим-тарбия жараёнимизга, айниқса иқтидорли болаларни тарбиялаш тажрибамизга жаҳондаги илғор тажрибаларни тезроқ киритишимиз лозим.

АЛПОНА РУҲ ТАРБИЯСИ

Биз бугунги кунда йигитлар орасида жисмоний куч қудратнинг қадрсизланиб бораётганидан изтироб чекишимиз алоҳида мавзуга айланмоқда. Сабаби, жамиятимизда қизлар боксга тушиб, футбол тепаётгани, айрим эр йигитларнинг аёлини қоп кўтартириб шаҳарма шаҳар юришига имкон яратиб, ўзлари уй-рўзғор юмушларида банд бўлганча кечалари болаларига нўноққина алла айтаётгани бугунги куннинг таниш манзарасига айланмоқда. Аммо табиатан инсон ирсиятига жойлаштирилган буюк имкониятлар, жумладан, эркак ва аёлнинг физиологик фарқи инкор этилмаслиги лозимга ўхшайди.

Маълумки, физиологик жиҳатдан қиз болалар ёшликда ўсиш жараёни бўйича йигитлардан илгари юради. Қизиги, бора-бора йигитлар қизлардан кейинчалик ўзиб кетади, куч ва қобилиятда қизлар уларга етолмайди. Чунки, ҳаёт ва жамият эркакларни доимий мусобақага, ҳамбастлик, ҳаётда дуч келадиган кучларга мен бас кела оламан, деган руҳда тайёрлайди. Бу руҳнинг синиши эса ҳар бир йигитнинг ожизлашувига, кейинчалик жамиятнинг кучсизлашувига олиб келиши муқаррардир.

Шу ўринда бир мисол келтирсак. «Москва кўз ёшларга ишонмайди» фильмидаги Гоша ўз жамоасида ўта эъзозли, эътиборли мутахассис, унинг ғолиблик руҳи шахсиятида юқори даражада. Воқеа шунга олиб келадик, Гоша севиб қолган аёл ундан лавозим, мавқе, маошда ҳам устун чиқади. Демак, у аёл киши олдида ўз ғолиблигини исбот қилолмайди. Бундай ҳолатда Гоша нима қилади - уч кун ичади. Хўп, буни рус одати, рус менталитети, дейлик. Биздани? Бизда ҳам мағлубликни ҳеч ким ёқтирмайди, бизда ҳам Абдулло Қодирийнинг “Ўтган кунлар” асарининг бош қаҳрамони Отабек сингари бошқалар ҳам ширакайф ҳолатда «Қайтиш куйини чалингиз» дейишади. Демак, бу эпизод психологик жиҳатдан жуда муҳим омил. Ушбу мисоллардан кўриниб туриптики, эркаклардаги алпик руҳи табиий ҳолдаги умумий тушунча десак бўлади. Айни шу руҳни ёшларда алоҳида тарбиялаш нафақат алоҳида бир шахс учун, ҳаттоки бутун миллат учун ҳам катта аҳамиятга эга. Бу ўринда бизнинг миллатимиз руҳидаги баъзи тушкунлик кайфиятининг мустақиллигимиздан кейин шиддат билан чиқиб кетаётганлигини кўриш мумкин. Ўз вақтида Марказий Осиё халқлари ҳарбий хизматларга жалб қилинмаган ва бунинг натижасида бизнинг халқимизнинг руҳидаги жанговарлик руҳи ҳамюртларимизнинг шахсий хусусиятларида маълум маънода султалашганлигини кузатиш мумкин эди.

Хуллас, эркаклар табиатидаги ҳамбастлик руҳи мағлубиятни кўтара олмайди. Демак, йигитларни ушбу қийинчиликларни, мағлубиятларни кўрқмасдан, «ичкиликка» берилмасдан қарши олишга тайёрлаш керак. Ўғил болаларга фотиҳлик руҳи улар ёшлигида ўйинчоқ ўйнаётган

пайтларидаёқ сингдирилмас экан, кейинги уринишларнинг натижаси ўта паст бўлади. Бола тарбиясида унинг эркинлигини таъминлаш бизда анча нохуш кўринишларни олган. Биз болаларимиз то фалон ёшга боргунича уларга эркинлик борасида имкон ва имдод бермаймиз. Нимагадир, ҳаммамиз йигитларнинг уйланганидан кейин, ҳатто баъзилари уйли-жойли бўлганидан кейин ҳам, ўз катталаридан эркинликни қўлга кирита олмай, катталарнинг ёрдамисиз бирон ишни бошқара олмай уларнинг оғзига қараб юрганига кўникиб кетганмиз. Ҳозирги замон ёшларимиз оммавий равишда Авестодагидай маълум маросим орқали 15 ёшга келиб, белига белбоғ боғланишига, жамиятда ўз сўзини айта олишига тайёр эмаслигини кўрамиз. Бизнингча, бунинг сабабларидан бири ҳозирги амалдаги мажбурий таълим тизимининг фалсафаси ва унинг бирқанча чўзилганлиги ҳам ўз таъсирини кўрсатаётганга ўхшайди. Чунки, кўпгина давлатларда мажбурий таълим бирқанча эртароқ тугатилиб, ёшларнинг илм олиш ва ўзи учун йўналиш танлаш пайти илгарироқ эканлигини кўрамиз. Уларда ҳам таълим йиллари салкам шунча бўлишига қарамасдан йўналиш танлаш имконияти илгарироқ берилди ва бу ҳолат ёшларнинг эртароқ улғайишига ўз таъсирини кўрсатади.

Эркак доимо ўз ғалабаси билан мағрурланиб, ўз ғалабаси билан ўсиб яшайди. Ғолиблик, фотиҳлик, ҳамбастлик каби алпона тушунчалар боланинг ирсий руҳига эркинлик туйғусидек сингдирилмаган эркак ўзидан устунроқ кизга эмас, ҳатто ўзига тенгроғига ҳам гап қотишу, уйланишдан қўрқиб туради. Аксинча, ғолиблик, ҳамбастлик руҳи кучли йигит ўзига ёр танлашда ҳам аёллардаги айёрлик, шўхлик, гўзаллик ва бошқа ижобий ва салбий хислатларни теран англайди, сўнг ўзини яна бир бор ғолибликда ич-ичидан мақтайди ва бу билан ғурурланади, келгуси марраларга интилади.

Эр аёл билан, аёл эр билан доимий мусобақада, бир-бири билан ҳамбастлик излаб яшасагина, улар ўз ҳаётларини қувончли ва бахтли курадилар. Акс ҳолда эр ҳар қандай имконият пайдо бўлган пайтда бошқа бир аёл устидан ғалаба қозониш йўлини кўзлайди. Бу ҳис унинг

ирсига табиатан жойлаштирилган. Шунинг учун «Мен хотинимни ишлатмайман, у менинг болаларимни боқиб берсин» (телекўрсатувдан олинган мисол), деган иборада аслида, шахс сифатида ўша аёлга нисбатан, қолаверса, ушбу шахснинг ўзига нисбатан мағлублик, гирромлик руҳи ётганга ўхшайди.

Демак, эркаклар кўп ҳолатларда қадимий хайкалтарош Пигмалион сингари ўз аёлларини, Галатеясини яратиш ва шу яратиш жараёнида улар устидан ғолибликни қўлга киритишлари лозим. Шундагина ҳаёт ўз кураши билан эркак ва аёлга, бизга жозибатор бўлади. Бу курашга эса, қийинчиликлар бор жойда уларни босиб ўтиш, қийинчилик йўқ жойда уларни ҳаётини чўккиларга эришиш йўлида излаб топиш ва ташкил қилиш, яъни ижодкорлик руҳини йигитларимизга сингдириш билангина жамиятимизни соғломлаштиришимиз мумкин. Ижодкорлик руҳи, кураш ва рақобатга чидамлик руҳи сингдирилган йигитларгина ҳақиқий мард, хотинчалишлик руҳидан озод бўлишади. Бу бола тарбиясидаги боболаримиздан қолган шарқона сирлардан бири саналади.

Боланинг руҳига ижодкорликни сингдиришнинг индаллоси унинг эркинлигини таъминлашдан бошланади. Боланинг руҳига эркинликни сингдириш японлар, америкаликлар ва бошқа Ғарб ва Шарқ мамлакатлари халқларининг ҳаётини тарбиявий тажрибасида бугун ёрқин аксини топган. Улар болалар тарбиясида ман қилиш ва болани эркинлиги учун жазолаш йўлини тутмайдилар. Шунинг учун япониялик ва америкаликлар орасида бугунги кунда фанда, амалиётда, бизнес ва бошқа ҳамма соҳаларда эркин фикрловчи бизнесмен ва ижодкорлар жуда кўп ва бу ўша мамлакатларнинг ҳар томонлама ривожланишига олиб келмоқди.

Демак, биз ҳам ўз Алпларимизни тарбиялашда уларнинг ақлларини, биринчи ўринда руҳларини эркин қилиб эзгу ният, эзгу сўз ва эзгу амалда ижодкорликларини таъминлашимиз лозим. Бу ўринда қиз ва ўғил болаларнинг тарбияси алоҳида-алоҳида, уларнинг хусусиятларига қараб олиб борилиши заруратини исботлашга психологик

тушунчалар эмас, лўндароқ ва танишроқ бўлиши учун физиологик мисоллар келтириб ўтмоқчимиз.

Ўғил ва қиз болаларнинг бўйи уч ёшгача деярли барабар ўсади. Ўн ёшгача қиз болаларнинг ўсиши секин-аста сезилар-сезилмас илгарилаб борадида, ўн ёшдан ўн уч ёшгача қиз болалар ўта кескин ўсади. Бундай кескин ўсиш ўғил болаларда - 14-15 ёшга тўғри келади. Демак, ўн уч ёшли қиз бола ва ўн тўрт ёшли ўғил бола бир хил спорт ўйинларини бир хилдаги натижалар билан кўрсата олмайди. Оддий мисол, қиз ва ўғил болалар синфда жисмоний тарбия дарсида коптокни баскетбол ҳалқасига тушириш ўйинида қиз болалар чакконлик ва тўғри туширишда ўғил болалардан устун келишади.

Ўғил болаларнинг алпона тарбиясига ўта ижобий таъсир қиладиган муҳит ва мисоллар ҳаётимизда йўқ эмас. Бу ҳарбий ва ҳарбийлаштирилган билим юртлиридир. Уларнинг иш ва фаолият тажрибалари йигитларнинг руҳида жуда катта таассурот қолдиради. Ушбу билим даргоҳларидаги йигитларнинг руҳларида мардлик, жасурлик, эркакона фикрлаш, қиз-жувон, аёлларга нозик муомалада бўлиш кўпинча мавжуд муҳит ёрдамида пайдо бўлади. Айни шуларни инобатга оладиган бўлсак, мактабларда синфма-синф эмас, ўғил ва қиз болаларнинг ўзаро мусобақаларини алоҳида-алоҳида ташкил қилишлар яхши натижа беради, дейиш мумкин.

Йигитларнинг руҳида жисмонан, руҳан, ирсий устунликлар сингдирилгандагина улар шахсни ҳурмат қилиш, шахснинг имкон ва имкониятларини инобатга олиб муомала қилишга одатланади. Шундагина улар «Менинг хотиним уйда ўтириши керак, уларнинг иши фақат бола тарбияси», деб қизининг, аёлининг шахсини, ғурурини поймол қилмайди.

БОЛАДА ИЖОДКОРЛИКНИ ТАРБИЯЛАШ

Яқинда эндигина тўрт ёшга тўлаётган неварам Бойир билан Ғазалкентнинг “Чортоқ” номли сихатгоҳида дам олдик. Бу ёшда болалар жуда кўп гапирадиган, ҳамма нарса-

ни эринмасдан сўрайверадиган, ўзлари ўрганган билимлари доирасида янги-янги сўзларни ўйлаб топиш хусусиятига ҳам эга бўлишади.

Бир куни офтобда анчагина сайр қилганимиздан кейин хонага қайтишимизда учинчи қаватга кўтарилишда чарчаган Бойир:

Ота бошим яхши ишлаяпти-ю, негадир оёғим яхши ишламаяпти, деди.

Нимага ундай, десам, хонага чиккиси келмаяптида, деб жавоб берди.

Биз Бойир иккаламиз ҳар куни сиҳатгоҳ ҳовлисида сайр қиламиз, ҳовуздаги балиқларни томоша қилиб, ҳовуз сувини қоплаб қолган бақакўйлақларни тозалаймиз ва қайтишда Энага (бизнинг маҳаллий шевамизда бувини шундай, она ўрнига эна дейишади) сиҳатгоҳнинг минерал сувидан олиб келамиз. Умуман қиладиган ишларимиз кўп.

Неварам ётиш олдидан: менга элтак айтиб белинглай, деб ё менга ёки энасига, ойсига дадасига мурожаат қилади. Ким бўш бўлса у Бойирга ётиш олдидан айтиладиган эртакни бошлайди. Бу эртакларнинг кўпчилигини эшитавериб қулоғи қотган Бойир, одатда, эртакларни бирга ижод қилишга, бошқа томонларга буриб юборишга ёшлигидан ўргатилган ва ҳар бир эртакни ҳар куни бошқача-бошқача йўналишларда айтишга ва эшитишга ўрганиб кетган. Мана шундай эртакларнинг бирини биз Бойир иккаламиз бирга тўқидик. Сиз ҳам эшитиб кўрингчи, болалар.

Мен: бир бор экан, Бойир: бил йўқ экан. (Одатда, бу жумлаларнинг ярмини мен айтаман, ярмини Бойир айтади. Бу билан биз боланинг гапириш, фикрлаш маҳоратини ошириб борамиз.)

Мен: бир бор экан, Бойир: бир йўқ экан, мен: бир оч экан, Бойир: бил тўқ экан. Мен: бўри баковул экан, Бойир: тулки ясовул экан. Мен: қирғовул қизил экан, Бойир: қуйлуғи узуун экан. Мен: тошбақа тарозибон экан, Бойир: қулбақа ундан қализдол экан. Мен: узоқ ўтган замонда, Бойир: қишлоқ деган томонда, (Биз қишлоққа тез-тез бориб турамиз ва шунинг учун кўплаб эртакла-

римиз қишлоқда бўлган воқеалар билан боғланиб кетади. Воқеаларнинг қишлоққа боғланиб кетишида асосан Бойир ташаббускор бўлади.) иккита юлдуз бор экан. Мен: бири катта, Бойир: иккинчиси кичкина экан. Мен: катта юлдуз йўлда ўтиб бораётган экан, кичкина юлдузча ундан сўрапти, қаёққа бораяпсиз, катта юлдуз. Шунда катта юлдуз сув ичиб келишга, деб жавоб берипти. Бойир: сув ичишга болаётган бўлсангиз бизга ҳам сув олиб келиб белинг. Мен: хўп бўлади, идишингизни беринг. Бойир: ҳозил бутилижкани беламан, дейдида ўзининг сўзини эслаб кулиб юборади.

Мен: Каттаюлдуз булоққа бориб бутилижкасини сувга тўлдириб олиптида, секин йўлга чиқипти. Йўлда келаётса унинг олдидан, Бойир: Шерботир чиқипти. Мен: Ҳой Каттаюлдуз қаёқдан келаяпсан? Бойир: булоққа болдим, сув ичдим, кичкина юлдузга сув олиб келаяпман. Мен: мен ҳам жуда куннинг иссиғидан чанқадим, сувингдан менга ичишга берасанми?

Мен: шерботирга сув берамизми?

Бойир: ҳа беламиз. Мен: ма ичиб ол. Шунда Шерботир бутилижкадаги сувнинг ҳаммасини ичиб олиптида, раҳмат сенга Каттаюлдуз, депти. Каттаюлдуз бутилижкани олиб орқасига қайтиб яна уни булоқдан сувга тўлдириб йўлга тушипти. Бироз вақтдан кейин катта юлдузнинг олдидан, Бойир: Айиқполвон чиқипти. Мен: ҳой Каттаюлдуз, қаёқдан келаяпсан. Бойир: мен булоқдан сув ичдим, энди Кичкинаюлдузга сув олиб келаяпман, ҳозил йўлда шелботилни учлатдим, у чанқаган экан унга сув белдим. Мен: менга ҳам сувингдан берасанми: Бойир: ҳа беламан, ма ич. Мен: шунда айиқполвон сувни ичиб олипти ва бутилижкани яна қайтариб Каттаюлдузга бериптида, раҳмат сенга, Каттаюлдуз, депти. Мен: Каттаюлдуз яна булоққа сувга қайтипти, бутилижкасини тўлдириб, энди Кичкина юлдузга сув олиб бораман, деб йўлга тушипти. Шунда унинг олдидан, Бойир: чўлоқ бўри чиқипти. Мен: Каттаюлдуз қаёқдан келаяпсан, менга ҳам сувингдан бер, бермасанг ҳозир сени еб қўяман.

Бўрига ҳам сувдан берамизми?

Бойир: йўқ белмаймиз. Мен: шундай қилиб Каттаюлдуз чўлокбўрига сувидан бермапти ва йўлида давом этипти. Бироздан кейин Каттаюлдузнинг олдидан, Бойир: куёнча чиқипти. Мен: хой Каттаюлдуз, қаёқдан келаяпсан. Бойир: мен булоқдан сув ичдим, энди Кичкинаюлдузга сув олиб келаяпман, Мен: ҳозир олдимдан Шерботир чиқди, Бойир: мен унга сув белдим. Мен: яна сув олиб келаётганимда олдимдан айикполвон чиқди: Бойир: мен унга ҳам сув белдим. Мен: яна сув олиб келаётсам, олдимдан чўлок бўри чиқди. Сувингдан бермасанг сени еб қўяман деди. Бойир: мен унга сув белмадим, мен ундан қўлқмайман. Мен: менга ҳам сувингдан берасанми? Бойир: ҳа беламан, ма, ич. Мен: шунда куён ҳам сув ичиб Каттаюлдузга: раҳмат, депти. Мен: Каттаюлдуз яна кетаётса олдидан сичқонча чиқипти. Бойир: Каттаюлдуз қаелдан келаяпсан? Мен: мана, Кичкинаюлдузга сув олиб келаяпман, ўзим булоқдан сув ичдим, Бойир: йўлда Шелботил чиқди, унга сув белдим. Мен: айикполвон чиқди унга сув бердим. Мен: чўлокбўри чиқди унга сув Бойир: бермадим. Куёнча чиқди унга сув белдим. Мен: мана энди Кичкинаюлдузга сув олиб келаяпман. Бойир, ота, сув ичишга тўтиқуш ҳам чиқсин. Мен: хўп, майли, чиқақолсин. Бойир: шунда Каттаюлдузнинг олдига тўтиқуш чиқипти. Мен: Каттаюлдуз бутилижқадан тўтиқушнинг пиёласига сув куйиб берипти. Бойир: тўтиқуш сувни мазза қилиб ичиптида, раҳмат, раҳмат, депти.

Мен: кейин Каттаюлдуз сувини Кичкинаюлдузга олиб келиб берипти ва йўлда бўлган воқеаларни кичкина юлдузга айтиб берипти. Бойир: сув олиб келаётсам олдимдан Шелботил чиқди, унга сув белдим, айикполвон чиқди унга сув белдим, чўлокбўли чиқди, унга сув белмадим. Мен ундан қўлқмайман.

Мен: куёнга ҳам сув бердик, Бойир: тўтиқушга мен сув белдим.

Мен: Кичкинаюлдуз муздай булоқ сувини ичиб Каттаюлдузга катта раҳмат депти.

Бойир: ойижон, бизга ҳам сув белинг, ичиб кейин ух-лаймиз, ота иккаламиз.

Бугунги кунда замонавий эртақлар асосан телеэкранлар орқали мултфилмлар кўринишида болалар онгига сингиб боради. Аммо ота-оналарнинг ўз болаларига эртақлар айтиши жуда катта ўрин тутати. Аммо шу бугунги кунгача биз болаларимизга эртақлар айтамузу аммо бу жараёндан боланинг фаоллигини оширишда фойдаланмаймиз. Юқорида келтирилган мисолда айти шу ҳолат, яъни болага эртақ айтишда уни мана шу эртақ иштирокчиси, қатнашчиси сифатида фойдаланилади. Биз болаларнинг эртақ эшитиш ёшида уларнинг онглариининг ўта фаол пайти эканлигини унутмаслигимиз керак. Демак, бу ҳолатдан фойдаланиш йўллари жуда кўп, шулардан бири сиз айтиб бераётган эртақка болани ё шу эртақ қахрамони сифатида киритиш ёки уни шу эртақни айтишга ҳаммуаллифга айлантириш катта аҳамиятга эга бўлади.

Уч-тўрт ёшларда болалар телеэкранлардан турли мултфилмлар кўриб улгуришади. Сиз мана шу ҳолатдан фойдаланган ҳолда уларни эртақлар ижод қилишга ўргатиб борасангиз унинг ижодкорлик хусусиятини ўстириб борган бўласиз. Бу ҳолат боланинг кейинчалик ижодий туйғуси, ижод қилиш хусусиятларини ривожлантирганлигини кўрасиз.

БОЛАНИ УЯЛТИРМАНГ

Мактаб остонасига оёқ қўйиш ҳар бир инсон учун катта ҳаётий бурилишдир. Мана шу даврдан бошлаб болаликнинг энг беғубор онларига бир қадар чекланишлар кириб келади. Энди бола оилада нафақат баъзи оилавий бурчларни, балки, ўз шахси учун зарур бўлган хусусий вазифаларни бажариши шарт даврга ўтади. Бу билан унинг оиладаги роли бир қарашда камайгандай эмас, аксинча, кўпайган бўлади. Яъни у ўз обрўсини энди нафақат оила аъзолари ўртасида, балки, жамият ўртасида оила обрўсини ўз шахсий ҳаракати билан ҳимоя қилиш даври бошланади.

Рухий муҳити соғлом оила аъзоси бўлган боланинг биринчи бор мактабга бориши қанчалик ҳаяжонли бўлмасин, бола учун жиддий қийинчиликлар туғдирмайди. Чунки мактабда ўқитувчи ҳамма болаларга бир кўз билан қарайди. Оилада ҳам болага мактабга борганлиги муносабати билан алоҳида эркатойга қараш қилмасдан, мактаб унинг ўзи учун керак бўлган бурч сифатида қараган маъқул. Чунки мана шундай қаралгандагина бола уй вазибаларига, мактабда берилган топшириқларга шахсий бурч сифатида қарашга ўрганиб боради.

Ўз бурчини сезган шахсда эса ўз шахсига ҳурмат туйғуси тобора ортиб, яхши шаклланади. ўзини ҳурмат қилмайдиган шахс (болаликда бу поғона “мен ўзим” деган сўзлар билан бошланади) бошқаларни ҳурмат қилишни билмайди. Бу ўринда тарбиянинг, мактаб ва оила тарбиясининг бола шахсиятига бир йўналишда мутаносиб олиб борилиши жиддий эътиборга молик. Биргина мисол келтирайлик.

Собирнинг мактабдаги илк кунлари. Онаси унга «Танаффузда синфдан ташқарига тоза ҳавога чиқкин», деса, Собир онасига шундай деяпти: «Танаффуслар жуда кичкина. Кўнғироқ чалинади, нарсаларимни йиғиштириб кўча эшигига етганимда, яна киришга чалинади». «Нарсаларингни тезроқ йиғиштир, чопиб чиқкин». «Эээ, билмайсиз-да, мактабда чопиш мумкин эмас».

Бу мисолда онанинг биргина сўзни ноаникроқ ишлатгани, мактаб ва оила талабининг бола қалбида номутаносиб келгани унинг бу муаммога ҳали жавоб тополмагани кўринмоқда.

Биз катталар бу номутаносибликни сезмай ҳам ўтишимиз мумкин. Аммо бола қалби ҳали ўта мусаффо бўлганлигидан унга қўйилган талаб, тушунча, қоида ёки оддий бир сўз ва ҳоказо биринчи бор қандай ёзилса ёки айтилса, у ўзи учун шундай тушунча ҳосил қилади. «Мактабда чопиш мумкин эмас».

Оддий тушунчалар ҳам ҳар кимда ҳар хил тезлик ва қувватда из қолдиради. Бу ҳодиса биринчи ўринда ин-

соннинг шахсий хусусият, қобилият ва ёши билан боғлиқ бўлади. Шу ўринда биз биринчи бор шу пайтгача бола, деб айтиб келган тушунчани иккига ажратишимиз лозим бўлади, яъни қиз бола ва ўғил болага.

Тўғри, фарзанд туғилгандан бошлаб оилада унинг жинсига қараб муомала қилинади ва бу билан жинсий тарбия оилада бошлаб юборилади. Аммо бошланғич мактаб ёшига келиб айниқса, иккинчи, учинчи синфларда болаларнинг жинсий фарқи кўпайиб боради. Буни оилада алоҳида ҳисобга олинсагина оилавий руҳий муҳитга путур етмаган бўлади ва оила аъзолари оилавий ҳолатда ўзларини эркин сезади.

Халқимизда қадимдан бу нарсага эътибор берилган. Шунинг учун ҳам қиз бола ёшлиқданоқ оилада ёрдамчи сифатида кўзга тезроқ ташланган, унинг шўхликларига, акаси ёки укасини тежаб-тергашларига «қиз бола-да», деб катталар олдинроқ сезишган.

Руҳшуносларнинг физиолог, медик, педагог ва бошқа мутахассис олимларнинг кузатишларидан келиб чиқиб айтишлари шуни билдирадики, қиз болалар ўғил болаларга қараганда мактабнинг бошланғич 1–3 синф даврида фаолроқ бўлиб, ўғил болаларни ўсиш ва улғайишда ортада қолдиради.

Қиз болаларнинг бундай табиий фаоллигини оила аъзолари албатта билишлари керак. Бу ҳол алоҳида эътиборга олинса, оилада шахсларнинг ўрни ва хусусиятлари тўлиқ ҳисобга олинган бўлиб, руҳий муҳити ижобийлашиб боради. Акс ҳолда қиз боланинг шўхликларига нотўғри баҳо берилган бўлади. Қиз бола шўхликда айбланиб, ўғил бола нофаолликда салбий баҳоланиши мумкин. Олти–тўққиз ёшли болалар мактабгача ёшдаги қилиқларини энди такрорлашмайди. Ёш бола ўжарлик қилиб пиёлани отиб юбориши мумкин, бу ҳолда у пиёланинг синишини ўйлаб ҳам ўтирмайди. Аммо бундай ишни бошланғич синф ўқувчиси қилмайди. У энди бундай қилиқни ўзига эп кўрмайди, чунки атрофдагилар унинг бу ҳаракатига қандай баҳо беришини билади ва шундан уялади. Бу ўринда инсонни

жамият орасида шахс сифатида шакллантирувчи энг катта туйғулардан бири, кенг маънодаги ижтимоий тушунча бўлмиш, бошқа жонзотлар орасида учрамайдиган уят эканлигини билишимиз ва унутмаслигимиз керак.

Оилада болани ҳеч вақт уялтирмаслик ва изза қилмаслик лозим. Ҳар қандай инсон бошқалар олдида уялишни, уялганликни оғир эсдан чиқаради. Кўпчилик орасида изза бўлганлигини бир умр эсдан чиқармаслиги мумкин.

Шундай экан, оилангизда руҳий муҳит соғлом бўлсин десангиз, болангизнинг ҳозиргина қилган ноўрин хато, англашилмовчилик юзасидан, унинг тажрибасизлигидан келиб чиққан ҳатти-ҳаракатини қоралаб, уни жазолаб ўтирманг, айниқса, воқеани юзига солиб, изза қилманг. Агар бу воқеадан унинг бирор таниши воқиф бўлиши хавфи бўлса, кечинма янада кучлироқ тус олиши мумкин.

Болани хато бўлиши мумкин бўлган ишлардан огоҳлантириб тарбиялаб борсангиз, унинг оиладаги ўрнини камситмаган бўласиз.

Пиёла болангизнинг қўлидан тушиб кетиб синганда эмас (бу пиёла синиб бўлди), ундан илгари иш буюргангизда «Эҳтиёт бўл, синиб қолмасин», деб тарбияланг.

Бола ўз иродаси билан кундузи мактабда буюрилган ишларни бажаришга ўрганса, кечкурун ишдан қайтганингиздан кейин сиз уни дарс тайёрлашга ўтиришга мажбур қилишингизга ўрин қолмайди.

Ўз бурчини бажаришга мажбур қилинган оила аъзосининг оилада руҳий ўрни бошқалар билан баробар бўлиши мумкин эмас. Ўз бурчини мажбуран қилиб ўрганган бола мустақилликка ўрганмайди. Ундаги бурч тушунчаси ривожидан ортда қолади. Ваҳоланки, шундай экан, биз ҳаммамиз ўз боламизнинг мустақил бўлишини жуда-жуда кутамиз ва мустақилликка ўргатиб борамиз. Мустақил, ўзини-ўзи тежаб-тергашга ўрганиб борган болагина ўз ҳаётини тўлиқ таъмин қилиб боради. Агарда болага доим унинг руҳий ва амалий ишларини кўрсатиб, уларни бажаришга мажбур қилиб борсангиз, у ўзи бажариши керак бўлган ишларни бажармасдан ва бу ҳолатдан уялмасликка

одатланган бўлса, бу ҳолда оилада нотенглик юзага келади ва оила аъзолари ўртасида нотенглик бўлган ҳолда руҳий муҳит соғлом бўлмайди. Бола ўз руҳига сингиши керак бўлган уялиш хусусиятини чуқур англамай боради ва бу унинг катта бўлганида шахси ва шахсий фаолиятига жиддий путур етказиши мумкин.

Шундай экан, болангизнинг ўз вазифаларини бажармаганлигини кўрсангиз, мажбур қилишга шошилманг. У ўз вазифасини бажармаганлигидан оила аъзолари, ўртоқлари, синфдошлари олдида бирор марта хижолат чекса, уялса, айниқса, ўзига керак бўлган нарсани билмасдан, ўша нарсага зарурат сезиб, уни тополмай қолса, бошқа бундай қилмасликка ўрганеди. Чунки уят, жонзотлар орасида фақатгина инсонларга хос тушунча бўлиб унинг уялиши яхши маънода инсонни ўзликка олиб боради.

Шахснинг жамиятдаги ўрнини белгиловчи психологик тушунчалардан бири бўлмиш уят жиддий маънода катта ижтимоий кучга эга бўлиб у муҳим шахсий ижобий хусусиятдир. Аммо шахснинг ўзи уялиши ва уни бошқаларнинг уялтириши бир-биридан тубдан фарқ қиладиган психологик ҳолатдир. Шундай экан, болангизни мумкин қадар уялтирманг. Аммо унинг ўз ножўя ҳаракатидан уялишига шароит яратинг.

ФИКРЛАШНИ ЎРГАНАЁТГАН БОЛА

Оилада болани эркин руҳда яшаш, эркин фикрлашга ўргатишадими? Шу ҳақда бир оз мулоҳаза юритамиз. Ўз жигаримизни, устоз Ғаззолий тили билан айтганда, бизнинг номимизни ва руҳимизни келгусига олиб ўтувчи ушбу шахсни одатда аксарият ота-оналар ўзига бўйсундиришни, ўзлари сезмаган ҳолда уларни тобе қилиб, тобе руҳда ўстираётганларини билмай қолишади. Уларнинг қарашларини, ўзлари яшаб ўтган, тажриба бойликларига айланиб кетган кечаги кун тажрибаси доирасида тарбиялаётганларини сезишмайди. Бу билан боласининг бугунги кун ян-

гиликлари бўлмиш, эртанги кунга керак амалий тажрибаларни ўзлаштиришларига монелик қилиб, чунки уларнинг ўзлари кечаги кун амаллари билан одатланган, уларнинг эртанги кунга тайёргарлигига халақит беришади. Кўпинча болани катталар ва ҳатто ўз тенгқурлари, бошқалар олдида ўз фикрини айтишга қўйишмайди. Шаддод бўлма, ҳали ёшсан дейишади. Бу билан ундаги янгиликка интилиш туйғусига, эртанги кун орзуси замирида қилинаётган бугунги мустақил ҳаракатларига беихтиёр қаршилиқ қилиб қўйишади.

Собиқ совет педагогикаси бола руҳи, онгини тоза доска, унга нима ёзсанг ёзавер, деган фалсафага асосланар эди. Айни шу фалсафанинг ўзи аслида ўта салбий эканлигини совет педагогикаси ўзининг салбий натижаси билан исботлади. Чунки у бола руҳидаги ирсий ва бошқа компонентларни инкор қилиб туғма, Тангридан айнан мана шу болага берилган имкониятларни инкор қилиб келди. Болаларни дунё педагогикаси тан олган эркинлик руҳида тарбиялаш бу советлар педагогикасига ёт ҳодиса эди. Чунки советлар фалсафаси ўз фуқароларидан “винтиклар” тайёрлашга қаратилган эди.

Болани эркинлик руҳида тарбиялаш борасида бошқа кўплаб мамлакатлар қаторида японлар тажрибаси алоҳида эътиборга молик. Улар биринчи жаҳон урушидан кейин таълимга оид бутун конун ва низомларини қайта қараб чиқиб, ўзлари учун янги йўналишдаги истиқболларни белгилайди. Натижада, ўша пайтда илғор бўлган эркинлик тарбияси назариясини ўзларига асос қилиб олишади. Бу билан японлардаги ота-онани, катталарни ҳурмат қилишдай шарқона одатга путур етган эмас. Бу назария Хинокүти Кадзиро томонидан янада такомиллаштирилганидан кейин “ўз ўзини тарбиялаш” концепцияси остида оммалашиб кетган.

Шу ўринда оддий ҳаётий мисолларни таҳлил қилиб ўтсак. Биз кўп кузатадиган бир ҳолат, бозор-ўчарда она боласини етаклаб кетаётганда боласи кўлидаги тўпни тушириб юборса ва тўп орқасидан бола чопиб кетса, у кимгадир

халақит бериб кўяди. Шунда биз катталарнинг болага нисбатан меҳрли бўлиш, унинг тажрибасизлигини кечириш ҳаёлимизга келмайди. Ачинарлиси, биз айна ўз боламизга кучимиз етишини билган ҳолда, “машина босиб кетади” деган сўзлар билан унга тарсаки тушириб жазолаймиз ҳам. Одамларимиз болажон деймизу, лекин шундай пайтда, аёл ҳамманинг олдида қилган бу ҳаракати билан аслида боласини севмаслигини билдириб қўйгандай. Имконсиз, ҳаётий тажрибаси камлик қилган, етарли жисмоний кучга эга бўлмаган бола йиғлашдан бошқа илож тополмайди. Ва у ҳам келгусида ўз боласини албатта уриб, қачонлардир орттирган салбий тажрибасини қайтаради. Бундай ҳолатда япон боласи тарсаки емайди, ноҳақ бошқалар олдида изза бўлмайди. Аксинча, атрофидаги ҳамма катталар боланинг ўз тўпини ушлаб олишига уринганини кўриб қувонишади, ёрдам беришади ва унга ҳаётий тажриба олишига шароит яратиб беришади. Бола фақат катта бўлиб, ҳаётий тажрибаси орта борган сари ўз ҳаракатларини такомиллаштириб боради. Яъни, ўз фаолиятида эркин ўсиб ўзини ўзи тарбиялаб боради. Эркин фикрлашга, мустақил иш қилишга ўрганган болаларда эртага ихтиро қилиш, кашф этишга мойиллик, бошқалар орасида ўз ҳуқуқ ва бурчларини ҳимоя қилиш ҳисси кучли бўлади.

Рухшунос мутахассис сифатида ота-оналар билан бола тарбияси борасидан кўплаб суҳбатлар ўтказишга тўғри келади. Шундай суҳбатлар жараёнида ўтказиладиган кичик тест синовларидан бири суҳбатдошга «Одамнинг расмини чизиб беринг», дейишдир. Афсуски, бола тарбияси юзасидан бизга мурожаат қилган кишиларнинг аксарияти ўз боласи расмини чизолмайди ва чизишмайди. Ахир, суҳбат мавзуси давомида айнан шу кишининг боласи ҳақида гап кетаяпти. Йўқ, бундай ҳол жуда камдан кам учрайди. Ўз боласини севган ҳақиқий ота-она бундай савол берилганда ўз боласининг бирон вазиятдаги ҳолатини чизади.

Бундай ҳолат рухшунослар қараши бўйича катталарнинг, айна шу ота ёки онанинг ўз боласини, умуман, бо-

лаларни севмаслиги, уларни кўриб кўрмаслигининг ифодасидир.

Биз боламизнинг туғилишини кутганимиз ёки кутмаганимиз ҳақида кам гапирамиз. Умуман, оилада бола туғилишига табиий бир ҳол, деб қараймиз. Ёш келин-куёвларга илк тилак сифатида, бир йилдан кейин сизларнинг чақалоқ тўйингизда бўлайлик, деймиз. Лекин, шу ёшлар фарзандли бўлишга тайёрни, йўқми, деган саволни деярли ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Ёшларга тўйгача боланинг эркин руҳдаги тарбияси, ҳаттоки умуман тарбия ҳақида сабоқ берувчи бирор институт, ўқув маркази ҳали шаклланмаган, янги оила соҳиблари бу хусусда билим ололмади.

Тарихимизга турли хил нуктаи назардан ёндашилади, ўтмишимиздаги камчиликлар ва ютуқлар асрлар давомида турлича шарҳланган. Аммо, биз ўз тарихимизга бола тарбияси назари билан ҳам қарасак, айти муддао бўлур эди. Ўтмишда содир бўлган тарихий фожиаларимиз сабабларидан бири айнан болаларимизни тобелик руҳида тарбиялаб келаётганимизга ҳам тааллуқли бўлгандир балки. Кези келганда, ўзим эшитган бир воқеани келтириб ўтмоқчиман.

Бир америкалик журналист воқеаларни ёритмоқчи бўлиб Афғонистонга келади. У маҳаллий аҳоли фикрини кенгрок ўрганиш учун бозорга бормоқчи эди. Маҳаллий раҳбарлардан бири унинг йўлда адашиб кетмаслиги учун бир болага «Бозоргача кузатиб қўй», дейди. Қитмир ажнабий йўлда боладан «Сизлар америкаликларни ёмон кўрасизларми?», деб сўрайди. Бола америкаликларни ёмон кўришини айтиш билан бир пайтнинг ўзида журналистнинг кўзига тик боқиб дадил «Сен ўзинг нимага келдинг?», деб журналистни довдиратиб қўяди.

Спитамен, Широқ, Тўмарис, Алпомиш, Гўрўғли, Маҳмуд Торобий, Жалолиддин Мангуберди ва бошқа шу каби буюк аждодларимиз ўғил-қизларимизнинг тили-дилида эркесвар шахслар сифатида айтилиб турса, уларга чин дилдан хавас қилишса, деймиз. Ўғил-қизларимизни бунга руҳлантириш ва шу орқали уларни эркин фикрлашга ўргатиш эса тарбиячилар, яъни ота- оналар ва муаллим-

нинг вазифаси. Қолаверса, бу бутун жаҳон педагогикаси тажрибасида қўлланилаётган, яъни, янги бўлмаган тарбиявий усулдир. Жаҳон халқлари учун янги бўлмаган бу педагогик усулни қўллаш ва болаларимизни эркин руҳда тарбиялаш эса бизнинг миллатимиз олдида турган энг катта вазифалардан бири.

Эртага бола тарбияловчи, унга ота, оналик қилувчи ўғил қизлар маънавияти, қарашлари биз учун муҳим. Улар ўзлари киму ва ўз болаларини ким қилиб тарбияламоқчи эканлиги бизга том маънода маълум ва аниқми?

Ўсмир ва ёшларнинг, дейлик, оила тушунчасига муносабатлари, бу борадаги қарашлари қандайлигига қизиқиб кўрганмисиз?

Этиборга, меҳрга муҳтож ўсган болаларнинг кўпчилиги эркинлик руҳини эмас, жиззакиликни ўзига юктириб катта бўладилар, имкон топилган пайтида бошқаларга озор берувчи, қулай вазият юзага келганида фақат ўз манфаатини ўйловчи шахслар бўлиб етишадилар. Улардан катта ватанпарварликни, бошқа инсон, ўзга бир кишининг дардига дармон бўлиш кайфиятини, иштиёқини кузатиш ва кутиш қийин. Чунки жиззакилик ва қаттиққўллик таъсирида ўсган боланинг дили ва дийдаси қотиб у ҳам ўз даврида бошқаларга озор берувчига айланишини педагогик тажриба тасдиқласа ҳам биз буни ҳали ҳамон инкор қилиб келамиз ва болаларимизни қаттиққўллик остида тарбиялашни яхши деб тушунамиз. Нимагадир бу ҳақда яхшигина тажрибаси бор тарбиячилар, айниқса ўқитувчилар ҳам кўп гапиришади. Кўпинча мисол қилиб мактаблардаги қаттиққўл ўқитувчиларни кўрсатишади. Бу ўринда улар қаттиққўл қилиб кўрсатган ўқитувчилар аслида қаттиққўл эмас, бола назарига турли шахсий, билими ва бошқа сабаблар билан ҳурматли бўлиб сингиб кетган шахс эканлигини унутишади. Қаттиққўллик ва тартибга ўргатиб ўстириш эса бошқа бошқа тушунчалар эканлиги бизнинг кўпчилик мутахассисларга ҳам уқтириб бўлмайди.

Педагогик тарбиянинг назарий асосларини дунё педагогикаси эришган бугунги кун ютуқлари ва талаблари

даражасига кўтара бориш билан бу каби маънавий муаммоларимиз ечимига эришилади.

Истиклол даврида барча соҳаларда кечаётган туб ислохотлар самараси таълим ва тарбияда ҳам ўз ифодасини топаётир. Дунё тараққиёти тез суръатларда кечаётгани ҳар жабҳада намоён бўлмоқда, Ютуқлар билан бир қаторда ҳали педагогика, тарбия йўналишида қилинадиган ишларимиз жуда кўп, албатта. Мазкур жиҳатлар болалар руҳиятини тўғри тушуниш, уларга тўғри йўл кўрсатиш, болаларни ўзимизга ишонтиришга кўмаклашади. Баъзан ўта лоқайдлик билан айтиладиган «Ҳа энди, катта бўлса ўзи билиб олади», деган кераксиз, нотўғри, ғализ, баъзи ҳолларда салбий натижаларга олиб келадиган фикр, тарбия асосларидан хабарсиз кишиларнинг шу йўналишдаги руҳи эртага болаларни ҳаёт йўлида қийинчиликларга олиб келишини унутмаслик керак.

Зеро, боламиз нафақат бизнинг жигаримиз, бизнинг дунёдаги энг сеvimли кишимиз, қолаверса у мамлакатимизнинг вакили, ўзимиз ва авлодларимизнинг маънавий ва моддий бойликлари вориси, бир сўз билан айтганда бизнинг ва миллатимизнинг келажаги. Келажак, ҳар бир мамлакатнинг эртаси. Ушбу эрта эса унинг бугун туғилган ва шу бугун катталардан тарбия олаётган ёшларидир. Келажакимиз бизнинг фарзандларимиздан, уларнинг бугунги кундаги тарбиясидан бошланади ва яралади.

ЭРКИНЛИК ЎЖАРЛИК ЭМАС

Боланинг руҳига эркинлик ҳисси ёшлиқдан кириб боради. Ёшларда эркинлик руҳини тарбиялаш йўналишида сўз юритар эканмиз, болада шаклланаётган мустақиллик ҳисси ва уни чеклашлардан зада бўлган болада учрайдиган жарлик хусусияти ҳақида ҳам сўз юритиш лозим.

Одатда, баъзи ота-оналар ўз фарзандлари ҳақида гап кетганда унчалик куюниб эмас, ички бир сезилмас эътироз билан, «бу шунақа, анча ўжар», деб кўйишади. Айни шу ўжарликни бизнинг ўзимиз унда шакллантириб бораётганлигимиз хаёлимизга ҳам келмайди.

Демак, умуман олганда ўжарлик салбий хусусият эканлигини ота-она билган тақдирда ҳам, барибир фарзандининг мустақил ҳаракати, мулоҳазаси, иш юритишини ёқтиради, қўллаб-қувватлайди. Бу бир томондан ижобий ҳол. Аммо, бу маълум бир чегара эканлигини унутмаслик керак. Боладаги мустақилликка интилиш, ўз эркин хулқини шакллантириш ҳақиқий ўжарликка айланиб кетмаслиги керак. Эркинликка интилишнинг иккинчи томони бу боланинг фақат менга, ҳамма нарса менга шаклидаги ўжарликка айланиб қолишини ҳам унутмаслик бола тарбиясидаги катта кузатишлар орқали эришиладиган педагогик натижалардан биридир.

Одатда, боладаги ўжарлик хулқининг бошланиши ота-она ва бола ўртасидаги муомалани анча қийинлаштириб боради. Демак, айнан мана шу ҳолатдан бошлаб бола ҳаракатидаги мустақилликка уринишларни таъқиқлаш услубидан тезда қайтиш керак. Баъзан, ҳатто боланинг салбий натижага эришиши муқаррар бўлган ҳаракатига ҳам имкон беринг. Шундагина у сизнинг айтганингиз тўғри эканлигига амин бўлади ва ўз ҳаракати, мулоҳазасининг ўжарлик хислатлари билан боғлиқлигига тажриба орттиради. Иккинчи бор бирор ҳолат юз берганда ўз тажрибаси ёдига тушиб, сизнинг маслаҳатингизни қабул қилади. Чунки биз катталар бола хулқининг тараққиёт жараёнида ўжарлик ҳам ундаги эркинлик руҳи тарбиясига бир қадар ижобий таъсир қилишини унутиб қўямиз.

Бола шахсининг шаклланишидаги энг муҳим давр — 2-3 ёшлар бўлиб, бу пайтда бола тўлиқ тилга киради. Унинг руҳидаги «Мен» алоҳида куч ва қудрат бўлиб, унга ўрнашади. Шахс ўзини атрофдагилардан мана шу «мен» орқали ажрата олиши мумкин эканлигига ўрганиб боради. Бола бирор иш ёки юмушга қўл урад экан, агарда сиз ёрдам бермоқчи бўлсангиз, «мен, мен ўзим» деган сўзлар билан сизнинг ёрдамингизни инкор қила бошлайди. Мана шу жойда сиз унинг айтган сўзларини назарга олмай мажбуран бир-икки ёрдам берсангиз, унинг хулқида юқорида биз айтган шахсининг ўжарлик хусусияти бўлмиш аломатлар пайдо бўла бошлайди. Бу ўринда бола ҳаракатидаги

Ўзликка интилиш билан ўжарлик, катталарга, умум қабул қилинган қоидаларга бўйсунмасликни ажрата олиш зарур. Шундай ҳолат юзага келар экан, бола ҳаракатидаги ўзликка интилиш ёки ўжарлик аломатини ажрата олмадингизми, ҳаракат натижасини чамалаб кўрингда, болани бу ҳаракат охирида у нимага эришишидан огоҳлантириб, уриниб кўришга имкон беринг. Чунки, ҳар қандай таъқиқдан шахсий тажриба бола руҳига таъсир кучи жиҳатдан муҳимроқ бўлиб у боланинг ўз хулқий шаклланишига ҳар томонлама қимматлидир.

Ушбу тарбиявий йўналишнинг муҳим жойи шундаки, биринчидан бола шахсий тажриба орттиради, иккинчидан бола катталар маслаҳатини қабул қилиш фойдали эканлигига шахсий тажрибаси орқали амин бўлади ва энг зарур жиҳати шундаки, бундай қалтис ҳолатда боланинг иродаси букилмайди, ғурури синмайди, унинг ўзига, натижа салбий ёки ижобий бўлишидан қатъий назар, ишончи ортади.

Боладаги эркинликни ривожлантириш бу даврда ўта муҳимлигини унутмаслик лозим. Акс ҳолда бола эгилувчан, иродасиз, келишувчан, бошқаларнинг фикрига тобе, ўзлиги сўнган шахс бўлиб етишади.

Бола ҳаракатидаги «йўқ», «мен ўзим» деган сўзлар ва уринишлар учун уни ҳеч ҳам жазоламаслик керак. Чунки сиз умрбод ўз болангиз орқасидан юриб унинг қийинчиликларини бартараф қилиб юролмайсиз. Оддий қилиб айтганда болангиз ўрнига сувдан сузиб ўтолмайсиз. Унинг ўзини сузишга ўргатинг ва уни эркин, ўзи сузиб ўтишига қўйиб беринг. Акс ҳолда у келгусида ўз фикрини, уринишини ҳимоя қила олмайдиган шахс бўлиб етишади.

Бу даврда болага ҳаёт қонун-қоидаларини тушунтириб, ўргатиб бориш зарур. Ахир, сиз билан биз катталарга маълум ва тушунарли бўлган бу қонун-қоидалар бола учун ҳали очилмаган кўрик. Унинг ҳаёт тажрибасида, билим жамғармасида улар ўрин олмаган. Демак, бола тарбиясида буни унутмаслик керак. Ахир, бола учун уйда дастурхондан хоҳлаган нарсани олиш мумкин, аммо бу ҳол меҳмондорчиликда бўлганда мумкин эмас. Бола буни билмайди, агарда шундай ҳаракат меҳмондорчиликда юз

берар экан, болани жазоламанг, вазиятдан бошка йўл билан, лекин албатта чикинг. Бирор ҳолат бўлиб, бола «йўқ», «мен ўзим» дедими, унга унинг ҳаракати учун кўшимча имконият яратинг. Шундагина вазиятдан чиқиш болага енгиллашади ва боланинг катталар, тажрибаси кенгроқ экан, деган хулосага келиши мумкин бўлади. Энг зарур томони бола хулқида ўзликни тарбиялашдаги салбий томон, ўжарлик қилишга зарурат қолмайди.

Бу борада бола шахсига салбий таъсир қилувчи таъқиқ: «йўқ», «ундай қилма», «бундай қилма», дейишларни камайтириш лозим. Иложи бор ҳолларда бола ҳаракатига вариант, имконлар туғдириш керак. Шундагина у ўзлигини сақлаган, изланувчи, ижодкор, ўз ҳаракатларида эркин шахс бўлиб вояга етади.

Боланинг ўзлигидаги эркинлик руҳини тарбиялашда яна бир қаттиқ назоратга олинадиган томон, бола билан бўлган муомалада овоз, болага бўлган муносабат ишонарли, қаттиққўлли бўлиши керак. Аммо, бу ҳол дўқ, ҳақорат қилиш, бола шахсини камситиш даражасига ўтмаслиги сизнинг педагогик, тарбиячилик маҳоратингизга боғлиқ. Акс ҳолда бола томонидан унинг руҳида кескин ички қаршилик, шахсига теккан ҳолларда эса ғараз, кек сақлаш ҳоллари пайдо бўлади.

Бола руҳида жарлик ҳолларини сезар экансиз, дарҳол уларни йўқ қилишга шошманг. Боланинг ўзига ишончини тиклаш учун имкон ва вақт беринг. Шундагина унинг руҳида эркинлик руҳи ривож топиб, ўжарлик сўнади. Шундай шароитдагина эркин авлод вояга етади.

КОМПЬЮТЕРДАН ТЎҒРИ ФЙДАЛАНМАСЛИК УЛАРНИНГ АЙБИ ЭМАС

Бугунги кунда техника тараққиёти туфайли инсоният олдида пайдо бўлаётган имкониятларни тушуниб-тушунмаган баъзи кишилар техникавий янгиликларни танқид қилишга киришиб кетди. Лекин уларнинг деярли барчаси техника тараққиётидаги жараёнларни чуқур англаш у ёқда турсин, ҳаттоки сўнгги авлод қўл телефонларидан

тузукрок фойдаланишни ҳам ўзлаштиришмаган. Шу босидан, улар ҳали-ҳануз қўл телефонларнинг биринчи вакиллари мисолида фикр юритиб, болаларга салбий таъсир қилади, уларнинг миясини нурлантиради, дейишдан нари ўтолгани йўқ.

Бугунги кунда ана шундай кайфиятдаги кишиларнинг телевизорни, қўл телефонини, компьютерни, интернетни танқид қилиши катта йўлдан соатига 200-300 километр тезликда шиддат билан ўтиб кетган автомобилни эшак миниб қувишдек кулгили ҳолатни эслатади.

Яқинда эълон қилинган бир мақолада таниқли журналист «Мен бекатда автобус кутиб турган эдим, икки қиз ҳам шу ерда суҳбатлашиб турарди, кейинчалик улар қўл телефонларида бировлар билан суҳбатлашди-да, кўчада тўхтаган янги русумдаги машинага шартта миниб жўнаб қолишди. Бизнинг қизларга ўзларини бу тарзда тутиш ярашмайди, қани миллий менталитетимиз, ҳаё, ибo қаерда қоляпти?» деган мазмунда мақола ёзди.

Хўш, бу ерда янги русумдаги автомобилга миниш ҳаёсизлик белгиси дея, тўғри фикр юритилмоқдами? Нима, қизларимизни кўча-кўйда миндириб кетаяпти, деб автомобиль заводимизнинг фаолиятини тўхтагайликми?!

Тўғри, телевизорда гоҳида томошабинни ноқулай аҳволга солувчи реклама-кўрсатувлар ҳам намоёиш этилаяпти, баъзи ёшларимиз қўл телефони, компьютерда, интернет орқали беҳаё, ваҳшиёна тасвирларни кўряпти, баъзи хотин-қизларимиз мини юбка ёки тор шим кийган ҳолда автомашиналар бошқариб, ўзларини кўпинча шарм-ҳаёсиз деган таърифга лойиқ тарзда тутишмоқда. Лекин шундан олайлик-ки, бу қусурлар учун техника воситалари эмас, балки ўзимиз, яъни баъзи ҳолатларда таълим-тарбияни бўш қўйганимиз сабабдир.

Ҳалигача рўккада қитирлатиб «иждо» қилаётган мухбирларимиз компьютернинг зарари ҳақида мақола ёзишди. Сўз қуруқ бўлмаслиги учун бир мисол келтирайлик. Республика миқёсидаги нашрларда ишлаб тажриба ортирган бир журналистга «Ака, сиз нима учун компьютер, интернет хизматидан фойдаланмайсиз?» деганимда

у: «Улар менга керак эмас, ручкада ҳам яхши ёзаяпман-ку, тахсинлар эшитаяпман. Интернетдаги янгиликларнинг шахсан менга қизиғи йўқ, компьютердан фойдаланишни ҳам билмайман, хуллас, бизга тўғри келмайди», деб жавоб берган эди. Бу нима, нодонликми? Ўз касбига, замона зайлига нописандликми? Аммо психолог, инсон руҳиятини ўрганувчи фан мутахассиси сифатида айтишим мумкинки, бу шахснинг ўз кўникмалари доирасида қотиб қолишидан бошқа ҳолат эмас.

Болаларга қўл телефонининг зарари ҳақида оғиз кўпиртираму, аммо тўй-тантаналарда карнайлардан чиқаётган юқори герцдаги шовкин-суроннинг инсон соғлиги учун жиддий зарари ҳақида лом-мим демаймиз. Ҳозирги кунда дунё ёшларининг 80-90 фоизи қўл телефони, компьютердан унумли фойдаланаётганини унутамиз, аниқроғи, билмаймиз.

Қобусномада инсонлар ва уларнинг билим, билганликлари ҳақида бир ажойиб фикр берилади. “Эй фарзанд, билгилки халойиқ уч турли бўлади, ... халойиқнинг бири шуки, билади, билганини ҳам билади, бундай киши олимдир унга тобе бўлиш лозим, бири шуки, билади, билганини билмайди; у уйқудадир, уни бедор қилмоқ керак, бири шундайки, билмайди, билганини ҳам билмайди. У жоҳилдир, ундан қочиш керак.”

Бугунги кунда компьютерлар мактаб таълим тизимининг алоҳида бир ускунаси сифатида унумли қўлланиб келинаётган бир пайтда болаларимизни зарарли компьютер ўйинларидан тийиб ололмаганлигимиз учун нега энди компьютерни ёмонотлиқ қилишимиз керак?!

Ахир бола билимни нима воситасида олиши масаласи билан боланинг ўша воситадан нотўғри фойдаланаётгани бошқа-бошқа муаммо эмасми? Шу икки масалани бир-биридан ажрата олмаётганимиз техник тараққиётга муносабат билдириш, тўғри ёндашишда замондан орқада қолганимизни кўрсатмайдими? Демак, гап, таъбир жоиз бўлса, мунозараю- музокара, техник воситалар, уларнинг имконияти хусусида эмас, сизу-биз, фарзандларимизнинг

улардан қандай тарзда фойдалана олаётганимиз ҳақида бўлиши керак.

Мулоҳазалардан хулоса қилиб айтадиган бўлсак, одам-зодга рентген нурунинг фойдаси ва зарари деярли баробар бўлгани каби, атом зарраси кашф қилинишидан тортиб оддий қилич ёки ғилдиракнинг ихтироси қаторида компьютер, қўл телефони ва бошқа ҳар қандай замонавий техник воситалар ҳам салбий, ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин. Масаланинг энг нозик томони ҳам мана шунда. Бу ўринда буюк боболардан бири Ибн Синонинг илон заҳри ҳақидаги фикрини келтирмасак ҳам бўлади.

Авалло, ўзимиздаги лоқайдлик, ялқовликни енгайлик, сўнг боламизга илм излашни ўргатайлик, унинг ҳам дангасалик қилишига йўл қўймайлик. Токи у компьютерда ур-сур, кирғинбарот ўйинларни ўйнашни эмас, интернетнинг жаҳон электрон кутубхонасидан китоб излаб топиб ўқишни ўргансин. Ана шунда компьютер ва интернетнинг зарари ҳақида ёзишга масаланинг барча жиҳатларини таҳлил қилган ҳолда киришамиз. Зеро, техник воситалар, бу борадаги янгиликларни ўз ичига олган дастурлар ёрдамида баркамол авлодни тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз янада самарали бўлиши аниқ.

БОЛА ТАРБИЯСИ, У МАКОН ТАНЛАМАЙДИ

Жамиятнинг энг кичик ва шу билан бирга, тарбия соҳасида энг катта макони ва маскани бу - оила. Айни шу маконда бола дунёга келади ва илк ҳаётий тарбиясини ўз вужудига қабул қилади.

Бу ўринда оила, яъни унинг аъзолари ҳам дунёга келган болани, у қандай бўлса шундайлигича, унинг ўз ирсий бойлиги бўлган қайсарлиги, ўжарлиги, шўхлигу-ёқимтойлиги каби ижобий ёки салбий хусусиятлари билан яхлит ҳолатда қабул қилади.

Ҳаётда ҳеч бир тажриба ва билимга эга бўлмаган, ўз ирсий ажодлари, ота ва онасининг потенциал ирсий имкониятларидан озикланиб дунёга келган бола ўзи туғилган

оиланинг урф-одатлари, маданий маърифий анъаналарини қабул қила бошлайди ва шу йўл билан у ижтимоий муҳитга кириб боради. Аслини олганда бола ушбу оиланинг маданий меросидан тортиб, кундалик анъаналарини ҳам қабул қилишга мажбур. Демак, бола учун ўзи туғилган оила ва унинг маданий, маърифий, руҳий, ижтимоий ва бошқа кўрсаткичлари унинг келгуси ҳаёти учун биринчи имкон ҳамдир. Айни шу муҳитда бола яхшилик ва ёмонлик, тубанлик ва буюклик, жоҳиллик ва олийжаноблик каби тушунчаларни ҳам ўзи учун шу жойда ўзлаштириб боради. Оила аъзоларидан у илк бор меҳр ва қаҳр, бурч ва бевурдлик, адолат ва адолатсизлик сабоқларини олади. Улардан ўзига кўникмалар орттириб, ўз хулқи, дунёқараши ва шахсини шакллантира бошлайди.

Маълумки, оилада тарбия асосан ҳиссиёт билан боғлиқ. Ахир оиланинг ташкил топиш муҳитининг ўзи бир инсоннинг иккинчи бир инсонга бўлган ҳиссиётидан бошланади. Шундай экан бола ҳам она қорнидалигидаёқ ўзига оиланинг руҳини сингдириб боради.

Психологларнинг кузатишларича, оилада нормал руҳий ҳолат мавжуд бўлмаса, ота-она асабий ва оилада жанжаллар кўп бўлса, бу ҳолатлар боланинг руҳий манзарасига катта таъсир кўрсатиб у жиззаки, руҳий носоғлом туғилар экан.

Боланинг атроф-муҳитини камраб олган оила ўз кучи ва имконияти билан болага ҳимоя, ишончли кўрғон, оғир кундаги таянч ҳиссини беради. У ўз ота-онаси шахсида меҳрибонликни, ҳимоячиларни, бахт манбасини, одил маслаҳатчиларни, беғараз ёрдамчиларни, ўзи учун дўст ва яқин инсонларни кўриб улғаяди. Агар бунинг акси бўлар экан, бола ижтимоий ҳаётга нормал қарайдиган шахс бўлиб етишмайди, тарбия таомили бузилади. Нағижада у шахс ва жамият учун қимматга тушади. Оилада мавжуд бўлган ҳис-туйғу, яъни руҳий ҳолат ўз ўрнида ижобий таъсир кўшибгина қолмай, бутунлай салбий таъсирга айланиши мумкин. Бу ҳолатнинг асосий мезони меъёр. Меъёр бузилган жойда меҳр қаҳрга, нафрат даҳшатга етаклайди. Ота-онасидан етарлича меҳр кўрмаган бола ғазабнок, бевеҳр,

шафқатсиз, бошқалар қадрига бефарқ қарайдиган кўпол, дағал, баъзи ҳолларда эса ғамгин, шижоатсиз, йиғлоки, ҳаётга нурсиз назар билан қарайдиган бўлиб етилади. Аксинча, оилада ортиқча меҳр кўрган бола эса худбин бўлиб, фақат ўзини, ўз манфаатини кўзловчи бўлиб ўсиши мумкин. Бундайлар мактанчок, кўр-кўрона ҳаракат қилувчи, шуҳратпараст, мактовни ёқтирадиган бўлишади.

Шу ўринда бир жиҳат. Ғарб оила муҳити болани тез мослашувчан, ҳаётнинг бугунидан тўлиқ имконда фойдаланиб, қувониб ва лаззат топишга ўргатса, Шарқ оиласи болани ҳаётга тайёрлашда сусткашликка, катталарга ишонувчан ва ўз кучига унчалик ишонмас, ҳаётдаги бахт, қувонч ва лаззат тушунчаларидан қочадиган қилиб тайёрлаши билан ажралиб туради. Чунончи, биз болаларимизга оилада кўп ҳам эрк беравермаймиз. Улар ўрнига ўзимиз масалани ҳал қилиб, тайёр ечимни қабул қилдиришга уринамиз. Натижада болаларимиз шижоат, мустақиллик, ҳушёрликдан анча узоқ бўлишади, ташаббускорликларини йўқотади. Бу эса бугунги ҳаёт тарзига, атрофдаги рақобатчилик муҳитига унча ҳам мос келавермайди.

Оиланинг буюк тарбия ўчоғи сифатидаги яна бир кучи шундаки, унда ёш авлод ўзи учун ҳаётнинг ҳамма соҳа ва тармоқларига оид фаолиятга дахлдор бўлади. Яъни, бола билим, меҳнат, жамоатчилик, моддий ва маънавий бой дид, ҳис-туйғу, мулоқот ва бошқа юзлаб йўналишларда тажриба орттиради. Ҳар бир инсон учун оила тарбияси жуда катта вақт тизими билан ҳам боғлиқ. У бутун ҳаёти давомида мактабдами, кўчадами, саёҳатдами, ишдами, ўз оиласини унутмайди. Ўша жойда орттирган кўникма, одат ва хусусиятдан чиқолмайди. Йиллар ўтиб, узоқ шаҳарда хизмат сафарида, нотаниш меҳмонхонада ҳам уйдаги одати бўйича туфлисини бурчакка, сочикни пайтавасига аралаш ташлаши, ҳозиргина ечган кўйлагини пойгакка отиши мумкин. Оила бола тарбиясида энг муҳим, марказий ва кўп тармоқли жой бўлганлиги учун у ўз ўрнида маълум даражада доимо ижобий. Аммо, шахснинг тарбиясига салбий таъсир қилувчи томонлари ҳам йўқ эмас. Масалан, оиланинг иқтисодий омили, бойлик, моддий дунёга эътибор-

нинг катталиги шахсада маънавий дунёқарашнинг ўсишига тўсиқ бўлиб қолиши, эркалик, нимжонлик, ғоясизлик, хукукбузарлик ҳолатларини туғдириши мумкин. Ўз ўрнида оиладаги иқтисодий камчилик эса худди шу хусусиятларнинг аксини туғдириши, бу ўринда очкўзлик, мол-мулкка хирс қўйиш туйғуларини шакллантириши мумкин.

Шуниси аниқки, ота-онанинг маънавий қашшоқлиги болада маънавий ўсишга тўсиқ бўлиши турган гап.

Оиладаги яққаҳоқимлик ёки ҳамма нарсага «либерал» қарашлар, ўзибўларчилик, бурч ва бурчсизлик ҳолати тарбияга ижобий таъсир қилолмайди. Оила аъзоларининг ахлоқий бузуклиги ва бу ҳолатда бола тарбиясига салбий таъсирни инобатга олмаслик та жиддий оқибатларга олиб келади. Оила аъзоларининг турли хил ҳаётий расм-русум ва тушунчаларга ўта бир томонлама, фанатларча назари бола шахсининг номукамаллигига, дунёга қотиб қолган яхлит бир назарда қарашига, ёки уларни умуман назарга олмасдан, беписандликка олиб келиши мумкин. Оила аъзоларининг психология ва педагогикадан хабарсизлиги ҳам кўп ҳолларда ўта салбий натижалар беради. Айниқса, бола тарбиясидаги рағбат ва жазо, маънавий ва моддий рағбат, жазонинг тан жароҳатлардаги кўриниши бола шахсида ҳеч қачон исиз қолиб кетмайди.

Оилада ўсаётган ёш боланинг руҳида катталар, ота-онанинг ноқонуний ҳаракатлари мустаҳкам ўрин олади. Тўғри, улар ёшлик пайтида бу аъмолларнинг қонуний ёки ноқонунийлигини билмайди. Аммо йиллар ўтиб бу нарсаларни тушуниб етганларидан кейин уларнинг шахсий кечинмаларида, хулқи ва хусусиятларидан шундай ўзгаришлар юзага келадик, бу ҳолатларни энди улар, ўз фикр ва тушунчаларига асосан амалга оширади. Шундай экан, ҳар бир оилада тарбия борасида алоҳида тамойил бўлмоғи лозим. Айтайлик, бола оилада меҳр ва мурувват доирасида тарбияланмоғи керак, Ота-она болани қандай туғилган бўлса, шундай, унинг ижобий хусусиятларини тараққий қилдириб, яхшиликка ўргатиб боришлари шарт.

Муҳими, оилада ота-она шахси бола тарбияси учун идеал эканлигини назардан қочирмаслик мақсадга мувофиқдир.

БОЛА ТАРБИЯСИДА МУЛЬТФИЛЬМЛАРНИНГ ЎРНИ

«Эртақ эшитмаган боланинг қалби кемтик ўсади», дейишади. XIX аср, ундан илгариги даврларни олсак, бола тарбиясида эртақнинг ўрни ва аҳамияти қиёслаб бўлмас даражада юқори бўлган. XX асрнинг ўрталарига келиб, техник имкониятларнинг кўпайиши аввал радио, кейин телевидениенинг юзага келиши эртақ ва унинг аудио ва кейинчалик видео вариантларини ҳаётимизга олиб кирди. Илгари оналар болаларига эртақ айтиб берган ва болалар ҳузур қилиб ўз онаси оғзидан эртақлар эшитган.

Болаларга эртақ айтиб беришнинг радиога ташкил қилиниши ўз ўрнида катта ижтимоий аҳамият касб этиши билан бир вақтнинг ўзида оналарни эртақ билмасликка, ўз боласини радиога кулоқ солдиришга ўргатиши бир жиҳатдан ижобий бўлса, иккинчи жиҳатдан салбий томонларни ҳам олиб келди. Кейинчалик эртақларнинг телевизор орқали берилиши бу ҳолатни янада кучайтирди. Энди бола «Эртақ айтиб беринг», деб ўз онасига эмас, маълум вақтда телевизор олдига чопадиган бўлди. Бу ҳолат ўз ўрнида эртақларнинг умумлашма ҳолатини, унинг айнан мана шу болага қаратилмаганлигини, она меҳри билан айтилмаганлигини юзага келтирди. Бундан ташқари, эртақларнинг турли хил миллат вакилларига тааллуқлилиги, баъзи ҳолларда уларнинг миллийлик томонлари, боланинг руҳига ва ёшига, қолаверса, айнан мана шу болага тушунилмай қолаётган томонлари билан таъсир кучи фарқли бўлиб қолишига олиб келди.

Радиога ва кейинчалик телевидениеда театрлаштириб берилган эртақлар кейинчалик яна катта босқични босиб ўтди ва улар мультфильмлар шаклини олди. Болалар тарбиясида замонавий мультфильмларнинг ўрнига назар ташлар эканмиз, уларнинг аҳамияти ниҳоятда катта эканлигини қайд қилмоқ керак. Чунки болалар икки-олти ёшларда, яъни мактабгача даврда асосан образлар билан фикрлаш хусусиятига эгалиги уларни эртақлар қўйнига чорлайди.

Шунинг учун бутун жаҳон оналари ўз болаларига эртақлар айтиб бериб, уларни мана шу эртақлар орқали эзгулик ва ватанпарварликка, ботирлик ва нафосатга ва бошқа ижобий хусусиятларга ўргатиб келишган.

XX ва XXI асрда эса оналар ўз болаларига эртақ айтиб бериш ўрнига эртақлар ёзилган ленталарни, кейинчалик мульт-киноларни сотиб олиб берадиган бўлишди. Бу эса ўз вақтида болаларнинг соатлаб телевизор кўришларига ва оналардан болаларнинг узоқлашувига олиб келди. Бу ҳолатлар, айниқса, Америка фильмларидаги ўрдакчаларнинг мустақил равишда сўраб-сўрамасдан уйларида чиқиб кетишлари ва бу чиқиб кетиш давомида кўрган-кечирган саргузаштлари, бу саргузаштлардаги бўлар-бўлмас ишларнинг бола руҳига салбий таъсир қилиб, «ўзим, катталарсиз мустақил яшайверсам бўлар экан», деган руҳни олиб кирадиган бўлди.

Замонавий мультфильмларга келадиган бўлсак, уларнинг аксарият қисми асосан халқ оғзаки ижоди бўлмиш эртақлар асосида яратилган. Бизнинг шароитда эса ўзбек халқ эртақлари асосида яратилган мультфильмларнинг камлиги, айниқса, рус, кейинчалик Ғарб мамлакатларидан олинган мультфильмларнинг таржималари кўпайиб кетди. Шуни айтиш керакки, Ғарб тарбия моҳияти бизнинг Шарқ тарбиясидан бир қанча жиҳатлари билан фарқ қилишини ҳисобга олсак, демак, биз ўз болаларимизнинг тарбиясини Ғарб тарбиясига билиб-билмай бериб қўймоқдамиз. Бунга мисол қилиб ўзимизда, айти Самарқандда XII асрда Зоҳир Самарқандий томонидан ёзилган «Синдбоднома»ни кўрсатиш мумкин. «Синдбоднома» туб Шарқ халқлари миллий руҳида ёзилган саргузаштнома бўлишига қарамасдан, у америкаликларнинг мультфильм тарихидаги талқинида бутунлай ғарблашиб кетган ва бизнинг болаларимиз руҳига энди бу кўринишда шарқона йўналишда сингмайди. Болалар руҳига мультфильмларнинг сингиши жиҳатларини оладиган бўлсак, аслини олганда, болага мультфильмларни ҳам уларнинг ёшига қараб кўрсатиб бориш лозим. Чунки болангизга ўйинчоқларни ҳам уларнинг ёшига қараб берасиз. Энг ёш болаларга резина ўйинчоқлар бериб, ке-

йинчалик улар икки-уч ёшга чиққанда ҳар хил куб ва шунга ўхшаш қўл ва фикр ишлатишга чорлайдиган ўйинчоқларни берамиз. Демак, биз болаларимизга мультфильмларни кўрсатишда ҳам айна шу усулни қўллаганимизда, уларнинг мультфильмларга ё бефарқ ёки муккасидан кетишлари рўй бермайди.

Болаларнинг 10, 15, 20 дақиқалаб ўтириб мультфильм кўришлари ҳам уларнинг ёшига қараб таъсир қилади. Икки-уч ёшдаги бола эндигина мультфильмларни кўришни бошлайди ва у албатта 15, 20 дақиқа экран олдида ўтира олмайди. Бу пайтда у мультфильмнинг мазмун жиҳатларини ҳам кўп ажратиб ололмайди. Унга экрандаги ҳайвонларнинг ҳаракати кўпроқ маъқул келади. Ўзи шу пайтгача расмларда, ҳаётда кўрган ҳайвонларнинг экранда ҳаракатга келганини кўрган болакай бунга жуда қизиқиб қолади. Мультфильм кўришлар айна мана шундан, яъни расмларнинг ҳаракатини кузатишдан бошланади. Бу пайтда ота-оналар болаларга эртак айтиб бергандай қилиб мультфильмларни бирга кўришдан бошлашлари керак. Экрандаги ҳайвонларга таъриф бериб бориш, уларнинг ҳаракатини шарҳлашда биз айнан миллий ва оилавий йўналишдаги таъсиримизни ўтказиб борган бўламиз. Бунинг яна бир томони шундаки, болалар мультфильм қаҳрамонларининг баъзиларини, уларнинг ҳаракат йўналишларини тушунолмай турганида бизнинг ёрдамимиз айна ўз жойида ва ўз вақтида кўрсатилган ёрдам бўлади. Ёш болалар билан ота-оналарнинг мультфильмларни бирга кўришлари биз юқорида айтиб ўтган, яъни мультфильмлар кўриш орқали болаларнинг ўз ота-оналаридан узоқлашишларига ҳам чек қўяди. Бола сизнинг меҳрингизни, унинг болалик оламини ҳис қилишингизни сезиб туради ва сизга меҳри ортиб боради. Кейинчалик, мультфильм тугагандан кейин сиз билан ҳаяжонланиб, ҳиссиётга берилиб мультфильм қаҳрамонлари ҳаракатларини такрорлайди. Сиз билан у ўз фикр доирасида уни муҳокама қилади, бу сизнинг тарбиявий таъсир ўтказишингизга янада каттароқ имкон яратади. Ушбу муҳокамадагина сиз ижобий қаҳрамонларни мақтайсиз, салбий қаҳрамонларни танқид

киласиз. Акс ҳолда ҳозирги замон Фарб мультфильмларидаги монстрлар, суперменлар болангизнинг хаёлини бошқа томонларга, бизнинг менталитетимизга ёт бўлган томонларга олиб қочиши мумкин. Ахир, аслида, Шарқ афсонаси бўлган Оловиддиннинг саргузаштлари бугунги биз кўраётган мультфильмларда шу даражада ваҳшийлашиб кетганки, ундаги Жасминни кўплаб ҳолларда ижобий қаҳрамон ҳам дейиш қийин. Жасминнинг аёллик назока-ти, нафосати бу мультфильмларда умуман чиқариб ташланганга ўхшайди. Демак, сиз бу мультфильмни болангиз билан бирга кўрсангизгина унинг бола руҳига тўғри сингишига ёрдам берсангизгина бу фильмлар сиз хоҳлаган руҳда болангизга сингади. Акс ҳолда сиз эмас, ушбу ваҳшийлашган мультфильмлар сизнинг болангизнинг тарбиясини ўз қўлига олиб қўяди. Буни ҳеч бир ота-она хоҳламаса керак. Болангизни қандай тарбияласангиз ёки уни мультфильмлар қандай тарбияласа, болангиз шундай киши бўлиб етишади.

Мультфильмлардаги яна бир ҳолат шундан иборатки, улар чизма равишда тайёрланганлиги учун уларнинг ранглари ўта тиниқ, жозибали. Шунинг учун болалар ҳаётда ҳам ўша ранглارни излашади, кизлар мультфильмлардаги қаҳрамонларга ўхшашни хоҳлашса, кейинчалик ўғил болалар ўша эртақлардаги, аслини олганда чизилган ранглардаги қаҳрамон кизларни излаб қолишлари мумкин. Демак, болаларнинг ёш руҳларига мультфильмларнинг қандай киришини кузатиб бориш, лозим бўлган жойларда уларнинг бу мультфильмларни тўғри тушунишига, тўғри қабул қилишига астойдил ёрдам бериб бориш, яъни ота-она назоратида мультфильмларни тарбиявий восита сифатида ишлатмоқ зарур. Негаки, ҳозирги экрандаги Оловиддин ва Шреклар сизнинг болангизни суперменлаштириб ташлагандан кейин уларни нормал ҳаётга қайтариш қийинлашиб қолади. Маълумки, тарбиялашдан қайта тарбиялаш анча қийин. Шунинг учун бола тарбиясида мультфильмларни қўллашда хатога йўл қўймайлик. Айни шу жойда яна бир тушунчага изоҳ бериб кетишни лозим деб топдим, яъни бугунги кундаги мультфильмларда

Фарбнинг эротик тушунчалари, ялангоч ҳиссиётлар жуда катта ўрин олган. Бу мультфильм қахрамонлари ўта гўзал, у ёки бу жисмоний аъзолари шу даражада бўрттириб чизиладики, натижада болаларнинг жинсий етилишлари тезлашиб кетмоқда.

Бу ҳолатни ҳам болалар билан мультфильмларни бирга томоша қилганда уларнинг эътиборини бу томондан олиб қочишга ҳаракат қилиш лозим. Бу ҳолатга биргина мисол келтириб кетай. Ўрдақлар саргузаштларидаги она ўрдақнинг ўз ички кийимларини экранда эрига намойиш қилиш эпизодларини олиб қаранг, ахир бизнинг Шарқ аёллари шундай қиладими? Албатта йўқ, демак, бу ҳолатларни болалар билан бирга томоша қилиш ва уларга бу эпизодларни тўғри англашга ёрдамлашиш лозим. Мультфильмларни бирга томоша қилсангизгина ушбу мультфильмлар доирасида мулоҳаза юритиб, болангиз билан бирга муҳокама қилсангиз унинг фикрлаш қобилиятини тўғри йўналишда шакллантириб борасиз. Демак, сиз болангизни тарбияда қайси йўналишда бошқарсангиз, кейинчалик болангиз жамиятни ўша йўналишда бошқаради, болангизни сиз ким қилиб тарбияласангиз, болангиз жамиятда ўша бўлиб етишади. Шундай экан, биз ўз болаларимизни ўз миллий руҳимизда тайёрланган мультфильмлар йўналишида тарбия бериб борайлик. Акс ҳолда бизнинг болаларимизни биздан сўрамай кириб келган мультфильмлар ўз таъсирига олиб қўйиши тайин. Шундай экан, тарбия борасида замонавий имкониятлардан бўлмиш мультфильмлардан кенг фойдаланмоқ зарур ва фақат бу йўналишда ҳам педагог ва психологларнинг маслаҳатларини унутмаслик керак.

УЙҚУ

Инсон умрининг учдан бир қисмини уйқуда ўтказлади. Уйқу ҳақида илмий мақолалар кўп, аммо уларнинг ҳар бирини таҳлил қилганда ҳам сиз ўз уйқу меъёрингизни аниқлаб ололмаслигингиз мумкин.

Бунинг устига, ҳар биримизда ўз яшаш жойимиз ва минтақамизнинг табиий ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда бизга бевосита алоқадор бўлган жисмимизнинг биологик ички соати ҳам бор. Буни асосан бир шаҳардан иккинчи шаҳарга самолётда учганда сезасиз. Умуман, ким қандай ухлайди ва қандай ухлаш тўғри, деган саволлар кўпчиликни қизиқтирса керак. Айниқса, ҳозирги кунда, бутун жаҳон халқлари уйқусизликдан шикоят қилиб келмоқда. Масалан, Америкадаги врачлар ўз миждозларига 2004 йили уйқусизликка қарши 35 миллион дори рецепти ёзиб беришган экан. Бутун жаҳонда уйқусизлик дарди кундан-кунга кучайиб бормоқда. Охирги тўрт йил ичида 20 ёшдан 44 ёшгача бўлган аҳоли орасида уйқусизлик икки баробар ошган.

Ҳозиргача олимлар орасида инсон нима учун ухлайди деган саволга аниқ ва пухта жавоб топилган эмас. Айниқса, инсоннинг ҳаёти давомида уйқу қандай рол ўйнайди, деган савол ҳам мавҳум қолиб келмоқда. Шу ўринда делфинларнинг ҳаётини оладиган бўлсак, делфинларга маза. Уларнинг мия яримшарлари алоҳида-алоҳида ухлаганлиги учун делфинлар одамларга умуман ухламайдиган махлуқлар сифатида кўриниши мумкин. Чунки уларнинг бир мия яримшари ухлаганда бошқаси ишлаб туради. Хўп, инсонлар нима учун ухлайди? Айниқса болалар нима учун ёшлигида кўп ухлашади? Олимларнинг бу саволга берадиган энг охирги жавобларидан бири бу - инсон организми кун давомида ишлагандан кейин тунда уйқуда у дам олади, деган мулоҳаза кучли. Аммо, ундай дейдиган бўлсак, уйқуда қилинган ихтиролар ва уйқуда бизнинг умуман ҳаётдан узилиб қолмаслигимиз, жисмимизнинг иш фаолияти давом этишини кузатамиз. Энг оддий тушунчалардан бири, биз кучли чарчашдан кейин қаттиқ уйқуга кетган бўлсак ва ён-атрофдаги шовқин-суронларни ҳам эшитмасдан ухлаб қолганимизда ҳам нимагадир исмимизни айтиб чақиришса тезда жавоб берамиз. Бу шуни кўрсатадики, инсоннинг уйқуси қанчалик қаттиқ бўлмасин, у ўз шахсиятига боғлиқ воқеалардан узилиб қолиш даражасида уйқуга кетмайди. Яна бир мисол, инсон гипноз уйқусида ухлатилганда ҳам

у ўз ахлоқига қарши ҳаракатларни бажармас экан. Энди асосий саволлардан бири, ким қанча ухлаши керак, деган савол. Бу саволга жавоб беришда бунга инсоннинг ёши бевосита алоқадорлигини айтиш лозим. Ёш болалар, чақалоқлар туғилганидан кейин салкам 23 соат ухлайди. Кейинчалик уйку уларда камайиб боради ва катталар учун ўртача меъёр 6-8 соат деб кўрсатилади. Қизиғи шундаки, америкалик олимларнинг 6 йил давомида бир неча миллион кишиларни кузатиши шуни кўрсатганки, суткасига 6-7 соат ухлаганлар орасида 8 соат ва ундан кўпроқ ухлаганларга қараганда ўлим анча паст экан. Қаранг, кам ухлаш яхши эканлиги бизда қадимдан айтилиб келиши бежиз эмас эканда.

Умуман ухламаслик, ёки узоқ муддат ухламасдан яшаш мумкинми, деган савол ҳам кўпчиликни қизиқтиради. Оддий инсоннинг узоқ вақт ухламасдан яшаши мумкин эмасга ўхшайди. Бу ўринда ёш болаларнинг узоқроқ ухламаслигини тасаввур қилиш ҳам қийин. Улар уйкуси келган пайтлари ҳеч нарсага эътибор бермасдан ҳар қандай шароитда ҳам ухлаб қолишади. Бу шуни кўрсатадики, ёшликда уйку тартиби болалар учун ўта муҳим рол ўйнайди. Демак, ёш болаларнинг уйку режимини, тартибини бузмасликка ҳаракат қилиш лозим. Ҳаммамизнинг ёдимизда, ёш боланинг уйку тартиби бузилса у йиғлайди. Бунинг сабабини одатда катталар мана шу уйку тартиби бузилганлиги билан таърифлашади. Демак, ёш болаларнинг уйку тартибини узоқ уйку ёки кам уйку билан бузманг, акс ҳолда боланинг нотинчлигига дуч келасиз.

Катталар орасида узоқ ухламасликка келсак, бу саволга ҳам психологлар турли мисоллар келтиришади. Масалан, 70-йилларда Покистонда бир киши ўз оиласи ҳалокати фожиасини эшитгандан кейин умрининг охиригача ухламаганлигини кўрсатиш мумкин. Яна бир мисол, 1964 йили 17 яшар Ренди исмли йигит 264 соату 12 дақиқа ухламаган. Бу ҳозирча дунёвий рекорд саналади. Аммо у шундан кейин сурункасига 15 соат қотиб ухлаган.

Соҳа мутахассисларининг айтишича, уйку уч турда бўлади. Тез уйку, яъни бир неча дақиқа ичида ухлаб ту-

риш. Енгил уйку, ён-атрофдаги воқеалардан салкам узилмасдан ухлаш ва чуқур уйку, бизда буни оддийроқ қилиб қотиб ухлаш дейишади. Биз, одатда, ҳар уйқуга кетишимизда уйқунинг мана шу учала босқичини ҳам босиб ўтамыз ва бу уйқумиз давомида босқичма-босқич такрорланиб туради. Ҳайдовчи ва шунга ўхшаш касб эгаларида бўладиган энг хавфли уйку бу тез уйку. Инсон, айтайлик, ҳайдовчи жисмоний чарчаш ҳолатида машина ҳайдаб кетаётган пайтида бир неча сония уйқуга кетиши мумкин ва у бу пайтда йўлни кўрмаслиги, аммо қўл-оёқлари машинани бошқариб боришда давом этиши мумкин. Айнан мана шу тариқа уйқуга кетишлар жуда кўплаб авариялар сабабчиси бўлаётганлиги дунёда кўплаб қайд этилган.

Инсон уйқуси билан боғлиқ яна бир қизиқ ҳолат шундаки, бу кўпчиликда учрамаса ҳам, аммо учраб турадиган ҳол, яъни илмий атамаси сомнамбула, уни инглизлар кўпинча - слипволкер - уйқусида ҳаракатланувчи, уйқусида туриб юрадиганлар дейишади. Бу тушунчани рус психологлари одамлардаги асабий фаолият ой фазалари билан боғлиқ деб тушунтирадида бундай ҳолатни ва шундай кишиларни «лунатик» - ойдинда юрувчилар, деб аташади. Жаҳон олимларининг инсоннинг бу руҳий ҳолати бевосита ой фазалари билан боғлиқ эмас, деган фикрларни инобатга олган ҳолда мен уларни **уйқусироқ** ҳолати ва лунатикларни ўз ўрнида **уйқусироқлар**, деб атамоқчиман. Яъни, инсон уйқуда ва шу бир пайтнинг ўзида уйқуда ҳам эмас, уйқусираб ўз фаолиятини давом этдирмоқда. Уйқусироқлик ҳолатида инсон ухлаб ётган жойидан туриб бирор жойга бориши, ошхонага чиқиб овқатланиши, уй-рўзғор ишларини бажариши, аммо эртасига ўзи шундай қилганлигини билмаслиги ва айтиб беролмаслигидир.

Бу жойда бизнинг таъкидлашимиз лозим бўлган томон шундаки, бундай ҳолатни болаларингизда сезсангиз бундан алоҳида муаммо ясамаслигингизни маслаҳат берамиз. Албатта невропатолог мутахассис билан маслаҳатлашиб олинг. Унинг берган маслаҳатларига амал қилинг. Энг асосийси, болангиз уйқусираб кечаси ёки бошқа бирон пай-

ти уйқусида туриб юришини кўрсангиз, бундан хабардор бўлинг ва зинҳор уни чўчитиб уйғотманг.

Шу бугунгача таъкидланиб келинаётган, яъни уйқу-сирокларни бундай ҳолатдалигида уйғотмаслик керак-клиги, агарда улар уйғотилса фожиа юз бериши мумкин-лиги фанда, олимларнинг кузатувида тасдиқланмаган. Тўғри, уйқусирок бу ҳолатида томнинг устидалигида уйғотилса у ўз ҳолатини кўриб бирдан кўрқиб кетиши ва ҳақиқатан ҳам фожиа юз бериши мумкин. Аслини олган-да эса уйқусирокни бу ҳолатдан уйғотиш хавфли эмасли-ги бугунги кунда аниқ тасдиқланган ҳол дейиш мумкин. Фақат қандай уйғотиш муҳимлигини аниқ тушуниб олган бўлсангиз бас.

Ушбу жойда ёш болаларнинг умумий уйқу вақти ва уларнинг бир кеча кундузда қанча соат ва неча маротаба ухлашига оид маълумотни келтириб ўтмоқчиман:

Бир ҳафталик бола тўрт беш маротаба ҳаммаси бўлиб 16, 5 соат ва ундан ортиқроқ ухлайди.

Бир ойлик боланинг уйқуси бир ҳафталикка қараганда бир соатга қисқаради ва унинг ухлаш вақти уч мартага кўчади.

Уч ойлик бола ўн беш соатлар ухлайди ва уч маротаба ухлаши керак. Олти ойга бориб бола ўн тўрт, ўн тўрт ярим соатлар ухлайди ва у кундузи икки маротаба ухлаши керак.

Тўққиз ойлик боланинг умумий уйқу соати ўн тўрт соатлар бўлади ва у кундузи икки маротаба ухлайди.

Бир ёшли бола ўн уч соату 45 минутлар ухлайди ва унинг кундузги уйқуси икки маротабадан кам бўлмаслиги керак.

Бир ярим ёшли бола ўн уч, ўн уч ярим соатлар ухлайди ва кундузи у бир маротаба ухлаши керак. Икки уч ёшли болалар 13 ва 12 соатлар ухлайди ва уларнинг кундузги уйқуси бир мартага кўчади.

Тўрт, беш ёшли болалар 11,5 ёки 11 соатлар ухлайди ва уларнинг ҳам кундузги уйқуси бир мартага кўчади.

Беш, олти ёшли болалар одатда 11, ўн соатлар ухлайди ва улар кундузлари ухламайди.

ТАРБИЯГА ТААЛЛУҚЛИ ФИКРЛАР

Фақатгина тарбияда эмас, умуман ҳамма билганларингни тарбиячи сифатида тарбияланаётган болалар олдида айтавермасликнинг ўзи катта бир тарбия.

Бола оламни ўрганишни онасини ўрганишдан бошлаб атрофни, катталарни ўрганиб боради ва у катталарни жуда яхши билади, уларнинг юзига, кўзига қараб кўнглидагини англаб олади ва бунинг ҳаммасини ўз фойдасига ишлатади.

Бола ҳақида фикр юритар эканмиз уни биз ўзимизнинг муҳитимизга, замон ва маконимизга олиб кириб эмас, биз унинг муҳитига кириб боришимиз, унинг замон ва маконида туриб мулоқот ўрнатишимиз лозим.

Она болага нисбатан тарбиявий зарур ҳолатларда севгисидан воз кечиши керак эмас, аммо бу севгида у ақл билан иш қилсин, тежамкор бўлиб ва айниқса муҳаббат меъёридан чиқиб кетмасин. Чунки бола бизнинг мулкимиз эмас, у ўзи алоҳида бир дунёга эга, у ҳам ўз дунёси бор инсон.

Бола тарбиясида майда нарса, майда ҳодисалар бўлмайди. Агар сиз ушбу майда нарсаларнинг бола ҳаётида содир бўлиб ўз таъсирини ўтказганини сезиб қолсангиз, айниқса бу ҳодисалар бола ҳаётига салбий таъсир қиладиган ҳодисалар, деб шубҳа қилсангиз ниҳоятда зудлик билан боланинг бевосита иштирокида уларни бар-тараф қилишга киришинг. Акс ҳолда бу кичкина нарса ва воқеаларни кейинчалик, боланинг хотирасига бир қадар сингганидан сўнг ўта катта куч билан ҳам чиқара олмай қолишингиз мумкин. Ҳиндлардаги мақолни эслайлик

“Шамол эксанг довул ўрасан.” Энди ўзингиз солиштиринг, шамолга қарши туриш ва довулга қарши туриш муаммоси сизга тўғри келишини.

(Тўрт ёшли неварам бир пайтлари “азгина”, деб ўрганганини сездим, бир икки огоҳлантириш билан озгина дейишга ўрганиб кетди)

Бола ўз ижтимоий муҳитини такрорлайди. Чунки у шу ижтимоий муҳит ҳосиласидир. Сиз ижтимоий муҳитнинг ижодкори сифатида бола атрофида салбий муҳит ташкил топиб қолишининг олдини олинг. Тарбиянинг асосини ташкил қиладиган ҳаракатнинг ўзи шу.

Дунёда ёмон ишларнинг асл эҳтиёжи умуман олганда ўзи йўқ. Ёмон ишларни фақат инсон иродасигина юзага келтиради. Бундай ёмон ишларни фақатгина ёмон ниятли инсонлар юзага келтиради.

Ҳар ким ўз иродаси билан фаолият кўрсата олар экан у ўз ҳатти ҳаракати, фаолиятини яхши ёки ёмон ишлар томон йўналтира олади.

Инсон фаолиятида ироданинг намоён бўлиши инсоннинг воқеликни билиш томон ҳаракати, унинг муҳит ва замон ичидаги фаолиятидир.

Шахс маданияти - унга халқ урф-одатлари ва дунё маданий нормаларининг бу шахс хусусиятига, ижтимоий кўникмаларига муайян сингганлиги билан баҳоланади.

Инсоннинг нутқиға, лутфиға, айниқса кийиниши ва ўзини тутишиға қараб унинг маданияти ва ҳатто тарбия

даражасини ва шунга қараб унинг ижтимоий табақасини айтиш мумкин.

Сен ўзингни ўзинг ҳақорат қилмасанг, ўз инсоний кадрингни унутмасанг – ҳеч ким сени ҳақорат қила олмайди.

Болалар ҳаётида катталар ва уларнинг ўйнаётган ролини бола ҳаётидаги тарбия амали сифатида қараш мумкин. Катталар кўпинча ўрганиб қолганликлари учун ўз ролидан чиқа олмайдилар, уйда ота, ишда директор, аммо улар унутишади, кўчада ҳамма бирдай йўловчи ва бола учун улар доимий тарбиячи эканликларини.

“Ўзининг бошини сотса ўзи қул, қачон оқил киши бергай анга пул.” Мана шу жойда савдони ҳам ақлли киши билан қилиш ва пулни ҳам ақлли кишига беришлик савдодаги ҳақиқатга олиб келиши кўриниб турипти. Алдаб сулдаб сотиб олиш ва арзимас пулни бериб ақлсиздан молни тортиб олиш ҳам қаллоблик эканлиги кўриниб қолади. Бунинг тарбияга нима алоқаси бор дейишингиз мумкин. Тарбияга эмас, тарбиянгизга алоқаси бор. Ахир сиз қаллоблик қилмассиз ўз савдонгизда. Сизнинг савдонгиз эса болангиз учун тарбия намунаси.

Биз тарбия борасида ниҳоятда катта актёрлик қилишга мажбурмиз. Мана шу жойда “домланинг айтганини қил”, иборасига амал қиламиз. Аммо, жамиятда талантили актёрлар кам бўлганидай ёнимизда талантили тарбиячилар ҳам ўта кам ва бизлар салкам ҳаммамиз тарбияда нўноқ актёрлармиз. Шунинг учун ҳам тарбия жараёнида катта фожеа юзага келаётганини ҳамма ҳам сезиб билавермайди. Тарбияда замон талабига қараб йўналиш ўзгармас экан, келажакни порлоқ, деб кутиб бўлмайди.

Бевосита болалар тилидан айтилгандай қилиб тарбияга тааллуқли маълум бир қонидани айтиб ўтиш мумкин. Улар албатта турли манбаларда учрайди, лекин биз уларга кам эътибор берамиз ва бу талаблар менинг берган тартибимда мана бундай бўлган бўлар эди:

1. Мени бола, болам деб эркатланг, бу билан мени бузасиз. Мен яхши биладан, сўраган ҳамма нарсанинг менга берилиши шарт эмаслигини, наҳотки ўзларингиз буни унутасизлар.

2. Мени кўрқитманг, мабодо кўрқиб ва ҳадикларим сизда хавф туғдирар экан, дарҳол бу кўрқиб сабабларини менинг калламдан чиқаришга урининг, акс ҳолда мен яна ҳам кўпроқ кўрқа бошлайман. Менга ботирликни кўрсатинг. Менинг ёшлигимда онгимга сингиш борасида ботирлик ҳам кўрқоқлик ҳам баб-баравар кучга эга.

3. Мен билан муносабатда кучга ишонманг, сиз мендан доимо кучли чиқасиз. Менга нисбатан куч ишлатар экансиз мен ҳам шу тушунчани ўзимга сингдираман ва ҳаётда ҳамма нарсани фақат куч ҳал қилади, деган ақидага ишониб қоламан. Ҳаётда ҳамма ҳолатларда ҳам фақат жисмоний куч ҳал қилмаслигини мен эмас, сиз яхши биласизку.

4. Ўзингиз бажара олмайдиган ваъдани менга берманг, бу билан менинг ўзингизга бўлган ишончимни сўндирасиз ва менда ҳам масъулиятсизлик хусусиятининг авж олишига асос яратасиз. Мени ҳам ўзингиз сезмаган ҳолда ваъдабозга айлантirasиз.

5. Менга ўзимда боридан ёшроқ деб муомалада бўлманг. Бу ҳолатни мен ўзимнинг фойдамга ишлатишни жуда тез ўрганиб оламан. Айтайлик, йиғлоқлик ва инжиқликка ўтиб олиб жонингизга тегаман.

6. Мен учун, менга ўзим қила оладиган ишни қилманг, бу ҳолат мени тез кунда сизни хизматкорга айлантириб олишимга олиб келади. Хизматкор ишлатиш яхши, аммо сиз менга хизматкор бўлишни хоҳламасангиз керак.

7. Менга ҳадеб ақл ўргатаверманг. Ақл ва тажриба бошқа бошқа тушунчалар эканлигини сиз яхши биласиз.

8. Менинг нима ёмон, нима яхшилигини билишимни билиб қолсангиз ҳайрон бўласиз.

9. Бошқалар олдида ҳеч вақти менинг хатомни тўғрилаб мени уялтирманг, шу нарсани ўзимга яккама-якка айтсангиз кўпроқ эътиборга оламан. Изза бўлиш кечирилмайди.

10. Менинг қилган ишларим хато, гуноҳ эканлигини хиссиётга берилиб, ҳаяжон билан кўрсатишга уринманг. Мен ҳам оддий инсон, хатолар қилиб ўрганишим керак.

11. Менинг ростгўйлигим ва ҳаққонийлигимни қаттиқ синовга солманг, кўрққанимдан, агар фойдасини сезсам тезгина ёлғончига айланиб оламан. Ёлғон айтиш фойдалигини мен тез илғайман.

12. Менинг кичик-кичик тумовларимга катта-катта эътибор қаратманг, чиниқишим ҳам керакку. Акс ҳолда мен бу кичик нохушликлардан ўзимга катта-катта фойда олишга ўрганиб оламан. Шамолладим, деб истаган нарсаларни талаб қилиб ётишнинг қулайликлари мени тез текинхўрга айлантириб қўйиши мумкин.

13. Менга ўзингизни мукамал ва камчилиги йўқ инсон қилиб кўрсатманг, акс ҳолда мен сизга, мукамалликка интилишнинг ўзи бўлмағур иш, деб интилишдан тўхтаيمان.

14. Мен кўплаб очиқ саволлар берсам улардан қочманг, агар уларга ўз ёшимга монанд, мени қондирадиган жавоб бермасангиз тезгина сезиб қоласиз, менинг ёки умуман савол бермай қўйганлигимни, ёки бу саволларга керакли жавоб ва бу йўналишдаги маълумотларни бошқа, кўпинча ножорий манбалардан, ташқаридан қидираётганимни. Ўз ёшимга мўлжаллаб берилган ҳар қандай жавоб мени қониқтиради, чунки ҳали бошқасини билмайманда.

15. Мен билан кўпроқ бирга бўлишга ҳаракат қилинг, агарда кам вақт бирга бўлаётганингизни сезсангиз бундан хафа бўлманг, яхшиси бирга бўлган вақтимизнинг қандай ўтишини, ўтганлигини унутманг. Кўп бирга бўлиб ўзингизнинг обрў-эътиборингизни туширгандан кўра, кам бирга бўлиб менда ижобий тушунча қолдириг.

16. Унутманг, мен сизнинг эътибор ва муҳаббатингизсиз ҳам ўсавераман. Мен сизни табиат руҳимга солган руҳ би-

лан шундай яхши кўраманки, сиз ҳам менга шундай севги кўрсатинг, холос.

17. Мен ниҳоятда тез ўзлаштириб оладиган ақидалардан бири бу “Насихат қилиш осон, аммо уни қабул қилиш қийин” ақидасидир. Менинг мендан ёшроққа насихат қилиб турганимни наҳот кўрмагансиз.

18. Мен сизнинг болангиз, аммо сизнинг болангиз аслида фақатгина сизнинг болангиз эмаслигини унутманг. Мен ҳам энди алоҳида шахс ва ушбу жамиятнинг аъзоси.

19. Мен сиз орқали дунёга келдим, аммо Тангрининг иноятини унутманг, мен сиз билан биргаман, аммо мен сизнинг нарса, буюм ёки ўйинчоғингиз эмасман.

20. Сиз менга ўз севги ва муҳаббатингизни беришингиз мумкин, аммо ақлингизни бера олмайсиз, менинг ўзимга яраша ўз ақлим бор. Ақл берилмайди, билим берилади.

21. Сиз менинг ҳам ўзингизга ўхшаш бўлишимга уришингиз мумкин. Аммо мендан ўзингизнинг нусхангизни яратишга уринманг. Ер шарида бир хил ўхшаш икки инсонни учратиш мумкин эмас, бу фан орқали исботланган.

22. Мени ўзимни ўзим излашга эмас, ўзимни ўзим яратишга ўргатинг.

“Ўлмасдан бурун ўлинг” ҳадиси ислом оламидаги мутеликнинг энг олий даражадаги шиори намунасидир. Ўлгандан сўнг ҳам тирик қолишга интилиш динлардаги тафаккурнинг энг олий мақсадидир.

Авестонинг Биринчи қўшиғидан

“Ёмон тарбиячи ҳеч вақт ҳаётингизни тубанлаштирма-син... “ Авесто”даги тарбия ҳақида айтилган сўзларнинг энг яхшиларидан бири мана шу.

Иккинчи қўшиқ, ясна, 45 ҳот, биринчи оят.

Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тесқари қилади ва тириклик идроқини хароб айлайди. Авесто ясна 32 ҳат 9 оят.

Уч ёшли болаларда хиссий, аслини олганда ижтимоий белгилардан уялиш, ачиниш, араз, қувонч ва бошқалари эндигина шакллана бошлайди. Бу катталарнинг тарбияда энг эҳтиёт бўладиган давр саналади.

Бола ҳаётида уйқу ва у билан боғлиқ оилавий режим муаммо сифатида кўплаб оилаларда катта аҳамият касб қилади, чунки оиладаги катталар бирор режим сақламаганларидан кейин улар ўз болаларидан режим талаб қилганларида болалар дарҳол ноҳақликни сезади.

Бола ҳаётида ўйинларнинг мураккаблиги поғонама-поғона оширилиб борилиши керак.

Ўйинлар болани чидамга, амалнинг, ишнинг охирини кўришга ўргатади. Мантиқий фикрлаш, хотирани чиниқ-тиришлар ҳам айна мана шу ўйинлардан бошланади.

Бизнинг бугунги кундаги педагогикамизнинг асослари советлар педагогикасининг назарий устунларига таяниб ҳали ҳамон болаларимизни қадимий иборадаги “кўзалар” синггари билимга тўлдириш билан овора. Улар ҳали ҳамон болаларимизга сўзлаб бериш, кўрсатиш ва вазифа топшириш билан қониқиб келмоқда. Аслини олганда таълим ва тарбия болани муаммога дуч келтириш, муаммони кўрсатиш ва бу муаммога ечимни излашни ўргатишдан иборат бўлиши керак.

Шундагина биз бола қалби “кўза эмас, у бир шам, уни ёқиб қўйиш керак, у шунда атрофга зиё беради” иборасига тўлиқ амал қилган бўламиз.

Эсиз “Қобуснома” ўгити. Ушбу асарда “оч кишини овқат бериб тўйдириб бўлмайди, унга балиқ тутишни ўргатиш керак”, дейилган эдику.

Авестони ёддан чиқарганмиз. Унда тарбияга тааллуқли энг олий шиор: “Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал”дир. Фикр-

ни сўз орқали эшитган билан бола мустақил амалга ўтмас экан унинг тарбиясини, олган таълимини уники деб санаб бўлмайди.

Америка таълим тизимининг илгарилаб кетиш сабабларидан бири уларнинг XIX аср охири ва XX аср бошларидан бошлаб болаларга муаммога ечим қидиришни ўргатишдан бошланиб кетган эди.

Бизнинг педагогикадаги бугунги корифейларимиздан бири шундай ёзади: “Фаоллик даражаси билан ўзлаштириш орасида бевосита алоқадорлик йўқ. Паст фаоллик, албатта, паст, юқори фаоллик эса, албатта, мустаҳкам билим беради деб таъкидлаш мумкин эмас”.

Наҳот ушбу педагоглар психологиянинг асосларидан хабардор бўлмасалар. Ахир бу фикр психологиядаги билим ўрганиш қонуниятига зид-ку.

МУНДАРИЖА

Иқтидор ва уни ўстириш йўллари тўғрисидаги рисола.....	3
Тараққиёт йўналиши ўзгариши таълим тизими ўзгаришига олиб келади.....	6
Оналик руҳи.....	15
Тарбиянинг ибтидоси.....	20
Азиз меҳмоннинг бузилган комфорти.....	22
Ушланг, йиқилиб кетади.....	27
Ақлий ўсишда энг фаол давр.....	32
Болани мактабга тайёрлаш керакми?.....	37
Киборлар тарбиялашимиз керакми?.....	42
Вундеркинд, индиго, даҳо болаларни тарбиялаб бўладими?.....	56
Иқтидор ва уни тарбияси.....	62
Алпона руҳ тарбияси.....	67
Болада ижодкорликни тарбиялаш.....	71
Болани уялтирманг.....	75
Фикрлашни ўрганаётган бола.....	79
Эркинлик ўжарлик эмас.....	84
Компьютердан тўғри фойдаланмаслик уларнинг айби эмас.....	87
Бола тарбияси, у макон танламайди.....	91
Бола тарбиясида мультфильмларнинг ўрни.....	94
Уйку.....	98
Тарбияга тааллуқли фикрлар.....	103

Маҳмуд ЙЎЛДОШЕВ
ЖАЖЖИ
ДАҲОЛАР ТАРБИЯСИ

Маъсул муҳаррир
Хикматов Икром Раҳмонович

Муҳаррир А. МУХТАРОВ
Дизайнер Р. САТТАРОВ
Техник муҳаррир Ҳ. САФАРАЛИЕВ
Саҳифаловчи О. МУХТОРОВ

Босишга 20.10.2011 йилда рухсат этилди.
Бичими 84x108 1/32. Ҳажми 7,0 б.т. Адади 2000.
Баҳоси келишилган нарҳда.
Буюртма № 049.

“Tafakkur” нашриёти.
E-mail: maktub@tafakkur.uz

“ТАФАККУР” нашриёти босмаҳонаси.
Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани,
Чилонзор кўчаси, 1-уй.